**еттинчи хатбоиси** «соф фойданинг» деган сўзлардан кейин «ва (ёки) ўтган йиллардаги таксимланмаган фойданинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **35-модданинг учинчи қисмидаги** «Солиқ солинадиган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **44-модда:**

**учинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахс — солиқ тўловчи қайта ташкил этилаётганда ёки тугатилаётганда, ҳар бир қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган солиқ тўловчига солиқ даври бошланганидан ётиборан қайта ташкил этиш ёки тугатиш тугалланган кунга кадар бўлган давр юзасидан тегишинча топшириш далолатномаси, таксимлаш баланси ёхуд тугатиш баланси асосида алоҳида-алоҳида солиқ хисоботи тузилади. Мазкур хисобот топшириш далолатномаси, таксимлаш баланси ёки тугатиш баланси тасдиқланган кундан ётиборан уч иш куни ичida тақдим этилади. Ушбу қисмининг қоидалари ўзгаришиш, шунингдек бошқа юридик шахсни кўшиб олиш орқали қайта ташкил этилаётган юридик шахсларга нисбатан татбик этилмайди»;

куйидаги мазмундаги **тўртичи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъекти — юридик шахс ихтиёрий тугатилган тақдирда, унга солик даври бошланганидан то юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тугатиш тартиб-таомили бошланганилиги ҳакида хабардор килинган санагача бўлган муддат учун алоҳида солик хисоботи тузилади»;

**тўртинчи қисми бешинчи қисм** деб хисоблансин;

6) **47-модданинг:**

**биринчи қисми** «давлат солик хизмати органларида» деган сўзлардан кейин «ва солик тўловчидা» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

7) **88-модда:**

**иккинчи қисмининг иккинчи хатбошидаги** «текширувнинг мақсадлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмининг иккинчи хатбоши** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тутатувчининг ёки юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тутатилиши тўғрисидаги ёзма билдириши»;

8) **92-модда:**

**биринчи қисмининг учинчи хатбоши** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўз хизмат гувоҳномасини, шунингдек текширишларни ўтказишга руҳсат берилганлиги тўғрисидаги маҳсус гувоҳномасини кўрсатиши»;

**тўртинчи қисмининг учинчи хатбоши** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«текширувни мансабдор шахс текширувни тайинлаш тўғрисидаги бўйруқда кўрсатилмаган, ўз хизмат гувоҳномасини ва текширишларни ўтказишга руҳсат берилганлиги тўғрисидаги маҳсус гувоҳномасини кўрсатмаган бўлса»;

9) **94-модданинг биринчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солик хизмати органнинг солик текширувни ўтказаётган мансабдор шахслари текширилаётган солик тўловчидан соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни хисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлик, текширув мақсадларига тегишли ва текширилаётган даврга тааллукли хужжатларни талаб килиб олишга ҳакли»;

10) **104-модданинг:**

**биринчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солик тўловчи, агар ушбу Кодекс 54-моддасининг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, давлат солик хизмати органи карорининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичда карорда кўрсатилган соликка оид ҳукуқбузарликларни бартараф этиши ҳамда хисобланган соликлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пена суммасини тўлаши шарт»;

**бешинчи қисмининг учинчи жумласи** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муддат жаримани ихтиёрий равишда тўлаш учун муддат бериш тўғрисидаги қарор қабул килинган кундан эътиборан ўттиз кундан, ушбу Кодекс 54-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса олти ойдан ошмаслиги керак»;

11) **118-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбоши** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«маҳсулот етказиб берувчиларга хисобварак-фактурада кўрсатилган кўшилган қиймат солиги суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишига сабаб бўлади. Бунда маҳсулот етказиб берувчи хисобварак-фактурада кўрсатилган солик суммасини бюджетга тўлаши шарт»;

12) **128-модданинг биринчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солик солинадиган база жами даромад билан ушбу бўлимда назарда тутилган чегириб ташланадиган ҳаражатлар ўртасидаги фарқ сифатида, мазкур Кодекс 158-моддасининг иккинчи қисмида, бошқа конунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар ҳамда ушбу Кодекснинг 159-моддасига мувофиқ солик солинадиган фойданини камайтирилиши суммалари инобатга олинган ҳолда хисоблаб чиқарилган солик солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади»;

13) **130-модданинг саккизинчи қисми** куйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун реализация килишдан олинадиган тушум белгиланган баҳолар (тарифлар) асосида аниқланади»;

14) **132-модданинг:**

**11-бандидаги** «иккинчи» деган сўз «биринчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

**13-бандидаги** «шунингдек чет эл валютасидаги операциялар бўйича олинган даромадлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **133-модда** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Асосий воситалар обьектларининг чиқиб кетишидан олинадиган молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда асосий воситалар обьектларининг илгари кайта баҳолашлардаги ортган суммасининг ушбу асосий воситалар обьекти кийматининг олдинги кайта баҳолашлардаги камайиши суммасидан ортган қисми асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади»;

16) **140-модданинг иккинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Баҳолари чет эл валютасида белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ўзаро хисоб-китобларни миллий валютада амалга оширадиган солик тўловчилар учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация килинган ёки олинган санадан ушбу товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санагача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдаги ўзгариши муносабати билан юзага келувчи ижобий фарқ товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санадаги жами даромад таркибига бухгалтерия хисоби тўғрисидаги конун хужжатларига мувофиқ киритилади»;

17) **144-модда иккинчи қисмининг 4-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) музей кимматларни (музей ашёлари)»;

18) **145-модданинг:**

**40-банди** куйидаги мазмундаги **«м» кичик банди** билан тўлдирилсин:

«м) сармаси билан мазкур қарзни юзага келтирган реализация килинган товарлар (ишлар, хизматлар) таннархи ўртасидаги фарқдан ошмайдиган сумма доирасидаги қарзни талаб килиш хукуқидан ўзганинг фойдасига воз кечишидан кўрилган зарарлар»;

**43-банди бешинчи хатбоши** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Баҳолари чет эл валютасида белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ўзаро хисоб-китобларни миллий валютада амалга оширадиган солик тўловчилар учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация килинган ёки олинган

санадан ушбу товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санагача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдаги ўзгариш муносабати билан юзага келувчи салбий фарқ бухгалтерия хисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санадаги жами даромаддан чегириб ташланади»;

кўйидаги мазмундаги **49-банд** билан тўлдирилсин:

«(49) вактичча меҳнатта кобилиятсизлик нафакаларини конун ҳужжатларida белгиланган нормалар бўйича тўлаш харажатлари»;

19) **150-модданинг 7-банди** чикариб ташлансин;

20) **152-модданинг 10-банди** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«(10) профессионал фаолиятдан олинган бошка даромадлар»;

21) **155-модданинг:**

иккинчи қисми «банклари» деган сўздан кейин «ва лизинг берувчилари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

саккизинчи қисми чикариб ташлансин;

тўққизинчи — йигирманчи қисмлари тегишинча саккизинчи — ўн тўққизинчи қисмлар деб хисоблансин;

ўн учинчи қисми кўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Бунда даромадлар хорижий банкларга тўланган тақдирда, солик солиш масалаларини тартибга солувчи халкаро шартнома мавжуд бўлган давлатда хорижий банкнинг доимий жойлашган жойи борлигини тасдиқлаши, агар бундай жойлашган жой хамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбаларидаги маълумотлар билан тасдиқланган бўлса, талаф килинмайди»;

ўн саккизинчи қисмидаги «ўн учинчи, ўн бешинчи, ўн олтинчи ва ўн саккизинчи» деган сўзлар «ўн иккинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн еттинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **156-модданинг:**

учинчи қисми чикариб ташлансин;

тўртинчи — еттинчи қисмлари тегишинча учинчи — олтинчи қисмлар деб хисоблансин;

бешинчи қисмидаги «бешинчи» деган сўз «тўртинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

23) **157-модданинг иккинчи қисми иккинчи хатбошидаги «бошлиғи»** деган сўз чикариб ташлансин;

24) **159-мода** кўйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Банкларнинг солик солинадиган фойдаси жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлар хамда жойлаштирилган жамгарма сертификатлари ҳажмларининг кўпайтан суммасига бўшаган маблағларни юкорида кўрсатилган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан камайтирилади»;

25) **165-мода тўртинчи қисмининг 1-банди** кўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Банклар Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига амалга оширилган тўловлар (дивидендер ва фоизлар тўловидан ташқари) бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлов амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунидан кечиритирмай бюджеттга ўтказади»;

26) **171-модданинг иккинчи қисми:**

**4-банди** «вакиллик харажатлари» деган сўзлардан кейин «шаҳар йўловчилар транспортida ходимларнинг хизмат катновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларини олиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**8-бандининг иккинчи хатбошиси** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) катнов турага эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар)»;

кўйидаги мазмундаги **15-банд** билан тўлдирилсин:

«(15) ходимларнинг малакасини ошири ва уларни кайта тайёрлаш харажатлари»;

27) **172-модданинг биринчи хатбошиси** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мехнат шартномаларига ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган фуқаролик-хуқукий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга хисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатта ҳақ тўлаш тарзида даромадлар (ушбу Кодекс 169-моддасининг иккинчи қисмida кўрсатилган даромадлар бундан мустасно) деб эътироф этилади. Мехнатта ҳақ тўлаш тарзида даромадларга кўйидагилар ҳам киради»;

28) **174-модданинг 5-банди** кўйидаги таҳрирda баён этилсин:

«(5) доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) катнов турага эга бўлган ходимларнинг, шунингдек доимий иши ишларни вахта усулида бажарилишини назарда тутадиган ходимларнинг иш ҳакига конун ҳужжатларida белgilangan нормалардан ортиқча тўланадиган устамалар»;

29) **175-модданинг 14-банди** «ушбу Кодекс 178-моддасининг 16-бандида кўрсатилганлар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

30) **177-мода биринчи қисми 1-бандининг тўртинчи хатбошиси** кўйидаги таҳriрda баён этилсин:

«озик-овқат, йўл чипталари кийматини тўлаш ёки озик-овқат, йўл чипталари кийматини коплаш»;

31) **178-мода:**

**1-банди** кўйидаги таҳriрda баён этилсин:

«(1) пенсиялар ва конун ҳужжатлariда белgилangan нафакалar»;

**3-банди** кўйидаги таҳriрda баён этилсин:

«(3) жисмоний шахсларга хайрия ва экология жамғармаларининг маблағларидан бериладиган нафакалар хамда бошка турлардаги ёрдам»;

**10-бандидаги** «грантлар» деган сўздан олдин «грант берувчидан олинган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

кўйидаги мазмундаги **16-банд** билан тўлдирилсин:

«(16) моддий ёрдам тариқасида:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар;

фавкулодда холатлар муносабати билан бериладиган тўловлар;

мақсадли хусусиятга эга бўлган хамда ходимлар билан юз берган шахсий тусдаги воқеалар, ҳодисалар ва тадбирлар билан боғлиқ бўлган хамда бажариладиган иш натижаларига боғлиқ бўлмаган тўловлар»;

32) **179-модданинг:**

**1-банди иккинчи хатбошиси** кўйидаги таҳriрda баён этилсин:

«фавкулодда холатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари — тўлалигича»;

**17-банди** кўйидаги таҳriрda баён этилсин:

«17) депозит сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек банклар ва кредит ўюшмаларида омонатлар бўйича фойзлар ҳамда ютуклар»;

**20-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20) меҳнат шартномаси бекор қилинганида энг кам иш хақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафакаси, конун хужжатларида белгиланган бошқа нафакалар, бундан вактинча меҳнатга кобилиятсизлик нафакалари (шу жумладан оиласининг бером аъзосини парваришилаш нафакаси) мустасно, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан жисмоний шахсларга бериладиган ёрдам тусидағи тўловлар»;

**26-банди** чиқариб ташлансин;

33) **180-модда иккинчи қисмининг 7 ва 11-бандларида** «бошқа турмуш қурмаган» ва «қайта турмуш қурмаганик» деган сўзлар тегишинча «янги турмуш қурмаган» ва «янги турмуш қурмаганик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**34) 186-модданинг саккизинчи қисмлари** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг ходимга илгариги асосий иш жойда тўловлар амалга оширилган тақдирда, мазкур тўловларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ушбу Кодекс 179-моддаси 1-бандининг учинчи ва тўртингчи хатбошиларида, 14-бандида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар кўлланилмаган ҳолда солинади. Юридик шахс бу ходимга тўлаган даромаднинг жами суммаси ва ундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолинган умумий суммаси ҳакида бу юридик шахс хисобга кўйилган жойдаги давлат солик хизматни органига ўттиз кун ичда ёзма шаклда маълум килиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини хисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан ушбу Кодекс 179-моддаси 1-бандининг учинчи ва тўртингчи хатбошиларида, 14-бандида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар кўлланилмаган ҳолда, белгиланган ставкалар бўйича хисобланишига караб, ийл бошидан ортиб борувчи якун бўйича амалга оширилади»;

**35) 197-модда:**

**биринчи қисмининг 4-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) оддий ширкат солик солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиши юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс»;

**иккинчи қисмининг иккинчи хатбоши** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«нотижкорат ташкилотлар, бундан тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация килиши оборотлари, шунингдек ушбу модданинг биринчи қисми 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

**36) 199-модданинг:**

**биринчи қисми:**

**1-бандининг тўртингчи хатбоши** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлик бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), агар ушбу модда иккинчи қисмининг 6-бандида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса»;

куйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) солик тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун товарлар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, агар ушбу модда иккинчи қисмининг 1-бандида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса»;

**иккинчи қисмининг 1-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) солик тўловчининг харажатлари сифатида караладиган, юридик шахслардан олинадиган фойда солигини хисоблаб чиқарища чегириладиган, унинг ўз эҳтиёжлари учун товарлар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш»;

**37) 202-модда учинчи қисмининг:**

**2-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган кўчар мулк билан боғлик бўлса. Бундай ишларга, хизматларга монтаж килиш, созлаш, йигиш, қайта ишлаш, ишлов бериш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш киради»;

**4-бандининг:**

олтичини хатбошидаги «ушбу қисмда» деган сўзлар «ушбу бандда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттичини хатбошидаги** «чет эллик алоқа операторлари томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**38) 204-модданинг:**

**иккинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарлар (ишлар, хизматлар) таннахидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлик харажатлар хисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, солик тўловчига ўз эҳтиёжлари учун ушбу Кодекс 199-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига мувоғик товарлар берилганда (ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда), шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солик солиши максадлари учун солик солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннахидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлик харажатлар хисобга олинган ҳолда) келиб чиқиб белгиланади»;

**еттичини қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Импорт килинган товарлар реализация қилинганда, солик солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг кўшилган қиймат солиги киритилмаган қийматидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади. Бунда солик солинадиган база мазкур товар импорт килинганда кўшилган қиймат солигини хисоблаб чиқариш учун қабул килинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас»;

**39) 208-модданинг:**

**12-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12) қимматбахо металларни ваколатли давлат органига саклаб туриш учун топшириш ва уларнинг экспорти»;

**13-банди биринчи хатбошининг биринчи жумласи** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13) тиббий (ветеринария) хизматлари (косметология хизматлари бундан мустасно), дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ва буюмлар»;

**40) 211-модданинг 5 ва 6-бандлари** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган карзлар (кредитлар) маблаглари, шунингдек грантлар хисобига юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган товарлар;»

6) дори воситалари ва тибибиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек дори воситалари ва тибибиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш учун қонун хужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган хом ашё;

41) **212-модданинг биринчи қисми**даги «пахта толаси ва линт» деган сўзлар «кимматбаҳо металлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

42) **213-модда:**

**биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** куйидаги мазмундаги **иккичи** ва **учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топширик) шартномаси бўйича реализация қилинганда экспортни тасдиқлаш учун комитет (ишонч билдириувчи) томонидан кўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

солик тўловчи билан воситачи ёки ишончли вакил ўртасидаги воситачилик шартномаси ёки топширик шартномаси (шартноманинг кўчирма нусхаси);

солик тўловчининг топширигига кўра (воситачилик шартномаси ёки топширик шартномасига мувофик) экспортга товарлар етказиб беришни амалга ошираётган шахснинг товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан ташкирига етказиб бериш учун чет эллик шахс билан тузилган контракти (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);

товарларни экспорт режимига чиқаришни амалга оширувчи божхона организининг белгиси кўйилган божхона юк декларациясининг кўчирма нусхаси.

Ушбу модданинг биринчи ва иккичи қисмларида кўрсатилган хужжатлар белгиланган тартибда текширув ўтказилаётганда назорат қилувчи органларга уларнинг талабига биноан тақдим этилади»;

43) **216-модданинг учинчи хатбошисидаги** «ўйловчилар, бағажлар ва почтани халқаро йўналишда ташиш» деган сўзлар «ўйловчилар, бағажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

44) **218-модда:**

**биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) ноль даражали ставка бўйича солик солинадиган товарлар экспорттида чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан экспорт қилинётган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк хужжатидан кўчирма мавжуд бўлса»;

**тўртинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарлар импортида, шунингдек ушбу Кодекснинг 207-моддасига мувофик Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан ишлар (хизматлар) олинганида бюджетга тўланган кўшилган қиймат солиги ҳақиқатда қайси хисобот даврида бюджетга ўтказилган бўлса, ўша хисобот даврида хисобга олинади»;

куйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Реализация қилинганда ноль даражали ставка бўйича солик солинадиган экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ҳақиқатда олингандан товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўланиши лозим бўлган (тўланган) кўшилган қиймат солиги товарлар экспортидан валюта тушуми ҳақиқатда тушган даврда валюта тушумининг улушида хисобга олинади»;

**бешинчи — саккизинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи — тўққизинчи қисмлар** деб хисоблансин;

45) **222-модданинг ўн иккичи** ва **ўн учинчи қисмлари** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кўшилган қиймат солиги тўловчилар келиб тушган ва тақдим этилган хисобварак-фактурулар реестрини юритишлар шарт.

Хисобварак-фактуранинг шакли, уни тўлдириш тартиби, шунингдек келиб тушган ва тақдим этилган хисобварак-фактурулар реестрини юритиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилги томонидан тасдиқланади»;

46) **226-модданинг иккичи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Импорт қилинадиган товарлар бўйича кўшилган қиймат солигини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади»;

47) **227-модда тўртинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ушбу Кодекснинг 228-моддасига мувофик солик тўловчининг банк хисобварагига пул маблаглари ўтказилади»;

48) **228-мода учинчи қисмининг 1-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) товарларни экспорт қилишни амалга ошираётган юридик шахслар — ушбу Кодекснинг 213-моддасига мувофик хужжатларнинг кўчирма нусхаларини, шунингдек чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) экспорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаганлигини тасдиқловчи банк хужжатидан кўчирмаларни»;

49) **229-модданинг иккичи қисмидаги** «Вазирлар Маҳкамасининг» деган сўзлар «Президентининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

50) **230-модданинг иккичи қисми 4-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан» деган сўзлар «қонун хужжатларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

51) **240-модданинг иккичи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Импорт қилинадиган товарлар бўйича акиз солигини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади»;

52) **248-модда:**

куйидаги мазмундаги **иккичи қисм** билан тўлдирилсин:

«Айрим турдаги маҳсулотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан ушбу модданинг биринчи қисмida кўрсатилмаган бошқа шахслар кўшимча фойда солиги тўловчиси этиб белгиланиши мумкин»;

**иккичи қисми учинчи қисм** деб хисоблансин;

53) **249-модданинг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Реализация қилишдан олинган соф тушум билан қонун хужжатларида белгиланган хисоб-китоб баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аникланадиган даромаднинг бир қисми (кўшимча фойда) кўшимча фойда солигини солиши объектидир»;

54) **250-модданинг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солик солинадиган база ҳисобот давридаги қўшимча фойда суммасидан келиб чиқиб, қўшимча фойда кисмiga тўтири келадиган соф тушумдан хисобланадиган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташланган ҳолда аниқланади»;

55) **256-модданинг биринчи қисми:**

**5-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ягона ижтимоий тўлов»;

қўйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) акциз солиги»;

56) **257-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сувр ресурсларидан фойдаланганлик учун солик тўловчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланиши амалга оширувчи қўйидаги шахслардир:

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;

тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехқон хўжаликлари»;

57) **268-модданинг учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**тўртингичи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансан;

58) **275-модда биринчи қисмининг 7 ва 8-бандлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) собиқ СССРни химоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чогида яралангандиги, контузия бўлганлариги ёхуд шикастланганлиги оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлик касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ота-оналарининг ва рафиқаларининг. Имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг беваси (онаси, отаси)» штампи кўйилган ёки пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган тегишли ёзуви пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсioner бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик кўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёки Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчичининг ҳалок бўлганлариги тўгрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни химоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чогида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлик касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг рафиқаларига имтиёз факат улар янги турмуш курмаган тақдирда берилади;

8) муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилари ва улар оила аъзоларининг (хизматни ўташ даврида). Мазкур имтиёз тегишли ҳарбий қисмнинг ёки туман (шахар) мудофаа ишлари бўлумининг маълумотномаси асосида берилади»;

59) **287-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласидаги** «солик ҳисоб-китобларни тақдим этиш» деган сўзлар чиқариб ташлансан;

60) **296-модданинг иккинчи жумласи** «олинган» деган сўздан кейин «(олиниши лозим бўлган)» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

61) **297-модданинг биринчи қисмидаги** «фойда солиги тўланганидан кейин» деган сўзлар «ҳисобланган фойда солиги чегириб ташланган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

62) **305-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини (бундан бўён матнда сугурта бадаллари деб юритилади) тўловчилардир»;

63) **308-модданинг 4-банди** чиқариб ташлансан;

64) **310-модданинг тўртингичи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Сугурта бадалларининг ҳисоб-китоби солик бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солик хизмати органларига солик тўловчи томонидан ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиқтиримай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади»;

65) **311-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Якка тартибдаги тадбиркорлар сугурта бадалларини мажбурий тартибда ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда тўлайди.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехқон хўжаликларининг аъзолари сугурта бадалларини ихтиёрийлик асосида йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Белгиланган миқдордаги сугурта бадалларининг тўланиши дехқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариша бир йил деб ҳисобга олинади.

Ёшга доир пенсия олиш хуқуқига эга бўлган, шунингдек I ва II гурух ногиронлари бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехқон хўжаликларининг аъзолари учун сугурта бадалининг миқдори унинг белгиланган миқдорининг камидан 50 фоизини ташкил этиши керак.

Сугурта бадалларини тўлаш қўйидаги амалга оширилади:

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — ҳар ойда кейинги ойнинг 10-кунидан кечиқтиримай;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехқон хўжаликларининг аъзолари — ҳисобот йилининг 1 октябрингача. Бунда сугурта бадалларининг миқдори тўлов кунидаги энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқкан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Тўлов топширикномасида (кирим ордерида) солик тўловчининг идентификация раками ва тўлов тўланаётган давр албатта кўрсатилиши шарт. Агар давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой (дехқон хўжаликлари аъзолари учун — йил) учун тўланган деб ҳисобланади»;

66) **313-модда иккинчи қисмининг 5-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) кредит ташкилотлари ва сугурта ташкилотлари учун — агар мазкур модданинг учинчи қисмида бошқача коида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад»;

67) **317-модда иккинчи қисмининг 5-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) кредит ташкилотлари ва сугурта ташкилотлари учун — агар мазкур модданинг учинчи қисмида бошқача коида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад»;

68) **323-модданинг иккинчи хатбошиси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«олинган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси худудига вактингчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари движателининг от кучидаги куввати»;

69) **356-модда биринчи қисмининг 6-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тарикасида ва асосий воситаларни тутатишда уларнинг илгари қайта баҳолашлардаги кийматининг камайиши суммасидан ортган қисми хисобига олинган бошқа даромадлар»;

70) **362-модданинг:**

**иккинчи қисми биринчи хатбошиси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ушбу модданинг учинчи қисмида бошқача коида назарда тутилган бўлмаса, бир вактнинг ўзида куйидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар солик солиш мақсадида кишилкъ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар жумласига киради»;

**учинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этилган кишилкъ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ягона ер солигини тўловчилар бўлади»;

71) **363-модданинг:**

**тўртингчи қисми иккинчи жумласи** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солик тўловчининг ёзма билдиришни белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги унинг умумбелгиланган соликларни тўлашга розилиги деб хисобланади»;

**ўнинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона ер солигини тўловчилар учун ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадларга солик солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар бундан мустасно»;

72) **366-модданинг:**

**иккинчи қисми** чиқаруб ташлансан;

**учинчи ва тўртингчи қисмлари тегишинча иккинчи ва учинчи қисмлар** деб хисоблансан;

73) **367-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «362-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «362-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

74) **369-модданинг биринчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона ер солиги суммаси ер участкаларининг норматив киймати ва ягона ер солигининг белгиланган ставкасидан келиб чиқсан холда хисоблаб чиқарилади»;

75) **371-модданинг тўртингчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Асосий фаолият тури бўйича катъий белгиланган соликни тўловчилар бўлган юридик шахслар учун ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадларга солик солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар, шунингдек ижарадан олинган даромадлар бундан мустасно»;

76) **379-модда** куйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсан:

«Ушбу бобда назарда тутилган соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилаётган ишончли шахс oddiy ширкат шартномаси асосида биргаликдаги фаолиятни амалга оширишни бошлаган кундан эътиборан ўн кун ичди ишончли шахснинг солик бўйича хисобга олиш жойидаги давлат солик хизмати органида биргаликдаги фаолият доирасида солик мажбурятларини бажарувчи солик тўловчи сифатида хисобга туриши шарт»;

77) **381-модданинг олтинчи қисмидаги** «ушбу Кодекснинг 382-моддасида назарда тутилган» деган сўзлар «ушбу Кодекснинг 375-моддасида назарда тутилган» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

78) **382-модда** куйидаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи қисмлар** билан тўлдирилсан:

«Ягона солик тўлови биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот реализация килинмасдан, биргаликдаги фаолият шериклари (иштирокчилари) ўртасида таксимлаб олинган тақдирда ҳам тўланади. Бунда ягона солик тўлови суммаси биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархидан келиб чиқсан холда хисоблаб чиқарилади.

Биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш доирасида якка тартибдаги тадбиркорлар учун ягона солик тўлови хисоб-китобининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади»;

79) **387-модданинг учинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бозорлар даромадларининг умумий суммасидан, бозорлар даромадидан тўланадиган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташлангандан кейин қолган маблагларнинг 50 фоизи бозорлар жойлашган жойидаги тегишли маҳаллий бюджетларга белгиланган тартибида йўналтирилади. Колган 50 фоизи бозорлар маъмурияти тасарруфида колади ва улардан жорий харажатларни коплаш, реконструкция килиш, ободонлаштириш, бозорлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг рўйхатини кенгайтириш, сифатини яхшилаш учун фойдаланилади».

**2-модда.** Ушбу Конун 2009 йилнинг 1 январидан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 29 декабрь,  
ЎРК-196-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

**Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан  
Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва  
қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар) **240-моддасининг иккинчи қисми «ёки бундан бўйин товлаганилиги учун»** деган сўзлардан кейин «шунингдек гувоҳ ўзига қарши кўрсатув беришни рад этганда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 46-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **биринчи ва иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Айбланувчи: ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш; қамоқقا олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи

учрашиш, ушбу Кодекс 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш хукуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва хужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз хисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; жиноят ишининг терговчи ёки прокурор томонидан тутатилганлигига қарши эътиroz билдириш ҳамда суд мухокамаси ўтказилишини талаб қилиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса, кассация ва назорат инстанциялари судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларида хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътиrozлар билдириш хукуқига эга.

Судланувчи охирги сўз билан чиқиш хукуқига эга»;

**иккинчи қисмлари тегишинча учинчи ва тўртинчи қисмлар**  
деб ҳисоблансин;

**2) 48-модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Гумон қилинувчи: ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; у ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ушбу Кодекснинг 230-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш хукуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш хукуқига эга»;

**3) 49-модданинг тўртинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган хукуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади»;

4) **50-модда учинчи қисмининг биринчи жумласидаги** «адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг худудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **51-модданинг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига қўра ёхуд уларнинг розилиги билан бошка шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг худудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажримига биноан қарор ёхуд ажрим Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг худудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт соатдан кечиктирмай жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштирокини таъминлаши шарт»;

6) **52-модда биринчи қисмининг иккинчи жумлasi** «бунда адвокат» деган сўзлардан кейин «ўз ҳимояси остидаги шахс билан холи учрашганидан кейин» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **53-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳимоячи: манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини билиш; адвокатлик гувохномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиш; гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинаётганда ҳозир бўлиш ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганда, шунингдек уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошка тергов ҳаракатларида иштирок этиш ва гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга, гувохларга, эксперtlарга, мутахассисларга саволлар бериш; бошка тергов ҳаракатлари юргизилаётганда суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан иштирок этиш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш; илтимоснома бериш ва рад этиш; ушбу Кодекс 87-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш; гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид хужжатлар билан, дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзуб олиш, материаллар ва хужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; агар ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлса, давлат сирлари, тижорат сири ёки бошка сирни ўз ичига олган ахборот билан қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш; суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва бу ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлар тўғрисида билиш ҳамда уларга нисбатан эътиrozлар билдириш; апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиш ҳукуқига эга.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор

шахсларнинг рухсатисиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли»;

8) **55-модданинг биринчи қисмидаги** «дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш» деган сўзлар «дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз хисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **57-модданинг биринчи қисмидаги** «дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш» деган сўзлар «дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз хисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **59-модданинг биринчи қисмидаги** «дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш» деган сўзлар «дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз хисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **66-модданинг биринчи қисми** қуидаги таҳтирида баён этилсин:

«Гувоҳ: адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш; тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга иштирок этиш; сўроқ юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида кўрсатувлар бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; унинг сўроқ қилинишида иштирок этувчи таржимонни рад қилиш; кўрсатувларини ўз кўли билан ёзиб бериш; ўзига қарши кўрсатув бермаслик; сўроқ баённомаси билан танишиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш; кўрсатувлар беришда ёзма белгилар ва ҳужжатлардан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун, суроштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эга»;

12) қуидаги мазмундаги **661-модда** билан тўлдирилсин:

### **«661-модда.Гувоҳнинг адвокати**

Гувоҳнинг адвокати белгиланган тартибда гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда унга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсадир.

Жиноят ишида тарафлар манфаатини ҳимоя қилаётган шахс мазкур иш бўйича гувоҳнинг адвокати бўлиши мумкин эмас.

Гувоҳнинг адвокати ишда иштирок этишга у адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва ордерни тақдим этганидан сўнг, гувоҳ чақирилган пайтдан эътиборан қўйилади.

Гувоҳнинг адвокати: ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг қайси жиноят иши бўйича чақирилганлигини билиш; гувоҳнинг сўроқ қилинишида, шунингдек у иштироки билан ўтказилаётган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш, унга қисқа маслаҳатлар бериш; сўроқ қилаётган шахснинг рухсати билан гувоҳга саволлар бериш; гувоҳни

сўроқ қилишда иштирок этаётган таржимонни рад қилиш ҳақида қонунда белгиланган тартибда арз қилиш; сўроқ тугаганидан сўнг гувоҳнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги, сўроқ баённомасига киритилиши лозим бўлган арзларини баён этиш хукуқига эга.

Гувоҳнинг адвокати: гувоҳга зарур юридик ёрдам кўрсатиши; далилларни йўқ қилиш, сохталашибтириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар орқали ҳақиқатни аниқлашга тўскенилик қилмаслиги; ишни тергов қилишда ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя қилиши шарт»;

**13) 69-модда:**

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳимоячининг илтимосномасига қўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан мутахассис тушунтириш бериш учун чақирилиши мумкин»;

**иккинчи ва учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**14) 87-модда** қўйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа хужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақли.

Ҳимоячининг ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ тўпланган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта қаноатлантирилиши керак»;

**15) 95-модданинг учинчи қисми** «Кодекснинг» деган сўздан кейин «88, 90» рақамлари билан тўлдирилсин;

**16) 114-модда** қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сўроққа ўз адвокат билан ҳозир бўлган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш адвокат иштирокида амалга оширилади. Сўроқ тугаганидан сўнг адвокат гувоҳнинг ёки жабрланувчининг хуқуqlари ҳамда қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги, сўроқ баённомасига киритилиши лозим бўлган арзларини баён этишга ҳақли»;

**17) 224-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асослардан биттаси мавжудлигини бевосита кўриб ёки бошқа шоҳидларнинг сўзларидан аниқласа, гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини билдиришлари ва ундан яқин орадаги милиция муассасасига ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт. Шу билан бирга, ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал хуқуqlарини тушунтириши, шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шарт. Бунда ушлаётган шахс ўзини таништириши ва ушланаётган шахснинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатиши шарт»;

18) 225-модда тўртинчи қисмининг биринчи жумласи «тушунтирилади» деган сўздан кейин «ва танланган ёки тайинланган ҳимоячига танишиб чиқиш учун тақдим этилади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

19) 230-модданинг матни қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушлаб турилган шахсга ҳимоячи билан учрашувга ушбу Кодекс 46-моддасининг биринчи қисмида ва 48-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қоидаларга кўра рухсат берилади.

Ушлаб турилган шахсга ҳимоячи билан биринчи холи учрашувга биринчи сўроққача рухсат берилади. Қамоққа олиш тарзидағи эҳтиёт чораси танланаётган ушлаб турилган шахснинг ҳимоячи билан учрашувига ушбу Кодекс 226-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган эҳтиёт чораси қўлланилиши лозим бўлган, муддатлар инобатга олинган холда рухсат берилади ҳамда учрашув суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан икки соатга қадар чекланиши мумкин.

Ушлаб турилган шахсга қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувга ушлаб турилган шахслар сақланадиган жойнинг маъмурияти ушлаб туриш тўғрисидаги материаллар қайси терговчи ёки суриштирувчининг иш юритуvida бўлса, факат ўша терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсати асосида ижозат беради, ҳимоячи билан учрашув бундан мустасно»;

20) 353-модданинг биринчи қисмидаги «238» рақами «239» рақами билан алмаштирилсин;

21) 384-модданинг 10-банди «барча важлар текширилганлигини ва ҳимоянинг илтимосномалари қўриб чиқилганлигини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар) қуидаги кўшимчалар киритилсин:

1) қуидаги мазмундаги **1971-модда** билан тўлдирилсин:

**«1971-модда. Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш**

Адвокат сўровига жавоб тақдим этмасликда ифодалантган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя

остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида адвокатга қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш —

энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми «197» рақамидан кейин «197<sup>1</sup>» рақами билан тўлдирилсин.**

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги 349-І-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда** қуйидаги таҳтида баён этилсин:

#### **«3-модда. Адвокат**

Олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш хуқукини берувчи лицензияни (бундан бўён матнда лицензия деб юритилади) белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Адвокат илмий ва педагогик фаолиятдан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги (бундан бўён матнда Адвокатлар палатаси деб юритилади) ва унинг худудий бошқармаларидағи фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишига ҳақли эмас»;

2) қуйидаги мазмундаги **31-модда** билан тўлдирилсин:

#### **«31-модда. Адвокат мақомига эга бўлиш**

Лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан бўён матнда адлия органлари деб юритилади) томонидан тегишли малака комиссияларининг қарорлари асосида берилади.

Лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс (бундан бўён матнда талабгор деб юритилади) юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши, шу жумладан адвокатлик тузилмасида (адвокатлик бюросида, адвокатлик фирмасида, адвокатлар ҳайъатида, юридик маслаҳатхонада) камида олти ой муддат стажировка ўтаган бўлиши керак ҳамда малака имтиҳонини топшириши шарт.

Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгор уни такроран топширишга камида бир йилдан кейин қўйилади.

Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор лицензия олиш учун тегишли адлия органига уч ой ичидаги мурожаат қилиши керак. Бу муддатни ўтказиб юборган талабгор лицензия олиш учун адлия органига малака имтиҳонини такроран топширганидан кейингина мурожаат қилиши мумкин.

Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Белгиланган тартибда лицензия олган талабгор уч ой ичида адвокат қасамёдини қабул қилиши ва якка тартибда ёки лицензияга эга бўлган бошқа шахслар билан биргаликда адвокатлик тузилмасини тузиши ёхуд фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмаларидан бирига кириши шарт.

Талабгорга адвокатлик гувоҳномаси адвокатлик тузилмаси рўйхатдан ўтказилган ёки талабгорнинг фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмасига кирганигини тасдиқловчи хужжатлар адлия органи томонидан олинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида берилади.

Талабгор адвокатлик гувоҳномаси берилган кундан эътиборан адвокат мақомини олади, Адвокатлар палатасининг тегишли худудий бошқармаси адлия органи томонидан бу ҳақда уч кунлик муддатда хабардор қилинади. Шундай хабарнома олинган пайтдан эътиборан адвокат Адвокатлар палатасининг аъзоси бўлади»;

**3) 4-модданинг матни қуйидаги таҳирда баён этилсин:**

«Адвокатура ўз фаолиятини қонун устуворлиги, мустақиллик ва бошқа демократик принциплар асосида амалга оширади.

Белгиланган тартибда лицензия олган шахс адвокатлик фаолиятини ўз адвокатлик бюросини очиб, якка тартибда амалга оширишга ёхуд бошқа адвокатлар (шериклар) билан адвокатлик фирмасини ёки аъзоликка асосланган адвокатлар ҳайъатини тузишга ёхуд фаолият кўрсатаётган шундай адвокатлик тузилмаларидан бирига киришга ёки юридик маслаҳатхонада ишлаган ҳолда адвокатлик фаолиятини амалга оширишга ҳақли. Адвокат ўз фаолиятини фақат битта адвокатлик тузилмасида амалга оширишга ҳақли.

Адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек юридик маслаҳатхоналарни хисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Адвокатлик тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, тузилмаси, штатлари, вазифалари, маблағларни сарфлаш тартиби, раҳбар органларининг ваколатлари, уларни сайлаш тартиби ҳамда адвокатлик тузилмалари фаолиятига тааллукли бошқа масалалар уларнинг уставлари (низомлари), таъсис шартномалари билан тартибга солинади.

Адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатлари улар рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади. Юридик маслаҳатхона хисобга олинган кундан эътиборан ўз фаолиятини амалга оширишга ҳақли.

Адвокатлик тузилмалари фуқаролар ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатганлик учун улардан тушадиган пул маблағлари (даромадлар) ҳамда қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар хисобидан таъминот олади.

Адвокатлар қонунда белгиланган тартибда адвокатларнинг жамоат бирлашмаларини тузиши мумкин»;

**4) қуйидаги мазмундаги 41 — 44-моддалар билан тўлдирилсин:**

**«41-модда. Адвокатлик бюроси**

Адвокатлик бюроси адвокатлик фаолиятини якка тартибда амалга ошириш учун адвокат томонидан таъсис этилган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмасидир.

Адвокатлик бюросининг таъсис ҳужжати муассис томонидан тасдиқланадиган уставидир.

## **4<sup>2</sup>-модда. Адвокатлик фирмаси**

Адвокатлик фирмаси шерикликка асосланган ва адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун адвокатлар томонидан таъсис этилган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмасидир.

Адвокатлик фирмасининг таъсис ҳужжати унинг муассислари томонидан тасдиқланадиган уставидир.

Адвокатлик фирмасини таъсис этган адвокатлар оддий ёзма шаклда ўзаро шериклик шартномасини тузади. Шериклик шартномасига кўра адвокатлар — шериклар барча шериклар номидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ўз саъй-харакатларини бирлаштириш мажбуриятини олади.

Шериклик шартномасида унинг амал қилиш муддати, шериклар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, бошқарувчи шерикни сайлаш тартиби, унинг ваколатлари ва бошқа муҳим шартлар кўрсатилади.

Адвокатлик фирмасининг умумий ишларини юритиш, агар шериклик шартномасида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, бошқарувчи шерик томонидан амалга оширилади. Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан юридик ёрдам кўрсатиш ҳакидаги битим (шартнома) бошқарувчи шерик ёки барча шериклар номидан улар берган ишончномалар асосида бошқа шерик томонидан тузилади. Ишончномаларда ишонч билдирувчи шахслар (ҳимоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар билан битимлар (шартномалар) ҳамда келишувлар тузадиган шерик ваколатларининг барча чекловлари кўрсатилади. Мазкур чекловлар ишонч билдирувчи шахслар (ҳимоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар эътиборига етказилади.

Шериклик шартномаси қўйидаги ҳолларда тугатилади:

шериклик шартномасининг амал қилиш муддати тугаганда;

шериклардан бири бўлган адвокатнинг мақоми тугатилганда ёки тўхтатиб турилганда, агар шериклик шартномасида бошқа шериклар ўртасидаги муносабатларда ушбу шартноманинг кучда қолиши назарда тутилмаган бўлса;

шериклардан бирининг талабига кўра шериклик шартномаси бекор қилинганда, агар шериклик шартномасида бошқа шериклар ўртасидаги муносабатларда ушбу шартноманинг кучда қолиши назарда тутилмаган бўлса.

Шериклик шартномаси тугатилган пайтдан эътиборан унинг иштирокчилари ишонч билдирувчи шахсларга (ҳимоя остидаги шахсларга) ва учинчи шахсларга нисбатан ижро этилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар тартибда жавобгар бўладилар.

Шериклардан бири шериклик шартномасидан чиққанда у ўзи юридик ёрдам кўрсатган барча ишлар бўйича иш юритишни бошқарувчи шерикка топшириши шарт.

Шериклик шартномасидан чиққан адвокат шериклик шартномасида ўзи иштирок этган даврда юзага келган умумий мажбуриятлар бўйича ишонч билдирувчи шахслар (ҳимоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади.

Шериклик шартномаси тугатилганидан кейин адвокатлар янги шериклик шартномасини тузишлари шарт. Агар янги шериклик шартномаси аввалги шериклик шартномасининг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан бир ой ичида тузилмаса, адвокатлик фирмаси адвокатлик тузилмасининг бошқа шаклига ўзgartирилиши ёки тугатилиши керак.

Шериклик шартномаси тугатилган пайтдан эътиборан ва адвокатлик фирмаси адвокатлик тузилмасининг бошқа шаклига ўзгаририлгунига қадар ёхуд янги шериклик шартномаси тузилгунига қадар адвокатлар юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битимлар (шартномалар) тушишга ҳақли эмас.

### **43-модда. Адвокатлар ҳайъати**

Адвокатлар ҳайъати аъзоликка асосланган ва адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун адвокатлар томонидан таъсис этилган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмасидир.

Адвокатлар ҳайъатининг таъсис ҳужжатлари унинг муассислари томонидан тасдиқланадиган устав ҳамда улар томонидан тузиладиган таъсис шартномасидир.

Таъсис шартномасида муассислар адвокатлар ҳайъатига ўз мол-мулкини ўтказиш шартларини, ушбу ҳайъат фаолиятида иштирок этиш тартибини, адвокатлар ҳайъатига янги аъзоларни қабул қилиш, муассисларнинг (аъзоларнинг) унинг таркибидан чиқиши тартиби ва шартларини, шунингдек адвокатлар ҳайъати муассисларининг (аъзоларининг) хукук ва мажбуриятларини белгилайди.

Адвокатлар ҳайъатлари таркибидаги аъзолар сони ўнтадан кам бўлмаслиги керак.

Адвокатлар ҳайъатида юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимлар (шартномалар) адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузилади ҳамда адвокатлар ҳайъатининг ҳужжатларида рўйхатдан ўтказилади.

Адвокатлар ҳайъати юридик ёрдам кўрсатиш учун ўзи турган ердан ташқарида жойлашган филиаллар тушишга ҳақли.

### **44-модда. Юридик маслаҳатхона**

Юридик маслаҳатхона — адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этиладиган ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган адвокатлик тузилмаси.

Юридик маслаҳатхона тегишли ҳудудда юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжларни қаноатлантириш учун адвокатлик тузилмаларининг сони етарли бўлмаган ҳолларда Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилади.

Тегишли ҳудудлардаги юридик ёрдамга бўлган эҳтиёж Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатаси томонидан тасдиқланадиган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Юридик маслаҳатхонанинг моддий-техника таъминоти тартиби ва шартлари, юридик маслаҳатхоналарга ишлаш учун юборилган адвокатлар учун хизмат хоналари ва зарурат бўлганда, турар жойлар ажратиш билан боғлиқ масалалар Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ҳал қилинади.

Юридик маслаҳатхона Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси томонидан тасдиқланадиган низомга асосан иш олиб боради»;

### **5) 6-модда:**

**биринчи қисмининг тўртинчи — саккизинчи ҳатбошилари** қўйидаги мазмундаги тўртинчи — ўн иккинчи ҳатбошилар билан алмаштирилсин:

«юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини қонун

хужжатларида белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ҳамда бошқа хужжатларни сўраш ва олиш;

юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хуносаларини, мутахассисларнинг маълумотнома-маслаҳатларини ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) розилиги билан сўраш ва олиш;

ишига тааллукли ахборотдан хабардор бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ва уларнинг розилиги билан ёзма тушунтириш олиш;

тўпланган материалларни ўз ишонч билдирувчи шахсининг (ҳимоя остидаги шахснинг) иши юзасидан иш юритаётган судларга ва бошқа давлат органларига тақдим этиш;

адвокат юридик ёрдам кўрсатаётган ишдаги зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва хужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш, бунда давлат сирлари, тижорат сири ёки бошқа сирни ўз ичига олган ахборотни ошкор килмаслик;

ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан маҳфийлик таъминланган шароитларда (шу жумладан уни қамоқда сақлаб туриш даврида), учрашувларнинг сони ва уларнинг давом этиши вақти чекланмаган ҳолда қонун хужжатларида белгиланган тартибда холи учрашиш;

мансабдор шахсларга илтимосномалар билдириш ва шикоятлар бериш ҳамда улардан ёзма шаклда асослантирилган жавоблар олиш;

ўзининг касбга оид мулкий жавобгарлик хавфини суғурта қилиш;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа харакатларни бажариш»;

**иққинчи қисми «ёрдамчига»** деган сўздан кейин «ва стажёрга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **7-модданинг матни** қуидаги таҳrirда баён этилсин:

«Адвокат ўз профессионал фаолиятида амалдаги қонун хужжатлари талабларига, Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига риоя этиши, ўзига юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ҳамда усулларидан фойдаланиши шарт.

Адвокат муайян иш бўйича юридик ёрдам кўрсатаётган ёки илгари юридик ёрдам кўрсатган шахсларнинг манфаатлари ишни олиб боришни сўраб мурожаат этган шахснинг манфаатларига зид келган ёки у судья, прокурор, терговчи, суриштирув ўтказувчи шахс, жамоат айбловчиси, суд мажлиси котиби, эксперт, мутахассис, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили, гувоҳ, холис, таржимон сифатида иштирок этган ҳолларда, шунингдек агар ишни дастлабки тергов килишда ёхуд судда адвокатнинг қариндоши бўлган мансабдор шахс иштирок этган ёки иштирок этаётган бўлса, худди шунингдек агар адвокат бевосита ёки билвосита шу ишдан шахсан манфаатдор бўлса бу ҳол унга ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) манфаатларига зид келса, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни қабул қилишга ҳақли эмас.

Адвокат қайси шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш топширигини олган бўлса, ўз ваколатларидан шу шахснинг зарарига фойдаланишга ҳамда гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини ҳимоя қилишдан бош тортишга,

агар уни бундан ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) ўзи озод этмаса, ҳақли эмас.

Адвокат ўз билимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, Адвокатлар палатаси томонидан белгиланган тартибда уч йилда камида бир марта касбий малакасини ошириши шарт.

Жиноят ишида иштирок этишга тайинланган адвокат фуқаронинг тўловга қобилиятсизлигини важ қилиб, унга юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Адвокат давлат хизматида туриши мумкин эмас»;

7) **8-модда** қуидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Адвокатлар палатаси билан келишилган ҳолда белгиланади»;

8) қуидаги мазмундаги **8<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

### **«8<sup>1</sup>-модда. Адвокатнинг стажёри**

Камида уч йиллик иш стажига эга бўлган адвокат стажёрга эга бўлишга ҳақли.

Олий юридик маълумотга эга бўлган шахс адвокатнинг стажёри бўлиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс адвокатнинг стажёри бўлиши мумкин эмас.

Стажировка адвокатлик тузилмасида ўталади. Адвокатнинг стажёри ўз фаолиятини адвокат раҳбарлигида, унинг алоҳида топшириқларини бажарган ҳолда амалга оширади. Стажёр адвокатлик фаолияти билан мустақил равишида шуғуланишга ҳақли эмас.

Адвокат стажёрининг меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Адвокатлар палатаси билан келишилган ҳолда белгиланади»;

9) **9-модданинг:**

**биринчи қисмидаги «мижоз»** деган сўз «ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми** «адвокат ёрдамчиси» деган сўзлардан кейин «адвокат стажёри» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) қуидаги мазмундаги **9<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

### **«9<sup>1</sup>-модда. Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)**

Адвокатлик фаолияти адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузиладиган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан адвокат ўртасида ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) ўзига ёки у тайинлаган шахсга юридик ёрдам кўрсатиш учун оддий ёзма шаклда тузиладиган фуқаролик-хуқукий шартномадан иборатdir.

Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимни (шартномани) бекор қилиш масалалари, агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Адвокат, унга қайси адлия органи томонидан гувоҳнома берилганлигидан қатъи назар, ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимни (шартномани), унинг яшаш жойи ёки жойлашган еридан қатъи назар, тузишга ҳақли.

Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимнинг (шартноманинг) муҳим шартлари қўйидагилардан иборат:

топшириқни бажаришни ишончли вакил сифатида ўз зиммасига олган адвокат ҳақидаги, унинг гувоҳномаси реквизитлари кўрсатилган ҳолдаги маълумотлар;

топшириқнинг предмети;

кўрсатилаётган юридик ёрдам учун ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан ҳақ тўлаш шартлари;

адвокатнинг топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш тартиби ва миқдори;

топшириқни бажаришни ўз зиммасига олган адвокат жавобгарлигининг миқдори ва хусусияти.

Адвокатнинг ҳақ олиши ҳамда топшириқни бажариши билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш ҳуқуқи ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) маҳсус руҳсатисиз учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан адвокатга тўланадиган ҳақ ва адвокатнинг топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда (шартномада) назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тегишли адвокатлик тузилмасининг кассасига кирим қилиниши ёки адвокатлик тузилмасининг банкдаги ҳисобварағига ўтказилиши шарт»;

### 11) 11-модданинг:

**биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Адвокатларнинг меҳнатига жисмоний ва юридик шахслардан уларга юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун адвокатлик тузилмаларига келиб тушган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади. Маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, Адвокатлар палатасининг юридик маслаҳатхонани ташкил этган ҳудудий бошқармаси ушбу юридик маслаҳатхонанинг таъминоти учун қўшимча маблағлар ажратади»;

**иккинчи қисмидаги «мижоз»** деган сўз «ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

### 12) қўйидаги мазмундаги 12<sup>1</sup> — 12<sup>4</sup>-моддалар билан тўлдирилсин:

#### **«12<sup>1</sup>-модда.Адвокатлар палатаси**

Адвокатлар палатаси Ўзбекистон Республикаси барча адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган нотижорат ташкилотидир.

Адвокатлар палатаси ўзининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий бошқармалари билан биргаликда адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этади.

Адвокатлар палатаси адвокатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашмаслик принципи асосида фаолият кўрсатади.

Адвокатлар палатасининг вазифалари ва ваколатларига ўхшаш вазифалар ва ваколатларга эга бўлган бошқа ташкилотларни ташкил этишга йўл қўйилмайди.

Адвокатлар Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, адвокатларнинг мажбуриятлари бўйича эса, Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари жавоб бермайди.

Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар учун мажбурийдир.

Адвокатлар палатаси фаолиятини молиялаштириш Адвокатлар палатаси Конференцияси томонидан микдори белгиланадиган кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

## **12-модда. Адвокатлар палатасининг асосий вазифалари**

Адвокатлар палатасининг асосий вазифалари қуидагилардир:

адвокатлик тузилмаларининг фаолиятини марказлаштирилган ҳолда мувофиқлаштириб бориш;

адвокатурани янада ривожлантиришга, унинг обрў-эътиборини оширишга, адвокатуранинг инсон хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ролини кучайтиришга кўмаклашиш;

аҳолининг хуқуқий билимлари ва хуқуқий маданиятини оширишга қаратилган хуқуқий тарғибот чора-тадбирларни амалга ошириш;

қонун хужжатларини ва хуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, хуқуқий тартибга солишининг яхлитлигини ҳамда қонун хужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлашга доир таклифлар киритиш;

адвокатура фаолиятини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиша иштирок этиш, улар юзасидан таклифлар тайёрлаш;

адвокатларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда уларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

адвокатларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ таъқиблардан, чеклашлар ва тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

адвокатларнинг касбий тайёргарлиги ва малака оширишини ташкил этиш;

аҳолининг юридик ёрдамдан фойдалана олиш имкониятини туманлар ва шаҳарларда юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш орқали таъминлаш;

адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, адвокатларнинг ижобий иш тажрибасини оммалаштириш, адвокатлик тузилмаларига услубий ёрдам кўрсатиш;

адвокатлар томонидан қонун хужжатларига, Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Адвокатлар палатаси қонун хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **123-модда. Адвокатлар палатасининг органлари ва мансабдор шахслари**

Адвокатлар палатасининг Конференцияси палатанинг юқори органи бўлиб, камида беш йилда бир марта чакирилади.

Адвокатлар палатаси Бошқаруви Адвокатлар палатасининг адвокатлар орасидан сайланадиган ижро этувчи органи бўлиб, палатанинг фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширади.

Адвокатлар палатасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномасига биноан Адвокатлар палатасининг Конференцияси томонидан ушбу Конференция сайлаган Адвокатлар палатаси Бошқаруви аъзолари орасидан беш йил муддатга сайланади.

Адвокатлар палатасининг раисини лавозимидан муддатидан олдин чақириб олиш Адвокатлар палатасининг уставида белгиланган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномасига биноан Адвокатлар палатасининг Конференцияси томонидан амалга оширилади.

Адвокатлар палатасининг тафтиш комиссияси Адвокатлар палатасининг молиявий назорат органи ҳисобланади ва адвокатлар орасидан сайланади.

### **124-модда. Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари**

Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари юридик шахс бўлиб, Адвокатлар палатаси томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида фаолият кўрсатади.

Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаларининг раҳбарлари Адвокатлар палатасининг раиси томонидан лавозимга (тегишли ҳудудда фаолият кўрсатаётган адвокатлар орасидан) тайинланади ва лавозимдан озод қилинади»;

#### **13) 13-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Зарур билимлар ва касбий малакаларга эга бўлган шахсларга лицензиялар бериш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, адвокат қасамёдини қабул қилиш мақсадида, шунингдек адвокатларга нисбатан интизомий иш юритишни олиб бориш учун Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари хузурида малака комиссиялари тузилади.

Малака комиссиялари Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаларининг ва адлия органларининг қўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда адлия органлари ходимларидан тенг миқдорда тузилади.

Малака комиссияларининг қарорлари устидан келтирилган шикоятларни кўриб чиқиши, малака комиссияларининг иш тажрибасини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун Адвокатлар палатаси хузурида Олий малака комиссияси тузилади. Олий малака комиссиясининг таркиби Адвокатлар палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимларидан тенг миқдорда тасдиқланади.

Малака комиссияларининг ваколатлари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Адвокатлар палатаси билан келишилган ҳолда белгиланади»;

#### **14) қуйидаги мазмундаги 131-модда билан тўлдирилсин:**

### **«131-модда. Адвокат мақомини тўхтатиб туриш**

Адвокат мақомини тўхтатиб туриш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

адвокат адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бориб бўлмайдиган доимий лавозимга сайланганда ёки тайинланганда — иш даврига;

адвокат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилганда — бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарор суд томонидан бекор қилингунига қадар бўлган даврга;

адвокат ҳарбий хизматга чакирилганда — ҳарбий хизматни ўташ даврига;

суд томонидан адвокатга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинганда, агар суднинг мазкур қарори ушбу Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлмаса, — тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд томонидан бекор қилингунига қадар ёки ўзгартирилгунига қадар бўлган даврга;

ушбу Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганда — лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган даврга;

адвокатлик тузилмаси тугатилганда ёки адвокат ундан чиққанида — адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга.

Адвокатлик мақомини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан адвокат мақоми тўхтатилади.

Адлия органи уч кунлик муддат ичida адвокатнинг гувоҳномасини олиб қўяди, бундан адвокат бедарак йўқолган деб топилган ҳол мустасно ва Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига адвокат мақоми тўхтатилганлиги ҳақида хабар беради. Адвокат мақомининг тўхтатиб турилиши адвокатнинг Адвокатлар палатасига аъзолиги тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Адвокат мақомининг тўхтатиб турилиши мазкур адвокатга нисбатан қонунда назарда тутилган кафолатларнинг амал қилиши тўхтатилишига олиб келади, ушбу Қонун 10-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 6-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган кафолатлар бундан мустасно.

Адвокат мақоми тўхтатиб турилган шахс адвокат мақомини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳоллар тугатилганидан кейин уч ой ичida адвокатлик фаолиятига киришиши керак. Мазкур талабни бажармаслик лицензиянинг амал қилиши ушбу Қонуннинг 16-моддасида белгиланган тартибда тугатилишига сабаб бўлади»;

15) 14 — 16-моддалар қуидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«14-модда. Адвокатнинг интизомий жавобгарлиги**

Адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатнинг қасб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди бузилганлиги унга нисбатан интизомий чорални қўлланилишига сабаб бўлади.

Интизомий иш юритиш Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси ёки адвокатга гувоҳнома берган адлия органи томонидан кўзгатилади.

Интизомий иш юритишни кўзгатиш учун қуидагилар асос бўлади:

адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг, Адвокатнинг қасб этикаси қоидалари, адвокатлик сирининг ва адвокат қасамёдининг адвокат томонидан бузилиши Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ёки адлия органи томонидан аниқланганлиги;

адвокатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари;

суднинг адвокатга нисбатан чиқарган хусусий ажрими.

Интизомий иш юритишни кўриб чиқиш натижалари бўйича адвокатга нисбатан қўйидаги интизомий жазо чоралари кўлланилиши мумкин:

огоҳлантириш (малака комиссиясининг қарорига асосан);

лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш (ушбу Қонун 15-моддаси биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларига мувофиқ);

лицензиянинг амал қилишини тугатиш (ушбу Қонун 16-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи хатбошиларига мувофиқ).

Малака комиссияси томонидан қарор қабул қилингунига қадар адвокат интизомий иш қўзғатилишига сабаб бўлган шикоятни берган шахс билан ярашув чораларини кўришга ҳақли.

Адвокатлик тузилмалари меҳнат интизомини бузганлик учун адвокатга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жазо чораларини кўллашга ҳақли.

### **15-модда. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш**

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

адвокат жиноий жавобгарликка тортилганда, у айбланувчи тариқасида жалб этилган пайтдан бошлаб ва суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар;

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатнинг қасб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди бузилганлиги аниқланганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармасининг ёки адлия органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган, шу жумладан адвокатнинг зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юклайдиган қарорлари адвокат томонидан бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда (малака комиссиясининг қарорига асосан).

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати олти ойдан ошиши мумкин эмас, адвокат жиноят ишида иштирок этишга айбланувчи тариқасида жалб қилинган ҳол бундан мустасно. Лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни, агар улар бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлмаса, кўрсатилган муддатда бартараф этиши шарт.

Адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокат мақомининг тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

### **16-модда. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш**

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

адвокат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда, агар ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) буни талаб қилса, илгари қабул қилинган топшириқни бажарив бўлганидан сўнг;

агар талабгор лицензия бериш учун қарор қабул қилинганилиги тўғрисида билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичида лицензия берганлик учун давлат божи тўланганилигини тасдиқловчи ҳужжатни адлия органига тақдим этмаган бўлса;

ушбу Конун 3<sup>1</sup>-моддасининг олтинчи қисмида ва 13<sup>1</sup>-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган талаблар бажарилмаганда;

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганилиги факти аниқланганда;

лицензия бериш тўғрисидаги қарорнинг ғайриқонуний эканлиги аниқланганда;

адвокатнинг муомала лаёқати чекланганда ёки у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ҳақидаги айблов хукми қонуний кучга кирганда;

касбиға доир вазифаларини уч ой ичида узрсиз сабабларга кўра бажармаганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганда, адвокатнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган муддатларда бартараф этмаганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

адвокат Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

адвокат вафот этганда ёки суднинг уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирганда.

Лицензиянинг амал қилиши суднинг қарорига кўра ҳам тугатилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан амалга оширилади.

Адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш адвокат мақомининг тугатилишига сабаб бўлади.

Адлия органи уч қунлик муддатда Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасини адвокат мақомининг тугатилганилиги ҳақида хабардор қиласи, шунингдек тегишли хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласи. Адвокат мақомининг тугатилиши адвокатнинг Адвокатлар палатасига аъзолиги тугатилишига сабаб бўлади.

Ушбу модда биринчи қисмининг ўнинчи ва ўн биринчи хатбошларида назарда тутилган асосларга кўра лицензиясининг амал қилиши тугатилган шахс уч йил мобайнида талабгор бўлишга ҳақли эмас»;

16) 17-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

адвокатлик тузилмалари ва Адвокатлар палатасининг фаолиятига кўмаклашади;

адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни ўрганади;

адвокатларнинг малакасини оширишга доир тадбирларни амалга оширишга қўмаклашади;

адвокатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек адвокатлик тузилмалари томонидан тъйсис хужжатларига, уставда белгиланган фаолиятига, қайта рўйхатдан ўтиш ва тугатиш тартибига риоя этилишини назорат қиласди;

адвокатлик гувоҳномасининг шаклини ва уни бериш тартибини тасдиқлади;

ордер шаклини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамманинг фойдаланиши учун очиқ бўлган Адвокатларнинг йиғма давлат реестрини юритади. Адлия органлари адвокатларнинг тегишли давлат реестрларини юритади. Адвокатларнинг йиғма давлат реестрини ҳамда адвокатларнинг давлат реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда) **10-моддаси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«10-модда. Юридик ёрдам олиш хуқуқини таъминлаш**

Маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш хуқуқига эга.

Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан холи учрашувлар маҳкумларга уларнинг аризасига ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра берилади.

Адвокат билан учрашувни маҳкумнинг ўзи рад этганлиги сабабли адвокатнинг маҳкум юридик ёрдам олиши учун у билан учрашув берилиши тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилганлиги адвокат маҳкум билан холи суҳбатлашганидан кейин тасдиқланиши керак, бу ҳақда баённома тузилиб, у маҳкум, адвокат ва жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг вакили томонидан имзоланади.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари ушбу Кодексда белгиланган учрашувлар сони ҳисобига кирмайди, бундай учрашувлар сони ва муддати чекланмайди.

Юридик ёрдам кўрсатилаётганда адвокат қўйидаги хуқуқларга эга:

жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг, прокурорнинг, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят бериш;

жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятидан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа хужжатларни сўраб олиш.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлар ўтказиш тартиби қонун хужжатлари билан белгиланади».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида**»ги 721-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 12-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

1) **2-модданинг учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига қатъий риоя этиш»;

2) **4-модданинг:**

**тўртинчи қисми:**

**тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансан;

**бешинчи ва олтинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан;

**олтинчи қисми тўртинчи хатбошисидаги** «ваколат берувчининг, ўз ҳимоясидаги шахснинг» деган сўзлар «ишонч билдирувчи шахснинг (ўз ҳимояси остидаги шахснинг)» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

3) **6-модда:**

**учинчи қисмидаги** «ёки қамоққа олиш» деган сўзлар чиқариб ташлансан; қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсан:

«Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси адвокатга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосномасига кўра жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланилиши мумкин»;

**тўртинчи ва бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансан;

4) **7-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «унинг ёрдамчисидан» деган сўзлар «унинг ёрдамчисидан ва стажёридан» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

**учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Адвокатлик фаолиятини амалга оширишда бирон-бир маҳсус руҳсатнома (ордер ва адвокат гувоҳномасидан ташқари) талаб қилиш ёки бошқа тўсиқлар вужудга келтириш ман этилади»;

**тўртинчи қисмидаги** «ваколат берувчининг ёхуд ўз ҳимоясидаги шахснинг» деган сўзлар «ишонч билдирувчи шахснинг (ўз ҳимояси остидаги шахснинг)» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

5) **10-модданинг:**

**номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

**«10-модда. Адвокатнинг ҳаётини ва соғлигини муҳофаза қилиш»;**

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** чиқариб ташлансан;

6) **12-модданинг иккинчи қисмидаги** «республика адвокатлар жамоат бирлашмаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси» деган сўзлар билан алмаштирилсан».

**7-модда.** Ушбу Қонун кучга кирган кунда фаолият кўрсатаётган адвокатлик бюролари, ҳайъатлари ва фирмалари, шунингдек уларда ишлайдиган адвокатлар адвокатлик бюролари, ҳайъатлари ва фирмаларининг ташкилий-хуқукий шаклларини, лицензияларини ҳамда адвокат мақомларини олти ой ичida ушбу Қонунга мувофиқлаштириши шарт.

Ушбу Қонун кучга кирган кунда адвокатлик бюролари, ҳайъатлари ва фирмаларида адвокат бўлиб ишламайдиган шахслар томонидан олинган лицензияларнинг амал қилиши тутатилган ҳисобланади.

**8-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 31 декабрь,  
ЎРК-198-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ**

**Ижро иши юритиш таомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъкулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиклangan Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар) куйидаги ўзгариш ва қўшимча киритилсан:

1) **232-модда** куйидаги таҳрирда баён этилсан:

**«232-модда. Суд ҳужжатини ижро этмаслик**

Муайян харакатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлашни маъмурӣ жазо қўлланилганидан кейин давом эттириш, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўскинлик килиш,—

энг кам ойлик иш ҳакининг юз бараваригача микдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача камоқ билан жазоланади.

Ўша килмишлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса,—

энг кам ойлик илиш ҳакининг юз бараваридан икки юз бараваригача микдорда жарима ёки беш йилгача муайян хукуқдан маҳрум килиш ёки уч ойдан олти ойгача камоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум килиш билан жазоланади»;

2) **233-модда биринчи қисмининг диспозицияси** «худди шунингдек банк ёки бошқа кредит ташкилоти ходими томонидан банд солинган пул маблағлари (омонатлари) билан банк операцияларини амалга ошириш» деган сўзлар билан тўлдирилсан.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиклangan Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар) куйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсан:

1) **38-модда** куйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсан:

«9) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд карорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти хамда унинг худудий бошкармалари — вояга етмаган ёки меҳнатга лаёкатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд карорини бажармасликка, шунингдек банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равища тасарруф этишга доир ишлар бўйича»;

2) 286-моддадаги «фүқаровий-процессуал» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) куйидаги мазмұндағи **539<sup>1</sup>**-модда билан түлдірилсін:

«539<sup>1</sup>-мода. Хукмлар, ажримлар ва қарорларни низо этишда фуқаровий даъво ҳамда бошка мулкӣ үзилирувларга оғиз кисми бўйича юзага келадиган масалаларни ҳал этиш

Хукмлар, ажримлар ва қарорларни изжро этишда фукаровий даъво ҳамда бошқа мулкий ундирувларга оид кисми бўйича юзага келадиган масалалар фукаролик процессусал конун хужжатлари ҳамда суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини изжро этиш тўғрисидаги конун хужжатларидан белгиданган тартибда ҳал этилади:

4) **541-модданинг биринчи кисми «тұхташтың тұрғысидаги» деган сұзлардан кейин «фуқаровий даъво хамда бошқа мүлкін үндірүвларға оид кисми бүйічка» деган сұзлар билан тұлдирисин.**

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул килинган 2015–ХII-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Маъжлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Маъжлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар) куйидаги ўзгартиш ва кўшимчалар киритилсан:

1) куйидаги мазмундаги **198<sup>1</sup>** ва **198<sup>2</sup>-моддалар** билан түлдирилсін:

«198<sup>1</sup>-модда. Қарздорнинг ижро хужжатини ижро этмаслиги

Карздорнинг ижро хужжатини унинг иктиёрий равишда ижро этилиши учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаслиги ёки унинг зиммасига муйян харакатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийши мажбуриятини юкловчи ижро хужжатини узрсиз сабабларга кўра суд ижрочиси белгилаган муддатда ижро этимаслиги.—

фукароларга энг кам иш ҳакининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача микрорда жарима солишга сабаб бўлади.

**198<sup>2</sup>-модда.** Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини изжо этиш түгрисидаги қонун хужжатларини бузғанлық

Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш түгрисидаги конун хужжатларини бузғанлик, яни карздорнинг даромадлари ва мулкий ахволи ҳакида нотўғри маълумотлар берганлик, ижро хужжатини йўқотганлик, ундирувни карздорнинг иш ҳакидан ҳамда унга тенглашибтирган тўловлардан ушшиб колиши учун юборилган ижро хужжатларини ижро этиш, уларнинг хисобини юритиш ва уларни саклаш тартибини бузғанлик, шунингдек карздор ўзининг янги иш, ўқиши жойи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши жойи ҳакида маълум килмаганилиги, —

фукароларга энг кам иш ҳажининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) қүйидаги мазмундаги **245<sup>3</sup>**-модда билан тұлдирилсін:

«245<sup>3</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд карорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органлари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд карорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органларига ушбу Кодекснинг 198<sup>1</sup> ва 198<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурйи хўккукбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуклилири.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хизматидаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти номидан маъмурый хуқукбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чишик хамда маъмурий жазо кўйлашга Департамент органларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий изхосини амалга ошириш вақоатига эга бўйлан мансабдор шахслари ҳақлидир».

332-модданинг учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки» деган сўзлар «тегишли банк» деган сўзлар билан адмалтирилди:

4) 333-модданинг:

**Бириңиң кисмидаги** «фұқаролик-процессуал қонун ҳужжатларыда белгилаб қўйилган қоидаларга мувофик» деган сўзлар «суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларыда белгилаб қўйилган қоидаларга мувофик» деган сўзлар билан алмаштирилсинг:

Иккинчи қисмидаги «туман (шахар) судининг» ва «шахсий» деган сўзлар олар атмал тирилсан, ал кондадарга мувоффиги деган сўзлар олар атмал тирилсан;

5) 336-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

«Хакини тұлаш шарты билан олиб күйиш түгрысидаги карор асосида олиб күйилған нарсалар белгиланған тартибида шартнома-воситачилик асосида ёхуд аукцион шақылдаги кимоңды савдоисида реализация килинади»;

6) 337-модадаги «департаменти суд ижирчилари худийд бўлумлари туман (шахар) бўлингалирининг суд чиси» деган сўзлар «департаменти органдари суд ижирчилари томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 339-модданинг биринчи хатбоиси қуидаги таҳрирда баён этилсинг:

«Мъмурый хукуқбузарликни содир этиш куроли хисобланган нарсаны ёки бевосита мъмурый хукуқбузарлик нарсасини мусодара килиш түгрисидаги карор ижро этилганидан сүнг суд ижрочиси ижро иши юритишни тамомлаш түгрисида карор чикаради ва унинг бир нусхаси қўйидагиларга юборилади»;

8) 348-модданинг матни куйидаги таҳрирда баён этилсін:

«Қарорнинг мулкий заарни ундириб олишга оид қисми ушбу Кодекс 347-моддасининг учинчи қисмida белгиланган муддатда ижро этилмаса, у конун хужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ижро учун суд ижрочисига юборилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 апрелда қабул килинган 477-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 4, 185-модда) кўйидаги ўзгартиши ва кўшимчалар киритилсан:

1) **215-модда:**

**биринчи қисми «аризасига»** деган сўздан кейин «шунингдек суд ижрочисининг аризасига» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

кўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсан:

«Суд ҳал қилув қарорини тушунириб бериш тўгрисидаги аризани у тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда кўриб чиқади»;

**тўртинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансан;

2) **216-модда:**

кўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсан:

«Ҳал қилув қарори ижросини кечкитириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиши усули ва тартибини ўзгартириш тўгрисидаги ариза у берилган кундан эътиборан ўн кундан кечкитирмай кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиши натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ҳамда қарздорга, шунингдек суд хужжатини ижро этиш суд ижрочисининг иш юритувида бўлса, суд ижрочисига юборилади»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансан;

3) **271-модданинг бешинчи қисмидаги «ушбу Кодекснинг 381-моддасида»** деган сўзлар «қонун хужжатларида» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

4) **372-модданинг:**

**биринчи қисмидаги «ёки бир неча қарздорга карши»** деган сўзлар чиқариб ташлансан;

**иккинчи қисми** кўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Бир неча жавобгардан пул суммаларини ундириш тўгрисидаги ҳукм ёки ҳал қилув қарори асосида жавобгарларнинг сони бўйича бир неча ижро варакаси берилади. Бунда, агар шерик жавобгарлардан ундириш назарда тутилаётган бўлса, ҳар бир ижро варакасида ундирувнинг умумий суммаси кўрсатилиши ва шерик жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳолда жавобгарларнинг ҳаммаси санаб ўтилиши лозим»;

5) **375-модданинг:**

**биринчи қисми:**

2-банди «унинг раками» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

6-банди «ва уни ижрога топшириш муддати» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

**иккинчи қисми** «ва суднинг гербли мухри билан тасдиқланади» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

6) **379-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги учинчи жумла** чиқариб ташлансан;

кўйидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсан:

«Аризани кўриб чиқиши натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ва қарздорга юборилади.

Ўтказиб юборилган муддатни тикилашада килинганини устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин»;

7) **381-модда** чиқариб ташлансан.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул килинган 478-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 373-модда; 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 9, 490-модда) кўйидаги ўзгартиши ва кўшимчалар киритилсан:

1) **210-модданинг иккинчи қисмидаги иккинчи жумла** кўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Соликлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни ундиришга қаратилган ижро варакаси давлат солиқ хизмати органига, бюджетта ўзга маблагларни ундиришга қаратилган ижро варакаси эса, қарзор турадиган жойдаги суд ижрочисига юборилади»;

2) **211-модданинг матни** кўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Агар суд хужжатини ижро этиши турли жойларда ёхуд бир нечта ундирувчи фойдасига бажарилиши лозим бўлса, суд ундирувчиларнинг илтимосига кўра ижро этиши жойи ёхуд суд хужжатининг ушбу ижро варакаси бўйича ижро этилиши лозим бўлган қисмини кўрсатган ҳолда бир нечта ижро варакаси беради.

Бир нечта жавобгардан пул суммаларини ундириш тўгрисидаги суд хужжати асосида жавобгарларнинг сони бўйича бир нечта ижро варакаси берилади. Бунда, агар шерик жавобгарлардан ундириш назарда тутилаётган бўлса, ҳар бир ижро варакасида ундирувнинг умумий суммаси кўрсатилиши ва шерик жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳолда жавобгарларнинг ҳаммаси санаб ўтилиши лозим»;

3) **215-модданинг иккинчи қисми** «хўжалик судига» деган сўзлардан кейин «ёки ижро этиши жойи бўйича хўжалик судига» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

4) **217-модданинг:**

**учинчи қисми** кўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсан:

«Бирок, уларнинг ҳозир бўлмаслиги аризани кўриб чиқишига тўқсинглик қилмайди»;

**тўртинчи қисми** кўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Суд хужжатининг ижросини кечкитириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиши усули ва тартибини ўзгартириш тўгрисидаги ариза у берилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддат ичада кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиши натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ҳамда қарздорга, шунингдек суд хужжатини ижро этиши суд ижрочисининг иш юритувида бўлса, суд ижрочисига юборилади»;

5) **218-модда** чиқариб ташлансан.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598-І-сонли Конуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда) **36-моддаси учинчи қисми** кўйидаги мазмундаги **4-банд** билан тўлдирилсан:

«4) ижро хужжатлари бўйича ундирув ер участкасига қаратилганда».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Дехкон хўжалиги тўғрисида»ги 604-І-сонли Конунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 88-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда) **30-моддаси**:

кўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсан:

«Дехкон хўжалиги аъзолари дехкон хўжалиги мол-мулки етарли бўлмаганда, конун хужжатларига мувофиқ дехкон хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзларига тегиши мол-мулк билан солидар равишда субсидиар жавобгар бўлади»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансан.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги 820-І-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 217-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) **39-моддасининг биринчи қисми саккизинчи хатбоши** «шунингдек Ўзбекистон Республикасидан чиқиши учун вактинчалик чеклаш белгиланган шахсларни Давлат чегараси орқали ўтказмаслик» деган сўзлар билан тўлдирилсан.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-І-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар) кўйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсан:

1) **3-модданинг биринчи қисми** кўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (бундан бўён матнда Суд департаменти деб юритилади) органларининг суд ижрочилари зиммасига юклатилади, уларнинг ваколатлари ушбу Конун ва бошқа конун хужжатлари билан белгиланади»;

2) **9-модданинг учинчи қисми** кўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Ижро хужжати назарда тутилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ундирувчига бериш ёхуд муайян харакатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбурияти зиммасига юклитилган шахс карздор ҳисобланади»;

3) **13-модда биринчи қисмининг учинчи жумласи** кўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Агар ижро хужжати бўйича карздор зиммасига факат унинг ўзи шахсан ижро этиши мумкин бўлган мажбуриятлар юклитилган бўлса, шунингдек ижро хужжатининг хусусияти ундирувчининг шахсан иштирокини талаб қилган ҳолларда уларни ижро этишда карздор ёки ундирувчи ўз вакили орқали харакат килишга ҳакли эмас»;

4) **18-модда биринчи қисмининг биринчи жумласи** кўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Карздорнинг хоналари ва омборларини очиш, мол-мулкни кўздан кечириш, хатлаш, олиб қўйиш ва бериш билан боғлиқ ижро харакатларини амалга оширишда холислар иштирок этиши шарт»;

5) **21-модда** кўйидаги таҳрирда баён этилсан:

**«21-модда. Суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги**

Суд ижрочилари ўз зиммаларига юклитилган вазифаларни давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиқда амалга оширади. Мазкур органлар ҳамда ташкилотлар суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг мажбурий ижросини таъминлашда суд ижрочиларига кўмаклашиши шарт.

Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг мажбурий ижросини таъминлаш мақсадида:

1) ички ишлар органлари:

суд ижрочисининг қарори асосида карздор жисмоний шахсни, олиб қўйилиши лозим бўлган болани, шунингдек автомототранспорт воситаларини қидириши амалга оширади;

суд ижрочиси хузурига келишдан бўйин товлаётган шахсларнинг белгиланган тартибда мажбурий келтирилишини таъминлайди;

ижро харакатларини амалга оширишда, шу жумладан суд ижрочиси томонидан ижро харакатларининг амалга оширилишида бирон-бир тўсиқ бўлганда, жамоат тартиби сакланишини таъминлайди;

конунда белгиланган мажбурий ижро этиши чораларини амалга ошириш учун, шу жумладан ундирувни автомототранспорт воситасига қартиш учун ушбу автомототранспорт воситасининг мажбурий тўхтатилишини суд ижрочисининг топшириш асосида таъминлайди;

автомототранспорт воситаси эгаси тўғрисидаги, тегиши қарздорлар номига рўйхатга олинган автомототранспорт воситалари ҳакидаги ахборотни, шунингдек автомототранспорт воситаларига бўлган мулк ҳуқуки ва бошқа ашёвий ҳуқуклар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги бошқа маълумотни суд ижрочисининг ёзма сўрови асосида уч кунлик муддатда тақдим этади, суд ижрочиларининг автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказишга оид белгилаган тақиқларини ижро этади;

конун хужжатларидан белгиланган ҳолларда ижро харакатларини амалга ошириш давомида рўйхатта олинган автомототранспорт воситаларини кўздан кечириша иштирок этади;

судининг ёки суд ижрочисининг қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вактинча чеклаш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлайди;

2) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари:

кўчмас мулкка, шу жумладан ер участкасига бўлган мулк хукуки ва бошқа ашёйий хукукларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганилиги тўғрисидаги, хукуқ эгалари хакидаги маълумотларни, шунингдек ўзга кадастр маълумотларини суд ижроқисининг ёзма сўровига кўра уч кунлик муддатда тақдим этади;

суднинг ёки суд ижроқисининг қарори ёхуд суд ижроқиси томонидан тасдиқланган ундирувчи ва карздор ўтрасидаги кўчмас мулкни топшириш далолатномаси асосида кўчмас мулкка, шу жумладан ер участкасига бўлган мулк хукуки ва бошқа ашёйий хукукларни давлат рўйхатидан ўтказади;

конун хужжатларида белгиланган тартибда, суд ижроқисининг ёзма топшириги асосида кадастр ишини шакллантиради ҳамда кўчмас мулкка, шу жумладан ер участкасига бўлган мулк хукуки ва бошқа ашёйий хукукларни давлат рўйхатидан ўтказади;

кўчмас мулкни ва ер участкасига бўлган хукукларни бошқа шахсга ўтказишга суд ижроқиси томонидан белгиланган тақиқларни ижро этади;

ер участкасини олиб кўйиш ва бериш тўғрисидаги ижро ҳаракатларини амалга оширишда, конун хужжатларида белгиланган холларда эса, ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида рўйхатга олинган бошқа кўчмас мулкни кўздан кечириша иштирок этади;

3) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда қарздорларнинг банк ҳисобваракларини аниқлаш учун Банк депозиторларининг миллий ахборот базасидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

4) банклар ва бошқа кредит ташкилотлари:

суд ижроқисининг муайян банк мижозининг (вакилининг) пул маблаглари ва ўзга мол-мулкига ундирув қаратиш ёки уларни хатлаш ҳакидаги суднинг конуний кучга кирган ҳал килув қарори асосида берган ёзма сўровига кўра унга банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этади;

суд ижроқисининг ёзма сўровига кўра қарздорнинг банки ва хатлаш мумкин бўлган ҳисобварагини аниқлайди ҳамда бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиқтиримай суд ижроқисига маълум килади;

суд ижроқиларининг қарздордан ижро ҳужжати бўйича тегишли қарзни, шу жумладан ижро йигимини, суд ижроқиси томонидан қарздорга солинган жарималарни ва ижро ҳаражатларини низосиз тартибда ундириш тўғрисидаги топширикларини конун хужжатларида белгиланган тартибда бажаради;

суд ижроқисининг қарорига мувофиқ қарздорнинг чет эл валютасини, шу жумладан нақд чет эл валютасини сотади ёки сотиб олади;

қарздорнинг ҳисобварагида сакланаётган пул маблагларини хатлаш ҳакидаги суд ижроқисининг қарорини, шунингдек суд ижроқисининг қарорида кўрсатилган қарздорнинг ҳисобварагидан фойдаланишга оид бошқа чекловлар ижросини таъминлайди;

ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида қарздордан олиб кўйилган ёки ундирилган, шунингдек мол-мулкни сотишдан тушган пул маблаглари Суд департаменти органининг депозит ҳисобварагида вактинчалик сакланишини таъминлайди, суд ижроқисининг қарорига асосан бу маблагларни тегишли ундирувчига, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига, шунингдек ижро йигимини, суд ижроқиси томонидан қарздорга солинган жарималарни ва ижро ҳаражатларини тўлаш учун ўтказади (беради);

5) давлат солик хизмати органлари:

бюджетта ва давлат максадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни қарздорнинг мол-мулкни ҳисобидан ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини таъминлашда суд ижроқиларига ёрдам кўрсатади;

суд ижроқисининг топшириғига кўра, қарздорнинг соликлар ва бюджетта бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоб-китобини амалга оширади ҳамда уларни суд ижроқисига тақдим этади;

давлат солик хизмати органларининг маълумотлар базасида қарздор солик тўловчи тўғрисида мавжуд бўлган ахборотни суд ижроқисининг ёзма сўровига кўра уч кунлик муддатда тақдим этади;

соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаётган қарздорнинг ҳисобга олинмаган даромадларини аниқлашда суд ижроқиларига кўмаклашади;

реализация килинмаган мол-мулкнинг арzonлаштирилишида конун хужжатларида белгиланган холларда иштирок этади;

6) газначилик органлари:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ёки ягона газначилик ҳисобварагидан пул маблагларини ижро ҳужжати талабарини бажариши учун суд ижроқисининг қарори асосида ўн кунлик муддатда ўтказади;

суд ижроқисининг қарздор бюджет ташкилотининг ягона газначилик ҳисобварагида сакланаётган пул маблагларини хатлаш тўғрисидаги қарорининг, шунингдек қарздорнинг маблагларидан фойдаланишга нисбатан суд ижроқисининг қарорида назарда тутилган бошқа чекловларнинг ижросини таъминлайди;

7) Давлат чегарасини кўриқлаш органлари:

суднинг ёки суд ижроқисининг қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вактинча чеклаш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлайди, суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати талабарини бажаришдан бўйин товлаётган қарздор жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишининг олдини олиш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикасидан чиқишига вактинча чеклов жорий килинган ёки бундай чеклов олиб ташланган қарздор жисмоний шахслар тўғрисида ахборотларнинг тезкор алмашинувини Суд департаменти органлари билан бирга белгиланган тартибда амалга оширади.

Конун хужжатларида суд ижроқиларининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигининг бошқа шакллари ҳам белгиланиши мумкин»;

6) **22-модданинг:**

**бешинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг тегишли худудий бўлими»** деган сўзлар «Суд департаментининг тегишли худудий бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

**олтинчи қисмидаги «судга» деган сўз чиқариб ташлансин;**

7) куйидаги мазмундаги **22<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«22<sup>1</sup>-модда.**

**Ижро иши юритишида хабарномалар ва чакиравлар**

Ижро иши юритишида иштирок этувчи шахслар суд ижроқиси томонидан чиқарилган қарорлар ҳакида, конунда назарда тутилган холларда эса ижро ҳаражатлари тўғрисида ва мажбурий ижро этиш чоралари ҳакида хабардор

килинади, шунингдек суд ижроисининг хузурига ёхуд ижро харакатларини амалга ошириш жойига чакирув қози, бошка хабарнома, телефонограмма, телеграмма ёки бошка алока воситалари (бундан буён матнда чакирув қози, бошка хабарнома деб юритилади) оркали чакирилилади.

Ижро хужжати дарҳол ижро этилиши лозим бўлган холларда суд ижроиси ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларни олдиндан хабардор килмасдан ижро харакатларини амалга оширишга ва мажбурий ижро этиш чораларини қўллашга ҳакли.

Агар ижро иши юритишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили бошка манзилни кўрсатмаган бўлса, ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсга чакирув қози, бошка хабарнома ижро хужжатидаги кўрсатилган манзилга юборилади. Чакирув қози, бошка хабарнома ижро иши юритишда иштирок этаётган шахснинг иш, ўқиш жойига юборилиши мумкин.

Жисмоний шахсга йўлланган чакирув қози, бошка хабарнома, коида тарикасида, Суд департаментининг бўлинмасига кайтарилиши лозим бўлган топширганлик тўгрисидаги билдиришномага ушбу шахснинг имзоси кўйдирилган ҳолда унга шахсан топширилади. Юридик шахсга юборилган чакирув қози, бошка хабарнома юридик шахснинг ходимига топширилади, у топширганликни тасдиковчи билдиришномага чакирув қозизини, бошка хабарномани олганлиги ҳакида фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда лавозимини кўрсатган ҳолда имзо кўяди.

Агар чакирув қозизини, бошка хабарномани етказиб берувчи шахс чакирилаётган жисмоний шахсни топа олмаса, чакирув қози, бошка хабарнома у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига топширилади, улар йўклигига эса фукароларнинг ўзини ўзи бошқариши органига ёки иш берувчига (ўкув муассасаси маъмуритига) топширилади. Чакирув қозизини, бошка хабарномани қабул килиб олган шахс уни имконият бўлиши билан дарҳол чакирилувчига топшириши шарт.

Адресат вактинча бирор жойга кетган бўлса, чакирув қозизини, бошка хабарномани етказиб берувчи шахс унинг иккинчи нусхасига чакирилувчи каерга кетганилиги ва қачон келиши кутилаётганилиги тўгрисида белги қўяди. Бу маълумотлар фукароларнинг ўзини ўзи бошқариши органи томонидан ёки иш берувчининг (ўкув муассасаси маъмуритининг) имзоси билан тасдиқланиши ва гувоҳлантирилиши лозим.

Адресат чакирув қозизини, бошка хабарномани қабул қилишдан бош тортганди, уларни етказиб берувчи шахс суд ижроисига кайтариладиган чакирув қозигига, бошка хабарномага белги қўяди.

Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар кўйидаги ҳолларда хабардор қилинган хисобланади, агар:

чакирув қози, бошка хабарнома адресатга ушбу модда талабларига мувофик етказиб берилган (юборилган) бўлса;

адресат чакирув қозизини, бошка хабарномани олишдан бош тортса;

пошлина хабарномасини олган бўлишига карамасдан адресат ўз номига юборилган чакируv қозизини, бошка хабарномани олиш учун келмаса.

Мажбурий ижро этиш чоралари тўгрисида хабардор қилинган шахсларнинг ҳозир бўлмаслиги мазкур чораларнинг бажарилишига тўсқилик қилмайди.

Агар ижро хужжати бўйича карздор зиммасига фақат шахсан ўзи бажариши мумкин бўлган мажбуриятлар юқлатилган бўлса, суд ижроисига чакируви бўйича келишдан бўйин товлаётган карздор суд ижроисининг қарори асосида мажбурий кетлирилиши мумкин.

Чакируv қозизари, бошка хабарномалар шаклларининг намуналари, шунингдек уларнинг мазмунига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади»;

### 8) 23-модданинг:

**биринчи қисми** кўйидаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Агар конун хужжатларида ижро хужжатларининг айрим турларига мажбурий иловалар назарда тутилган бўлса, улар суд ижроисига ижро хужжат билан бирга тақдим этилиши керак»;

**учинчи қисми** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд ижроиси ижро иши юритишни кўзгатиш тўгрисидаги қарорда ижро хужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариши учун ижро иши юритишни кўзгатилган кундан эътиборан кўпи билан беш кун муддат белгилайди ва карздорни мазкур муддат тугаганидан кейин ижро хужжатидаги талаблар ундан ижро йигими, суд ижроиси томонидан қарздорга солинган жарималар, шунингдек ижро харажатлари ундирилган ҳолда мажбурий ижро этилиши тўгрисида хабардор килади»;

**олтинчи қисмидаги «судга»** деган сўз чиқариб ташлансин;

### 9) 24-модданинг:

**биринчи қисми «бўйласма»** деган сўздан кейин «ёхуд зарур хужжатларни уларга кўйиладиган талабларга мувофик ҳолда расмийлаштириб ижро хужжатига илова қилиш тўгрисидаги талабга риоя қилинмаган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми** «Қонуннинг 8-моддасида» деган сўзлардан кейин «ва бошка қонун хужжатларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**бешинчи қисмидаги «судга»** деган сўз чиқариб ташлансин;

10) 25-модданинг **еттинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд карорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ёки унинг худудий бўйими» деган сўзлар «Суд департаменти ёки унинг худудий бошкармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) кўйидаги мазмундаги **25<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«25<sup>1</sup>-модда.**

**Йигма ижро иши юритиши**

Битта карздорга нисбатан кўзгатилган мулкий тусга эга бўлган бир нечта ижро хужжати, шунингдек солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан бир ундирувчи фойдасига ундирув бўйича кўзгатилган ижро иши юритишилар йигма ижро иши юритишга бирлаштирилади.

Суд департаментининг бир нечта худудий бошкармаси бўлинмаларига келиб тушган бир карздорга ёки солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан ундирув бўйича ижро хужжатлари юзасидан йигма ижро иши юритиш Суд департаменти директори ёхуд унинг ўринбосари белгилайдиган бўлинма томонидан кўзгатилади ва юритилади.

Суд департаменти битта худудий бошкармасининг бир нечта бўлинмасига келиб тушган бир қарздорга ёки солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан ундирув бўйича ижро хужжатлари юзасидан йигма ижро иши юритиш Суд департаменти худудий бошкармаси бошлиги ёхуд унинг ўринбосари белгилайдиган худудий бўлинма томонидан кўзгатилади ва юритилади.

Йигма ижро иши юритиш кўзгатилганидан кейин келиб тушган ва йигма ижро иши юритилаётган қарздорга нисбатан мулкий тусдаги талаблар кўрсатилган ижро хужжатлари йигма ижро ишини юритаётган суд ижрочисига топширилади. Бу хақда ундирувчи, қарздор, суд ёки ижро хужжатини берган бошқа орган хабардор қилинади»;

12) **30-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмida кўрсатилган муддатта:

ижро хужжати ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро килиш вакти;

ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш вакти;

ижро иши юритишни тўхтатиб туриш вакти;

мутахассис тайинлаш ҳақидаги қарор мутахассисга юборилган кундан то унинг хулосаси ёки иш натижалари тўғрисидаги бошқа хужжат суд ижрочисига келиб тушгунигача бўлган вакт;

мол-мulk реализация килишга топширилган кундан то бу мол-мulkни реализация килишдан тушган пул маблаглари Суд департаменти органининг депозит ҳисобварагига келиб тушгунигача бўлган вакт кирмайди.

Ижро ҳаракатларини амалга ошириш муддатининг ўтиши ижро иши юритишни тугатиш ёки тамомлаш учун асос бўлмайди»;

13) **31-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Суд ижро хужжатига тушунтириш бериш тўғрисида ажрим чикаради, ижро хужжатини берган бошқа орган эса қарор чикаради»;

14) **32-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи — тўртинчи** қисмлар билан тўлдирилсин:

«Ижро хужжатини ижро этиш кечиктирилган тақдирда, ижро этишини кечиктирган суд ёки бошқа орган томонидан белгиланган муддат ичда ижро ҳаракатлари амалга оширилишига йўл кўйилмайди.

Қарздорнинг ҳисобваракларига кўйилган хатлов кечиктириш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган тақдирда кечиктириши муддатига олиб ташланади.

Ижро хужжати бўлиб-бўлиб ижро этилган тақдирда, ижро хужжати уни бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган қисм ва муддатлар бўйича ижро этилади»;

15) **33-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд ижрочиси ижро ҳаракатлари амалга оширилишини ундирувчининг аризасига кўра кейинга қолдиришга ҳақли. Аризада ижро ҳаракатларини кейинга қолдиришининг сўралаётган муддати кўрсатилиши керак.

Ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўскинилк қилувчи холатлар мавжуд бўлганда суд ижрочиси ижро ҳаракатларини қарздорнинг аризасига кўра ёки ўз ташаббусига кўра билан ўн кун муддатга кечиктириши мумкин.

Ижро ҳаракатлари кейинга қолдирилган тақдирда суд ижрочиси ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш асосини ва ижро ҳаракатлари қайси муддатга қолдирилганлигини кўрсатган холда қарор чикаради. Чиқарилган қарор ҳақида ижро иши юритишдаги тарафлар, ижро хужжатини берган суд ёки бошқа орган хабардор қилинади.

Суд ижрочисининг ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиниши ёки протест билдирилиши мумкин»;

16) **34-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро иши юритиш қуйидаги холларда суд томонидан тўхтатиб турилиши шарт:

1) агар суд томонидан аниқланган ҳукуқий муносабат ҳукуқий ворисликка йўл кўйса, қарздор вафот этганда, у вафот этган деб ёълон қилинганда ёки бедарак йўколган деб топилганда;

2) қарздор муомалага лаёкатсиз деб топилганда;

3) агар қонун хужжатларида низолашишга йўл кўйилган бўлса, қарздор ижро хужжати юзасидан суд тартибида низолашганда;

4) маъмурий ҳукукбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чикиш ваколатига эга органларнинг қарорлари (мансадбор шахсларнинг ҳаракатлари) устидан судга шикоят берилганда;

5) ижро хужжати бўйича ундирув қаратилган мол-мulkни рўйхатдан чиқариш (хатлашдан озод қилиш) тўғрисида судга датво аризаси берилганда;

6) ушбу модданинг иккинчи қисмida назарда тутилган бошқа асослар вужудга келганда.

Ижро иши юритиш қуйидаги холларда суд ижрочиси томонидан тўхтатиб турилиши шарт:

1) қарздор муддатли ҳарбий хизматда бўлганда ёки муддатли ҳарбий хизматда бўлган ундирувчи илтимос қилганда;

2) қарздорнинг ноҷорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича ҳўжалик суди томонидан иш юритиш кўзгатилганда, шу жумладан кузатувни жорий этиш тўғрисида, суд санациясини ёки ташки бошқарувни жорий этиш ва (ёки) уларнинг муддатини узайтириш тўғрисида ҳўжалик суди томонидан ажрим қабул қилинганда, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувоғиқ ижро этилиши тўхтатиб турилиши мумкин бўлмаган ижро хужжатлари бундан мустасно;

3) ижро хужжатини бериш учун асос бўлган суд хужжати ёки бошқа орган хужжатини ижро этишини тўхтатиб туриш ҳукуки конунда қайси мансабдор шахсга берилган бўлса, ўша мансабдор шахс томонидан қарор чиқарилганда»;

17) **35-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро иши юритиш қуйидаги холларда суд томонидан тўхтатиб турилиши мумкин:

1) қарздор ёки ундирувчи ижро хужжатини берган тегишли судга ёки бошқа органга ижро хужжатини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиши усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда;

2) қарздор узок муддатли хизмат сафарида бўлганда;

3) қарздор стационар даволаш муассасасида даволанаётганда;

4) суд ижрочисининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят берилганда;

5) рўйхатга олинган мол-мulkни баҳолаш натижалари юзасидан низолашилганда;

6) ундирувчи илтимос қилганда.

Ижро иши юритиш қуйидаги холларда суд ижрочиси томонидан тўхтатиб турилиши мумкин:

1) суд ижрочиси ижро этилиши лозим бўлган суд хужжати ёки бошқа орган хужжатини тушунтириш тўғрисидаги, ижро хужжатини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш ҳақидаги, ижро этиши усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги аризалар билан ижро хужжатини берган тегишли судга ёки бошқа органга мурожаат қилганда;

2) қарздор жисмоний шахс, унинг мол-мulkи ёки олиб қўйилиши лозим бўлган бола қидирилаётганда;

3) суд ижрочиси томонидан жарима тарикасидаги жинонӣ жазони бошқа жазо турига алмаштириш тўғрисида судга тақдимнома киритилганда.

Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош суд ижрочилари уларга бўйсунувчи суд ижрочиларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят келиб тушганда, зарур бўлган холларда, ижро иши юритишни тўхтатиб туришга ҳақли»;

**18) 36-модданинг матни куйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Ижро иши юритиш қўйидаги холларда тўхтатиб турилади:

1) қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда ёки бедарак йўқолган, муомалага лаёкатсиз деб топилганда — қарздорнинг ҳукукий ворислари аниклангунинга, бедарак йўқолганинг мол-мулки суд томонидан ҳомийлик ва васийлик органлари белгилаган ишончли бошқарувчига топширилгунинга ёки муомалага лаёкатсиз қарздорга ҳомий тайинлангунинга кадар;

2) қарздорнинг начорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича ҳўжалик суди томонидан иш юритиш қўзгатилганда, кузатувни жорий этиш тўғрисида суд санацияси ёки ташки бошқарув таомилини жорий этиши ва (ёки) муддатини узайтириш тўғрисида ҳўжалик суди томонидан ажрим қабул қилинганда — қарздорнинг начорлиги (банкротлиги) тўғрисидаги иш бўйича карор қабул қилингунинга кадар;

3) ундирувчи ёки қарздор муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганда, қарздор қасал бўлиб қолганда, хизмат сафарида бўлганда ёки қарздор жисмоний шахс, унинг мол-мулки ёки олиб қўйилиши лозим бўлган бола қидирилаётганда, — муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилгунинга ёки стационар даволаш муассасасидан чиккунинга, хизмат сафаридан кайтунига ёки қарздор жисмоний шахс, унинг мол-мулки ёки олиб қўйилиши лозим бўлган бола қидириб топилгунинга кадар;

4) ижро харакатлари, ижро ҳужжати ёки уни беришга асос бўлган ҳужжат юзасидан, шунингдек рўйхатга олинган мол-мулки баҳолаш натижалари юзасидан низолашилаётганда — масала мазмунан узил-кесил кўриб чиқилгунинга кадар;

5) суд ижрохисининг харакатлари (карорлари) устидан шикоят берилганда — шикоят кўриб чиқилгунинга кадар.

Ижро иши юритиш бошка холларда хам ижро иши юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар тугагунинга кадар тўхтатиб турилиши мумкин.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф қилинганидан кейин ижро иши юритиш уни тўхтатиб турган суд ёки суд ижрохиси томонидан ундиручининг аризасига ёки суд ижрохисининг ташаббусига кўра тикланади.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туришнинг ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган муддатлари суд томонидан кискартирилиши мумкин»;

**19) 37-модданинг матни куйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Ижро иши юритиш қўйидаги холларда суд томонидан тутатилади:

1) ундирувчи ёки қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда, бедарак йўқолган деб топилганда, агар суд ҳужжати ёхуд бошка органнинг ҳужжатида қўйилган талаблар ёки мажбуриятлар ҳукукий ворисга ёки бедарак йўқолганинг мол-мулкини ишончли бошқарип турган шахсга ўтиши мумкин бўлмаса;

2) муайян харакатларни амалга ошириш ёхуд бундай харакатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатини ижро этиш имконияти йўқолганда.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туришнинг ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган муддатлари суд томонидан тутатилади:

1) ундирувчи ундирувдан воз кечганда, агар воз кечиш суд томонидан қабул қилинган бўлса;

2) ундирувчи ва қарздор ўртасида суд томонидан тасдикланган келишув битими тузилганда;

3) жарима тариқасидаги жиноий жазони бошка жазо турига алмаштириш ёхуд жарима тариқасидаги жиноий жазодан амнистия асосан озод қилиш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилганда;

4) ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати ёки бошка органнинг ҳужжати бекор қилинганда ёхуд конунга кўра ижро ҳужжати бўлган ҳужжат бекор қилинганда ёки ҳақиқий эмас деб топилганда»;

**20) 38-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«38-модда. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисидаги масалаларнинг суд ёки суд ижрохиси томонидан кўриб чиқилиши**

Ҳўжалик суди томонидан берилган ижро ҳужжати асосида қўзгатилган ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш ўша ҳўжалик суди ёки суд ижрохиси турган жойдаги ҳўжалик суди томонидан амалга оширилади. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатишни қўйидаги холларда хам ҳўжалик суди томонидан амалга оширилади:

ижро хатлари ижро этилганда, агар ундирувчи ва қарздор юридик шахслар ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар бўлса;

суд ижрохисининг ижро йигимини ва ижро харажатларни ундириш тўғрисидаги карорлари ижро этилганда, агар қарздор юридик шахс ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаро бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ижро ҳужжатлари бўйича ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш суд ижрохиси турган жойдаги умумий юрисдикция суди томонидан амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал ёки Жиноят-процессуал кодексларида бошка тартиб белгиланмаган бўлса, ижро иши юритишдаги тарафларнинг ёки суд ижрохисининг ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ёки тугатиш тўғрисидаги аризаси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда суд томонидан кўриб чиқилади.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш, ушбу Конун 34-моддасининг иккичи қисми, 35-моддасининг иккичи қисми ва 37-моддасининг иккичи қисмида назарда тутилган холларда, ижро ҳужжати кайси суд ижрохисининг иш юритишида бўлса, ўша суд ижрохиси томонидан амалга оширилади.

Ижро иши юритишдаги тарафларнинг ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги аризаси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда суд ижрохиси томонидан кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиши натижаларига кўра суд ижрохиси ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақида ёхуд ижро иши юритишни тўхтатиб туришни ёки тугатишни рад қилиш тўғрисида карор чиқаради.

Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақидаги суд ҳужжати ёхуд бошка органнинг ҳужжати суд ижрохиси томонидан олинган пайтдан эътиборан дарҳол ижро этилиши керак. Суд ижрохиси ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида бу ҳақда унга маълум бўлган вақтдан эътиборан уч кунлик муддатда ижро иши юритишдаги тарафларга, судга (агар масала ижро ҳужжатини берган суд томонидан эмас, бошка суд томонидан хал қилинган бўлса) ёки ижро ҳужжатини берган ўзга органга маълум килади.

Тўхтатилган ижро иши юритиш бўйича у тиклангунинга кадар мажбурий ижро чоралари кўлланилишига йўл қўйилмайди.

Суд ёки бошка органнинг ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ёхуд тугатиш тўғрисидаги ҳужжати устидан ўн кунлик муддатда шикоят қилиниши ёки протест билдирилиши мумкин»;

**21) 39-модданинг матни куйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Суд ижрочиси суднинг ижро иши юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими асосида, шунингдек суд ижрочисининг ижро иши юритишни тугатиш тўғрисидаги карорида ижро этиш бўйича ўзи тайинлаган барча мажбурий ижро чораларини, шу жумладан мол-мулкни хатлашни, шунингдек қарздор учун белгиланган чекловларни бекор киласди. Айни вактда суд ижрочиси қарздорнинг ҳисобваракларига кўйилган инкассо топширикномаларини чакириб олади, шунингдек чекловларни ижро этаётган органларни ушбу чекловлар бекор килингандиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор киласди.

Ижро иши юритиш тугатилганидан сўнг суд ижрочиси қарздорга суд ижрочиси томонидан солинган жарималарни ва ижро харажатларини ундириш тўғрисида илгари чикарилган ҳамда ижро этилмаган карорлар ижросини давом эттиради.

Ижро иши юритиш тугатилганда, ижро йигими ижро хужжатининг факат мажбурий тартибда ижро этилган қисми бўйича ундириллади. Бунда ижро иши юритиш ушбу Конун 37-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида кўрсатилган асослар бўйича тугатилган тақдирда ижро йигими суд ижрочиси томонидан амалга оширилган мажбурий ижро этиш чораларидан катъя назар, тўлиқ ҳажмда қайтарилади.

Ижро иши юритиш тугатилган ижро хужжати ижро иши юритиш материалларида қолади ва такроран ижрога каратилиши мумкин эмас»;

22) **40-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«40-модда. Ижро иши юритиш қўзгатилганидан кейин ижро хужжатларини қайtarish**

Ижро хужжатларида кўрсатилган ундирив амалга оширилмаган ёки қисман амалга оширилган бўлса, бундай ижро хужжатлари қуйидаги холларда ундирувчига қайтарилади:

1) ундирувчининг аризасига кўра;

2) агар қарздорнинг манзилини ёки унинг мол-мулки турган жойни аниглаш ёхуд банклар ёки бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобвараклар ва омонатларда қарздорга қарашли пул маблағлари ҳамда бошқа кимматликлар турганини ёки сакланаётганини тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин бўлмаса (ушбу Конунга мувофиқ қарздорни ёки унинг мол-мулкини кидириш назарда тутилган холлар бундан мустасно);

3) агар қарздорнинг ундирив каратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаса ва унинг мол-мулки ёки даромадларини кидириш юзасидан суд ижрочиси томонидан қонунда йўл кўйиладиган доираада кўрилган барча чоралар натижасиз бўлса;

4) агар ундирувчи ижро хужжати ижро этилаётганда қарздорнинг сотилмаган мол-мулкини ўзига олишдан воз кечса ёхуд қарздорлик ҳисобидан ушбу мол-мулкини ўзига олиш тўғрисидаги суд ижрочисининг таклифи бўйича ўз қарорини белгиланган муддатда тақдим этмаган бўлса;

5) агар ундирувчи ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан ижро хужжатининг ижро этилишига тўскинлик килаётган бўлса, шу жумладан ижро хужжатида кўрсатилган, қарздордан олиб кўйилган муайян ашёларни олишдан воз кечса.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3, 4 ва 5-бандларида кўрсатилган асослар бўйича ундирувни амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда, суд ижрочиси бу хакда тегишили далолатнома тузади, далолатномани катта суд ижрочиси тасдиқлайди.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2 ва 3-бандларида кўрсатилган асослар бўйича ундирувни амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда, бюджетга ҳамда давлат максадли фонdlарига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бокиманда қарздорликни ундириши назарда тутувчи ижро хужжати давлат солиқ хизмати органига, давлат даромадига ўзга ундирувни назарда тутувчи ижро хужжати эса тегишинча ушбу хужжатни берган судга ёки бошқа органга қайtariladi.

Ижро хужжатининг ундирувчига қайtariliши мазкур хужжатни ушбу Конуннинг 27-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чикариладиган муддат доирасида янгидан ижрога топшириш учун тўсик бўлмайди.

Ижро хужжати ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган асос бўйича қайtarilganda, ундирувчига ушбу Конуннинг 76-моддасида назарда тутилган бўнак бадали тўлиқ қайtariladi.

Ижро хужжати ушбу модда биринчи қисмининг 3, 4 ва 5-бандларида кўрсатилган асослар бўйича қайtarilgan холларда бўнак бадалининг қайtarilaётgan ижро хужжатини ижро этиш юзасидан суд ижрочиси килган ҳаражатлардан ортиқча қисмигина қайtariladi. Ундирувчига ижро хужжати ва бўнак бадалини қайtarish тўғрисида суд ижрочиси томонидан катта суд ижрочиси тасдиқлайдиган карор чикariladi;

23) **41-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро иши юритиш қўйидаги холларда тамомланади:

ижро хужжати амалда ижро этилганда;

йиғма ижро иши юритишга бирлаштирилган ижро хужжатларидаги ундирив тўғрисидаги талаблар бир ёки бир нечта солидар жавобгар қарздор ҳисобидан амалда ижро этилганда;

ижро хужжати уни берган суднинг ёки бошқа органинг талабига биноан ижро этилмасдан қайtarilganda;

ижро хужжати ушбу Конуннинг 40-моддасида кўrсатилган асослар бўйича қайtarilganda;

ижро хужжати ижро этиш учун ушбу Конун 25-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ бошқа суд ижрочисига юборилганди;

ижро хужжати ижро этиш учун тугатиш комиссиясига (тутатувчига, тугатиш бошқарувчисига) юборилганда.

Ижро иши юритиш тамомланганда суд ижрочиси бу хакда карор чикaradi. Ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисидаги қарорда қарздор жисмоний шахсни, унинг мол-мулкини, олиб кўйилиши лозим бўлган болани кидириш, шунингдек қарздор учун белгиланган чекловлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан чикишга оид чеклашлар ва қарздорнинг ўз мол-мулкига бўлган ҳукукларига доир чекловлар бекор килинади.

Ижро иши юритиш ушбу Конуннинг 25-моддаси асосида бошқа суд ижрочисига юборилиши муносабати билан тамомланётганда қарздор жисмоний шахсни, унинг мол-мулкини, олиб кўйилиши лозим бўлган болани кидириш, шунингдек қарздор учун белгиланган чекловлар бекор килинмайди. Мазкур ваколатлар ижро иши юритиш юборилган суд ижрочисига ўтади.

Суд ижрочиси қарорининг кўчирма нусхалари у чикarilgan куннинг эртасидан кечкитирмай ундирувчига ва қарздорга, шунингдек ижро хужжатини берган судга ёки бошқа органга юборилади. Айни вактда суд ижрочиси қарздорнинг ҳисобваракларига кўйилган инкассо топширикномаларини чакириб олади, шунингдек чекловларни ижро этаётган органларни ушбу чекловларнинг бекор килингандиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор киласди.

Ижро иши юритиш тамомланганидан сўнг суд ижрочиси қарздордан ижро йигимини, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималарни ҳамда ижро харажатларини ундириш тўғрисида илгари чикarilgan ва ижро этилмаган қарорларнинг ижросини давом эттиради. Бунда қарздорга нисбатан ижро иши юритиш жараённида белгиланган

чекловлар мазкур қарорлар ижроси учун зарур бўлган миқдорда саклаб қолинади. Ижро иши юритиш тамомланган тақдирда, ижро йигими факат ижро хужжатининг мажбурий тартибида ижро этилган қисми бўйича ундирилади, номулкий хусусиятдаги ижро хужжатлари бундан мустасно.

Ижро иши юритиш, ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган асосларга кўра тамомланганда ижро хужжатининг асл нусхаси, бошқа ҳолларда эса ижро хужжатининг кўчирма нусхаси ижро иши юритиш материалларида қолади»;

**24) 42-модданинг:**

**биринчи қисми** «зарарни тўлаш» деган сўзлардан кейин «зарарни давлат фойдасига ундириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўртничи ва бешинчи қисмлари** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Карздор жисмоний шахсни ва олиб кўйилиши лозим бўлган болани кидириш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади. Қарздор юридик шахсни ва шунингдек қарздорнинг (жисмоний ёки юридик шахснинг) мол-мулкини кидириш суд ижрочиси томонидан амалга оширилади. Автомототранспорт воситасини кидириш суд ижрочисининг қарорига кўра ички ишлар органлари зиммасига юклатилиши мумкин.

Қарздорни, унинг мол-мулкини ва олиб кўйилиши лозим бўлган болани кидириш харажатлари қарздордан ундирилади, суд ижрочиси бу ҳақда карор чикаради, қарорни катта суд ижрочиси тасдиклайди. Қарздор жисмоний шахсни, автомототранспорт воситасини ёхуд олиб кўйилиши лозим бўлган болани кидириш бўйича харажатлар ички ишлар органининг аризасига кўра, қарздор юридик шахсни ва қарздорнинг (жисмоний ёки юридик шахснинг) мол-мулкини кидириш харажатлари бўйича эса, тегишли суд ижрочиси томонидан килинган харажатлар хисоб-китоби асосида аникланади»;

**олтинчи қисмидаги «судга»** деган сўз чиқариб ташлансин;

25) кўйидаги мазмундаги **42<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«42<sup>1</sup>-модда. Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вактингча чеклаш**

Суд хужжати асосида берилган ижро хужжатидаги ёки ижро хужжати бўлган суд хужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, суд ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вактингча чеклаш тўғрисида карор чикаришга ҳақли.

Суд ижрочисининг қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вактингча чеклаш тўғрисидаги қарори катта суд ижрочиси томонидан тасдикланади. Мазкур қарорнинг кўчирма нусхалари қарздор жисмоний шахсга (агар унинг турган жойи маълум бўлса), ички ишлар органларининг кириш, чиқиш ва фуқаролик бўйламига (бошқармасига) ҳамда Давлат чегарасини кўриклиш органларига юборилади.

Агар ижро хужжати суд хужжати бўлмаса ва суд хужжати асосида берилмаган бўлса, ундирувчи қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вактингча чеклашни белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Суд ижрочисининг қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вактингча чеклаш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин.

Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вактингча чеклашга асос бўлган ижро хужжатининг талаблари амалда ижро этилганда ёхуд у бўйича ижро иши юритиш ушбу Қонунда белгиланган асосларга кўра тутагилганда ёки тамомланганда, суд ижрочиси кейинги кундан кечиқтиримасдан қарздор жисмоний шахсни, ички ишлар органларини ва Давлат чегарасини кўриклиш органларини қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини чеклаш олиб ташланганини тўғрисида ёзма шаклда хабардор килади.

Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вактингча чеклашни таъминлаш юзасидан суд ижрочиларининг, ички ишлар органлари ва Давлат чегарасини кўриклиш органларининг ҳамкорлиги тартиби Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан белгиланади»;

**26) 46-модда:**

**1-бандининг матни** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ундирувни қарздорнинг пул маблагларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш»;

**2-бандидаги** «мол-мулкига ва пул маблагларига» деган сўзлар «пул маблагларига ва бошқа мол-мулкига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

кўйидаги мазмундаги **2<sup>1</sup>** ва **2<sup>2</sup>-бандлар** билан тўлдирилсин:

«**2<sup>1</sup>**) ундирувни қарздорнинг дебиторлик карзига, шу жумладан қарздор ундирувчи сифатида иштирок этаётган ижро хужжати бўйича унга тегишли бўлган маблагларига қаратиш;

**2<sup>2</sup>)** ундирувни қарздорга тегишли бўлган алоҳида мулкий хуқукларга қаратиш»;

**27) 47-модданинг матни** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш қарздорнинг мол-мулкини хатлаш ва мажбурий реализация қилишдан иборатдир.

Ижро хужжатлари бўйича жисмоний ва юридик шахслардан ундирув биринчи навбатда қарздорнинг сўмдаги ва чет эл валютасидаги пул маблагларига ҳамда бошқа кимматликларига, шу жумладан банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларида пул маблагларига ҳамда ўзга кимматликларига қаратилади.

Қарздор жисмоний шахсдан топилган сўмдаги ва чет эл валютасидаги нақд пул маблаглари дархол олиб кўйилиши лозим.

Олиб кўйилган сўмдаги нақд пул маблаглари кейинги иш кунидан кечиқтиримай Суд департаменти органининг депозит хисобварагига ўтказиш учун банкка топширилади, кейин уч кунлик муддатда белгиланган тартиби тақсимланади.

Қарздорнинг банклардаги ёки бошқа кредит ташкилотларидаги барча хисобваракларида ҳамда омонатларида турган ёки саклашга кўйилган пул маблаглари ва ўзга кимматликларига тўғрисида ахборот бўлгандана, улар хатланади. Қарздорнинг аникланган тегишлича сўмдаги нақд пули ёхуд банклардаги ёки бошқа кредит ташкилотларидаги сўмдаги маблаглари етарли бўлмаса, ундирув қарздордаги аникланган нақд чет эл валютасига ёхуд унинг банклардаги ёки ўзга кредит ташкилотларидаги хисобваракларида, омонатларида турган ёки сакланётган валютасига қаратилади.

Суд ижрочисида қарздорнинг хатлаш мумкин бўлган хисобвараги мавжудлиги тўғрисида ахборот бўлмаганда, суд ижрочиси бундай хисобваракни аниқлаш тўғрисида банк ёки бошқа кредит ташкилотига ёзма сўров юборади.

Суд ижрочисининг ёзма сўрови келиб тушганда банк ёки бошқа кредит ташкилоти конун ҳужжатларига мувофиқ тегиши хисобваракни аниқлади ва бу хақда кейинги иш кунидан кечиктиримай суд ижрочисига маълум килади.

Карздор ундирув биринчи навбатда каратилиши лозим бўлган мол-мулк турлари ёки ашёларни ўзи кўрсатишига хакли.

Карздор мол-мулканинг у ёки бу турига ундирувни қаратиш навбати суд ижрочиси томонидан мазкур мол-мулкнинг ликвидлигини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Карздорнинг ундирувчи талабларини қаноатлантириш учун етарли пул маблағлари бўлмаса, суд ижрочиси ўз карори билан қарздор хисобваракларини харажатлар кисмини карз тўлиқ узилгунига қадар конун ҳужжатларida белгиланган тартибида хаттлайди. Банк ёки бошқа кредит ташкилоти қарздорнинг пул маблағларини хатлаш ҳакидаги карорни дарҳол ижро этади ва суд ижрочисига қарздорнинг хисобвараклари реквизитлари ҳамда ҳар бир хисобварак бўйича хатланган пул маблағлари микдорини маълум килади. Айни бир вактда ундирув қарздорга тегиши бўлган бошқа мол-мулкка каратилиди, ушбу Конуннинг 52-моддасига мувофиқ ижро ҳужжатлари бўйича ундирув каратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно.

Карздорнинг мол-мулкига, шу жумладан нақд пул маблағларига ва банклардаги ёки бошқа кредит ташкилотларидаги хисобваракларida ҳамда омонатларida турган ёки саклашга кўйилган пул маблағларига ундирув ижро йигими, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималар ва ижро харажатлари хисобга олинган ҳолда, ижро ҳужжатини ижро этиш учун зарур бўлган микдорда ва ҳажмда каратилиди.

Карздор бошқа шахслар билан умумий мулк ҳукуки асосида тегиши мол-мулкка эга бўлган ҳолларда ундирув унинг конун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган улушкига қаратилиди;

28) **48-модданинг исккничи қисми «зиммасига»** деган сўздан кейин «ижро йигимини, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималарни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

29) кўйидаги мазмундаги **48<sup>1</sup> — 48<sup>7</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«48<sup>1</sup>-модда. Қарзни чет эл валютасида хисоблаб чиқаришда ундирувни қарздорнинг пул маблағларига қаратиш тартиби**

Карздордан топилган ва олиб қўйилган, ижро ҳужжатида кўрсатилган нақд чет эл валютасини суд ижрочиси олиб қўйилган кундан кейинги иш кунидан кечиктиримай Суд департаменти органининг депозит хисобварагига топширади, ижро ҳужжатида кўрсатилганидан бошқа чет эл валютасини ёки сўмдаги нақд пул маблағларини сотиш (ижро ҳужжатида кўрсатилган тегишили чет эл валютасини сотиб олиш) учун чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш ҳукуқидан фойдаланувчи банкка топширади.

Карздорнинг банк хисобварагида, омонатида турган ёки банкда сакланётган, ижро ҳужжатида кўрсатилганидан бошқа чет эл валютасидаги ёки сўмдаги пул маблағлари хатланганида, суд ижрочиси ўз карори билан ваколатли банк зиммасига ижро ҳужжатини ижро этиш учун зарур бўлган микдорда ижро ҳужжатида кўрсатилган тегишили чет эл валютасини сотиб олиш мажбуриятини юклайди.

Агар банк Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютаси сотиш ёки сотиб олиш ҳукуқидан фойдаланмаётган бўлса, суд ижрочиси унинг зиммасига чет эл валютаси ёки сўмни шундай ҳукуқдан фойдаланувчи банкка ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасида сотиб олинган пул маблағлари улар томонидан Суд департаментининг тегишили худудий бошкармаси депозит валюты хисобварагига ўтказилади.

Карз чет эл валютасида хисоблаб чиқарилаётганда суд ижрочиси ижро йигими, шунингдек у томонидан қарздорга солинган жарималарни ва ижро харажатларини тегишили карор чиқарилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган чет эл валютаси курсидан келиб чиқсан ҳолда хисоблаб чиқилган микдорда сўмда хисоблаб чикаради.

**48<sup>2</sup>-модда. Ундирувни қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ва унинг мижозларининг пул маблағларига ҳамда қимматли қоғозларига қаратиш хусусиятлари**

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қарзлари бўйича ундирув унинг мижозларининг қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан кредит ташкилотида очилган алоҳида хисобварагидаги мавжуд пул маблағларига каратилиши мумкин эмас.

Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси қарзлари бўйича ундирув унинг мижозларининг реестр юритиши тизимида шахсий хисобваракларида ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан депозитарийларда очилган депо хисобваракларида сакланётган қимматли қоғозларига каратилиши мумкин эмас.

**48<sup>3</sup>-модда. Ундирувни айрим юридик шахсларнинг, улар мулкдорларининг, муассисларининг ва аъзоларининг (иштирокчиларининг) мол-мулкига қаратиш хусусиятлари**

Юридик шахснинг қарзлари бўйича, шу жумладан унинг мол-мулки ижро ҳужжатидаги талабларни ижро этиш учун етарли бўлмаганда, ундирув суд ҳужжати асосида, конунда белгиланган шартларда ва тартибида ушбу юридик шахс мулкдорларининг, муассисларининг ва аъзоларининг (иштирокчиларининг) пул маблағларига ҳамда бошқа мол-мулкига каратилиши мумкин.

Тегишили қарздор юридик шахсларга нисбатан ижро ҳаракатларини амалга оширишда ундирувни хусусий корхона мулкдори, муассаса мулкдори, фермер хўжалигининг раҳбари, деҳқон хўжалигининг аъзолари, ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари, қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари, тўлиқ ширкат иштирокчилари, шунингдек коммандит ширкатдаги тўлиқ шериклар пул маблағларига ва бошқа мол-мулкига қаратиш ижро ҳужжатини ижро этиш тартиби ҳамда усулини ўзгартириш оркали амалга оширилади.

Карздорнинг ижро ҳужжатидаги талабларни ижро этиш учун етарли мол-мулки бўлмаганда, ундирув суд карори асосида қарздорнинг масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, тўлиқ ширкат, коммандит ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улушкига, қарздорнинг ишлаб чиқариш кооперативидаги пайига каратилади.

**48<sup>4</sup>-модда.****Ундирувни қарздорга тегишли бўлган мулкий ҳукукларга қаратиш**

Ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздорга тегишли мулкий ҳукукларга, хусусан қўйидаги ҳукукларга қаратилиши мумкин:

кўчмас мулкни узок муддатли ижарага олиш ҳукуки;

ер участкасига доимий ёки умрбод эгалик килиш ҳукуки, ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳукуки ёки ер участкасини узок муддатли ижарага олиш ҳукуки;

интеллектуал мулк объексларига нисбатан мутлак ҳукук;

карздорга лицензиат сифатида оддий номутлак лицензия асосида тегишли бўлган интеллектуал фаолият натижаларидан ва шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланиш ҳукуки.

Карздорга тегишли бўлган бошқа шахсларга нисбатан мулкий ҳукукларга ундирув Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда қаратилади.

**48<sup>5</sup>-модда.****Ундирувни дебиторлик қарзига қаратиш**

Ундирувни қарздорнинг дебиторлик қарзига қаратиш амалда етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар бўйича, шу жумладан мулк ижараси шартномаси ва бошқа шартномалар бўйича, шунингдек қарздор ундирувчи сифатида иштирок этётган ижро ҳужжати бўйича қарздорга тўланиши лозим бўлган пул маблагларини дебитор қарздорнинг хисобваракларидан низосиз тартибида хисобдан чиқариш орқали амалга оширилади.

Суд ижрочиси томонидан қарздор ундирувчи сифатида иштирок этётган пул маблагларини ундириш тўғрисидаги бошқа ижро ҳужжати мавжудлиги аниқланса, суд ижрочиси ундирувни дебиторнинг ижро ҳужжати бўйича қарздорга тўланиши лозим бўлган пул маблагларига қаратиш тўғрисида карор чиқаради. Ушбу карор асосида суд ижрочиси дебиторнинг хисобваракларига қарздорнинг карзи суммаларини ундириш тўғрисида дебиторнинг қарздор олдиаги қарзидан ошиб кетмайдиган миқдорда инкассо топширикномасини тақдим этади.

Ундирувни қарздорга амалда етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар бўйича дебитор тўлаши лозим бўлган пул маблагларига қаратиш қарздор ўз дебитори билан ўзаро хисоб-китобларнинг солишитира далолатномасини тақдим этган тақдирда амалга оширилади.

Дебитор ўзаро хисоб-китобларнинг солишитира далолатномасини имзолашдан асоссиз бош тортган тақдирда, қарздор бир томонлама имзоланган солишитира далолатномаларини дебиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова килган ҳолда суд ижрочисига тақдим этишга ҳакли. Қарздор томонидан бир томонлама тартибида имзоланган ўзаро хисоб-китобларнинг солишитира далолатномаси тақдим этилганда, суд ижрочиси қарздорнинг дебиторига унинг кредиторлик қарзи мавжудлиги ҳакида имзолаш учун солишитира далолатномани ва қарздор томонидан тақдим этилган, ушбу қарзининг мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова килган ҳолда билдиришнома юборади.

Қарздорнинг дебитори билдиришномани олган кундан эътиборан уч кунлик муддатда ўзаро хисоб-китобларнинг солишитира далолатномасини имзолаши ёхуд солишитира далолатномада кўрсатилган қарзининг мавжуд эмаслигини асослаган ҳолда рад жавоби тақдим этиши шарт. Агар дебитор томонидан тан олинган карз суммаси солишитира далолатномада кўрсатилганидан фарқ кийса, дебитор ўша муддатда суд ижрочисига ўзи тан олган суммани кўрсатган ҳолда солишитира далолатномани тақдим этиши шарт.

Қарздор билан унинг дебитори ўртасидаги ўзаро хисоб-китобларнинг солишитира далолатномасида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

қарздорнинг ва унинг дебиторининг номи, уларнинг банкдаги хисобвараклари реквизитлари;

дебиторнинг қарздор олдиаги қарзи суммаси;

қарздор ва унинг дебиторининг улар муҳри билан тасдиқланган имзолари, ушбу модданинг бешинчи кисмida назарда тутилган ҳолда эса, дебиторнинг ўз муҳри билан тасдиқланган имзоси;

солишитира далолатнома тузилган сана.

Қарздор ва унинг дебитори ўртасидаги ўзаро хисоб-китобларнинг солишитира далолатномаси у суд ижрочисига тақдим этилгунга қадар уч ойдан ўтиб кетмаган санага тузилган бўлиши керак.

Суд ижрочиси ўзаро хисоб-китобларнинг солишитира далолатномаси асосида дебиторнинг хисобваракларига қарздорнинг қарзи суммасини дебиторнинг қарздор олдиаги қарзидан ошмайдиган миқдорда ундириш тўғрисида инкассо топширикномасини тақдим этади.

Ундирув қўйидаги ҳолларда дебиторлик қарзига қаратилмайди:

уни ундириш учун даъво муддати ўтган бўлса;

қарздор ундирувчи сифатида иштирок этётган ижро ҳужжати Суд департamenti органининг иш юритишида бўлса ёки уни ижрога тақдим этиши муддати ўтган бўлса ёхуд ушбу ижро ҳужжати бўйича ижро ҳаракатлари белгиланган тартибида тўхтатиб турилган, тугатилган ёки кечикирилган (бўлиб-бўлиб ижро этилган) бўлса;

дебитор ҳукукий ёрдам тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан шартнома тузилмаган чет давлатда турган бўлса;

дебитор тугатилиш жараёнида бўлса ёки унга нисбатан банкротлик таомили жорий этилган бўлса;

дебитор ўз фаолиятини тугатган ва юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқарилган бўлса.

**48<sup>6</sup>-модда.****Ундирувни суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит хисобваракларида вактинча сакланяётган пул маблагларига қаратиш хусусиятлари**

Суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит хисобваракларида сакланяётган суриштирув, дастлабки тергов ёки суд давомида хатланган ва олиб қўйилган, шу жумладан фукаровий жавобгар томонидан киритилган ёхуд жинонӣ ўйл билан ортирилган маблаглар сифатида олиб қўйилган, шунингдек айбланувчи ёки судланувчи томонидан гаров сифатида киритилган пул маблаглари суд томонидан ижро ҳужжати берилган кундан эътиборан уч иш кунидан кечикиримади суднинг тегишли карори талабларини ижро этишга қаратилиши керак.

Суд ижрочисининг иш юритишида бўлган ижро ҳужжатлари бўйича суд ижрочиси суриштирув, тергов органларига ёки судга мазкур органларнинг депозит хисобварагида вактинча сакланяётган пул маблагларини уч кунлик муддат ичига Суд департamenti органининг депозит хисобварагига ўтказиш тўғрисида талаёнома юборади.

Ушбу модданинг иккинчи кисмida кўрсатилган талабнома белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда, суд ижрочиси суриштирув, тергов органларининг ёки суднинг депозит хисобварагида вактинча турган пул маблагларини ижро ҳужжати талабларига мувоғият кейинчалик таксимлаш учун Суд департamenti органининг депозит хисобварагига инкассо топширикномаси орқали низосиз тартибида хисобдан чиқариши шарт.

Ундирувни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва бюджет ташкилотларининг пул маблағларига қартиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси томонидан тасдикланадиган Ижро ҳужжатлари бўйича ундирувни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, бюджет ташкилотларининг маблағларига қартиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ушбу Конунга мувофиқ амалга оширилади»;

## 30) 49-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига қартиш ушбу мол-мулкнинг карздорга тегишлилигини тасдикловчи ҳужжатли маълумотлар бўлганда, суд ижроқисининг карорига мувофиқ амалга оширилади. Карздорнинг ўзга шахсларда турган мол-мулкнинг унга тегишлилигини тасдикловчи ҳужжатли маълумотлар бўлмаганда, ундирувни мазкур мол-мулкка қартиш суднинг карорига кўра амалга оширилади.

Суд ижроқисининг ушбу модданинг биринчи кисмида кўрсатилган асосларга кўра чикарилган карори устидан шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин»;

## 31) 51-модда қўйидаги мазмундаги учинчи кисм билан тўлдирилсин:

«Агар ундирув гаровга кўйилган мол-мулкка гаровга олувчининг талабларини каноатлантириш учун қартилган бўлса, ундирув карздорнинг бошқа мол-мулки бўлишидан катви назар, биринчи навбатда гаровга кўйилган мол-мулкка қартилади»;

## 32) 52-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро ҳужжатлари бўйича ундирув карздор жисмоний шахсга мулк ҳуқуки асосида тегишли бўлган ёки унинг умумий мулкдаги узуши бўлган ягона уйга (квартирага), агар карздор ва (ёки) унинг оила аъзолари унда доимий равиша яшаётган бўлса қартилмайди, ижро ҳужжатида ундирувни мазкур уйга (квартирага) қартиш назарда тутилган ёхуд ушбу мол-мулк мажбурият бўйича гаров нарсаси бўлган ҳоллар бундан мустасно. Ундирув бошқа уйларга (квартиralарга), уларда карздор ва (ёки) унинг оила аъзолари ёхуд ўзга шахслар доимий равиша яшаб турмаганингидан катви назар қартилиши мумкин.

Ундирувни ёки суд ижроқисининг аризасига кўра, ундирув суд томонидан карздорнинг ягона уйига (квартирасига) ёхуд уй худудидаги алоҳида турган бинога ёки унинг муайян кисмига, агар суд уйни (квартирани), шу жумладан унга туташ худудни кисмларга бўлиши мумкин, карздор тасарруфида колган кисми эса қарздор ва унинг оила аъзолари нормал турмуш кечириши учун етарли деб топган тақдирда, қартилиши мумкин.

Рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси томонидан белгиланадиган, карздор ва унинг оила аъзолари нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган уй анжомлари ва жихозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмларга ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қартилиши мумкин эмас.

Инвестор билан давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўргасида тузилган инвестиция шартномасига мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилётган маблаглар ва бошқа мол-мулк инвестиция даври мобайнида карздорнинг илгари юзага келган қарзини узиш ҳисобига мажбурий тартибида ундириб олинмайди»;

33) 53-модданинг бешинчи кисмидаги «беш кундан» деган сўзлар «уч иш кунидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) қўйидаги мазмундаги 53<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилсин:«53<sup>1</sup>-модда.

## Қимматли қоғозларни хатлаш

Ҳужжатли қимматли қоғозлар уларнинг турган жойи бўйича хатланади. Ҳужжатсиз қимматли қоғозлар ушбу қоғозлар эгасининг ҳуқуқлари рўйхатга олинган жой бўйича хатланади.

Қимматли қоғозлар хатланганда суд ижроқиси қарор чиқаради. Ҳужжатли қимматли қоғозлар хатланганлиги тўғрисида суд ижроқиси хатланган қимматли қоғозларнинг хатлов далолатномасини ҳам тузади.

Суд ижроқисининг қимматли қоғозлар хатланганлиги тўғрисидаги қарорида ёки далолатномасида хатланган қимматли қоғозларнинг умумий сони, уларнинг тури ва қимматли қоғозлар эмитентлари тўғрисидаги маълумотлар, қимматли қоғозлар чиқарилган сана, уларни идентификация қилиш, шунингдек қимматли қоғозларнинг қарздорга тегишлилигини аниқлаши имконини берувчи бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Қарздорга тегишли бўлган қимматли қоғозларнинг хатланиши қарздорга уларни тасарруф этиш, шунингдек бундай қимматли қоғозларни ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун бошқа депозитарийга топшириш тақиқланганлигини англатади. Ўзга турдаги чекловларни белгилашда, шу жумладан қарздорнинг қимматли қоғозларда мустаҳкамлаб кўйилган даромад олиши ҳуқуки ва бошқа ҳуқуқларни чеклашда суд ижроқиси белгиланган чекловларни қимматли қоғозларни хатлаш тўғрисидаги қарорда санааб ўтиши шарт»;

## 35) 54-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолаш рўйхатга олинниши лозим бўлган мол-мулк турларига бўлган талааб ва тақлифинг бозор конъюнктураси ҳолати тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида, ижро этиш кунида амалда бўлган нархлар бўйича суд ижроқиси томонидан таъминланади.

Суд ижроқиси мол-мулкни баҳолаш учун баҳолаш фаолияти тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келадиган мутахассисни жалб этади, ушбу модданинг учинчи, тўртинчи ва олтинчи кисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Суд ижроқиси алоҳида кўчар мол-мулкнинг шартномавий нархини фақат алоҳида олинган мол-мулкнинг қиймати энг кам иш ҳакининг йигирма бараваридан, мол-мулкнинг жами қиймати эса энг кам иш ҳакининг юз бараваридан ошмаган тақдирдагина, мутахассисни жалб этмаган ҳолда мустақил белгилашни мумкин, автомототранспорт воситалари бундан мустасно.

Гаровга кўйилган мол-мулк билан таъминланган мажбуриятларни ижро этишда ундирув ушбу мол-мулкка қартилган тақдирда, гаровга кўйилган мол-мулкнинг кимошди савдоши бошланадиган бошлангич реализация қилиши нархи суд қарори билан белгиланади. Кўрсатилган нарх суд томонидан белгиланган бўлмаса, мазкур мол-мулк гаров (ипотека) тўғрисидаги шартномада кўрсатилган нархда кимошди савdosiga кўйилади.

Қимматли қоғозлар, валюта қимматликлари, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа рўзгор буюмлари, нодир буюмлар, асл тасвирий санъат ҳамда хайкалтарошлиқ асарлари мутахассислар албаттаги иштироқ этган ҳолда баҳоланиши, кейин (уч иш куни ичиди) масъулиятли саклаш учун банкка ёки депозитарийга топширилиши керак, муайян турдаги қимматликлар музейга ёки уларнинг сакланиши шаронтларини таъминловчи бошқа ихтинослаштирилган муассасага топширилиши лозимлиги тўғрисида конун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Фонд биржасининг расмий листингига киритилган қимматли қоғозларнинг қиймати тегишли қимматли қоғозлар ўзида расмий листингта киритилган ва конун хужжатларига мувофиқ марказлаштирилган тартибда котировка килинадиган фонд биржасига суд ижрочиси томонидан ёзма сўров бериши орқали аникланади.

Агар суд ижрочиси томонидан рўйхатга олинган қимматли қоғозлар фонд биржасининг расмий листингига киритилмаган ва марказлаштирилган тартибда котировка килиништаган бўлса, суд ижрочиси қимматли қоғозларни баҳолаш учун конун хужжатларида назарда тутилган тартибда мутахассисни жалб этади.

Суд ижрочиси томонидан мол-мулкни ёки мулкий хукукни баҳолаш тўғрисидаги хисобот олинган (чиқарилган) пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ижро иши юритишдаги тарафларга баҳолаш натижалари ҳакида билдиришнома юборилади.

Баҳолаш тўғрисидаги хисоботда кўрсатилган баҳолаш обьектининг қиймати хусусида ижро иши юритишдаги тарафлар ўтказилган баҳолаш тўғрисида ўзлари хабардор килинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай судда низолашиши мумкин.

Ижро харакатларини амалга оширишда суд ижрочиси томонидан хатланган мол-мулкни баҳолашни амалга оширувчи мутахассисларни танлаб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат кўмитаси билан биргалиқда белгиланади»;

**36) 55-модда:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Карздорнинг мол-мулки саклаш учун қарздор ёки суд ижрочиси тайнингланган бошка шахсларга (бундан бўйн матнда сакловчи деб юритилади) мол-мулкни хатлаш далолатномасига имзо кўйдирган холда топширилади. Суд ижрочиси хатланган мол-мулкни саклаш учун қайси сакловчига топширган бўлса, ўша сакловчи суд ижрочисининг ёзма равишдаги розилигисиз бу мол-мулкдан фойдаланиши мумкин эмас. Депозитарийга саклаш учун топширилган қимматли қоғозлар бўйича, шунингдек мол-мулкнинг хоссаларига кўра, ундан фойдаланиши унинг йўқ бўлиб кетишига ёки қиммати пасайишига олиб келган тақдирда, суд ижрочиси бундай розиликни беришга ҳакли эмас. Агар мазкур мол-мулкдан фойдаланиш унинг сакланишини таъминлаш учун зарур бўлса, суд ижрочисининг розилиги талаб этилмайди»;

қуйидаги таҳрирдаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хатланган автомототранспорт воситаси аукцион ўтказилгунига кадар суд ижрочиси томонидан белгиланадиган, унинг асралиши учун тегишли шароитлар таъминланадиган маҳсус ажратилган жойларда (саклаш жойларида, омборларда, ваколатли органлар ва бошка ташкилотларнинг жарима майдонларида) сакланади»;

**учинчи қисми тўртничи қисм** деб хисоблансин;

**37) 56-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Карздорнинг хатланган мол-мулкни реализация қилиш, агар конун хужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, хатлаш асослари ва мол-мулк турларидан қатъи назар, хатланган кундан эътиборан иккى ой ичида уни сотиши орқали амалга оширилади, конунга мувофиқ муомаладан чиқарилган мол-мулк бундан мустасно.

Карздорнинг мол-мулкни реализация қилиш шартнома-воситачилик асосларida ёхуд қимошди савдосида амалга оширилади, ушбу модданинг учинчи қисмida кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Автомототранспорт воситалари, кўчмас мулк, шу жумладан ер участкаси, қурилиши тугалланмаган обьектлар, кўчмас мулкни узок муддатли ижарага олиш хукуклари, ер участкасига бўлган мулкий хукуклар, интеллектуал фаолият натижалари ва шахсийлаштириш воситаларига ако эттирувчи воситаларга бўлган мулкий хукукларни реализация қилиш конун хужжатларида белгиланган тартибда маҳсус ажратилган майдончаларда биржалар томонидан ўтказиладиган очик аукцион шаклидаги қимошди савдосида амалга оширилади.

Савдо ташкилотларини ва биржаларни танлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов асосида амалга оширилади.

Агар реализация қилиш учун аукцион шаклидаги қимошди савдосига кўйилган мол-мулк аукцион шаклидаги қимошди савдоси амалга ошмаган деб топилиши муносабати билан реализация қилинмаса, ушбу Конун 63-моддаси саккизинчи қисмининг учинчи хатбошисида кўрсатилган асосига кўра қимошди савдосининг амалга ошмаган деб топилиши бундан мустасно, мазкур мол-мулк суд ижрочиси томонидан қуйидаги тартибда арzonлаштирилиши керак:

давлат солиқ хизмати органи ва молия органи вакиллари иштирокида мол-мулк нархининг 10 фоизидан ошмаган микдорда — давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи ижро хужжатлари бўйича;

мол-мулк қўйматининг 10 фоизи микдорида — бошка ижро хужжатлари бўйича.

Савдо ташкилотларига реализация қилиш учун топширилган мол-мулк хам, агар у савдо ташкилотларига реализация қилиш учун топширилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида реализация қилинмаган бўлса, арzonлаштирилиши лозим. Бунда арzonлаштириш ушбу модданинг бешинчи қисмida белгиланган тартибда ва микдорда амалга оширилади.

Мол-мулк арzonлаштирилганда суд ижрочиси белгиланган тартибда далолатнома тузади, шундан сўнг арzonлаштирилган мол-мулк такрорий аукцион шаклидаги қимошди савдоларида ёки савдо ташкилотларига такроран реализация қилиш учун кўйилади. Бунда арzonлаштирилган мол-мулк бўйича такрорий аукцион шаклидаги қимошди савдолари ўтказилиши тўғрисидаги хабар у ўтказилишидан камидан ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситаларida берилади. Гаровга кўйилган мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро хужжатлари бўйича мазкур мол-мулкни реализация қилишда, шунингдек ушбу Конун 63-моддасининг саккизинчи қисми учинчи хатбошисида кўрсатилган асосига кўра дастлабки қимошди савдолари амалга ошмаган деб эълон қилинганда мол-мулк арzonлаштирилмайди ва биринчи баҳолангандар нарх бўйича такрорий аукцион шаклидаги қимошди савдоларида ёки савдо ташкилоти томонидан такроран реализация қилишга кўйилади.

Мол-мулк такрорий аукцион шаклидаги қимошди савдоларида реализация қилинмаган ёки такроран реализация қилиш учун савдо ташкилотларига топширилган бошка мол-мулк ўттиз кун мобайнида реализация қилинмаган тақдирда, у ушбу модданинг бешинчи қисмiga мувофиқ арzonлаштирилган нархда ундириувчи тақлиф қилинади, давлат даромадига ижро хужжатлари бўйича ундириш қартилган мол-мулк эса ушбу моддада белгиланган тартибда яна арzonлаштирилиши ва реализация қилишга кўйилши лозим. Гаровга кўйилган мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро хужжатлари бўйича ушбу мол-мулкни реализация қилинмаса, суд ижрочиси гаровга олувчига мол-мулкни такрорий аукцион шаклидаги қимошди савдоларида ёки савдо ташкилотларининг такрорий реализация қилинишдаги бошлангич сотиши нархидан 10 фоизга камайтирилган суммада ўзида колдиришни тақлиф килади.

Қимматли қоғозлар қимматли қоғозларнинг биржа бозорларида ва уюшган биржадан ташқари бозорларида реализация қилиниши керак. Улар суд ижрочиси билан тузилган шартнома асосида фаолият юритувчи инвестиция воситачиси — брокер томонидан қимошди савдосига кўйилади. Қимматли қоғозлар арzonлаштирилмайди ва иккى ой мобайнида бир неча марта қимошди савдосига кўйилади. Қимматли қоғозлар мазкур муддатда реализация қилинмаган тақдирда, суд ижрочиси ундириувчи ушбу қимматли қоғозларни уларни брокер томонидан қимошди савдосига

кўйилган охирги кимошди савдоси кунининг охирги кимошди савдоси соатидаги ўртача нархида ўзида қолдиришни таклиф этади.

Суд ижрочисининг реализация қилинмаган мол-мulkни ўзида қолдириш ҳакидаги ушбу модданинг саккизинчи тўккисинчи қисмларида назарда тутилган таклифи суд ижрочиси томонидан тегишли мол-мulk реализация қилинмаганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ундирувчига юборилиши лозим. Бир навбатдаги талаблар бўйича бир неча ундирувчи бўлган тақдирда, таклифлар суд ижрочиси томонидан Суд департаменти органларига ижро хужжатларининг келиб тушиши навбатига кўра ундирувчиларга юборилади. Агар мол-мulkning суд ижрочиси томонидан тақлиф қилинган баҳоси ижро хужжати бўйича ундирувчига тўланиши лозим бўлган суммадан ортиқ бўлса, ундирувчи реализация қилинмаган мол-мulkни ўзида қолдиришга тегишли фаркни бир вактнинг ўзида Суд департаменти органининг депозит хисобварагига тўлаган (ўтказган) тақдирда ҳакли, бу ҳакда таклифда кўрсатиб ўтилади. Ундирувчи реализация қилинмаган мол-мulkни ўзида қолдириш тўғрисидаги карори ҳакида суд ижрочисини таклифни олган кундан эътиборан беш кун ичida ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ундирувчи мол-мulkни ўзида қолдиришдан воз кечган тақдирда ёхуд бу ҳақдаги ўз карорини белгиланган муддатда ёзма шаклда тақдим этмаса, мол-мulk ижро харажатлари, шу жумладан мол-мulkни олиб кўйиш, баҳолаш ва реализация қилиш бўйича қилинган харажатлар ундирилган ҳолда қарздорга қайтарилади. Ундирувчи — гаровга олувчи реализация қилинмаган гаровга кўйилган мол-мulkни ўзида қолдиришдан воз кечганда ёхуд белгиланган муддатда ўз карорини ёзма шаклда тақдим этмаганда, ижро иши юритиш ижро хужжатини ундирувчига қайtarish билан тамомланади, реализация қилинмаган бошқа мол-мulk бўйича ижро иши юритиш эса қарздорга ундирувга қартилиши мумкин бўлган ўзга мол-мulk бўлмаса, ижро хужжатини ундирувчига қайtarish билан тамомланади.

Олиб қўйилган ва реализация қилинмаган мол-мulk қарзор қарзини ва суд ижрочиси мол-мulkни олиб кўйиш, баҳолаш ва реализация қилиш билан боғлик ҳолда килган харажатларининг ўрни тўлиқ қопланганлигини тасдиқловчи хужжатларни ундирувни амалга ошираётган суд ижрочисига тақдим этган тақдирда хам қарздорга қайтарилади.

Реализация қилинган мол-мulkни мол-мulkning баҳоси тўлиқ тўлангунига кадар ҳаридорларга бериб юбориш, шунингдек тўловни кечикириши (бўлиб-бўлиб тўлаш) шарти билан реализация қилиш савдо ташкилотларига ва суд ижрочиларига тақиқланади.

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мulkни реализация қилиш хусусиятлари, шунингдек кўчмас мулкни узоқ муддатга ижарага олиш хукукларини, қарздорнинг ер участкаларига, интеллектуал фаолият натижаларига ва шахсийлаштириш воситаларига бўлган мулкий хукукларни реализация қилиш тартиби ушбу Конун талаблари хисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади»;

38) **57-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро хужжатида кўрсатилган ашёлар ундирувчига топширилган тақдирда суд ижрочиси бу ашёларни қарздордан олиб кўяди ва топшириш далолатномасини тузиб, уларни ундирувчига топширади.

Олиб берилиши лозим бўлган ашёлар йўқотилганилиги ёки ундирувчи уларни олишдан бош тортганлиги ёхуд хозир бўлиш ҳакида бир неча бор тақлиф қилинишига қарамасдан унинг ашёларни олиш учун келмаганилиги сабабли ижро этишининг имкони бўлмаган тақдирда, ашёлар қарздорга қайтарилади, ижро иши юритиш эса ундирувчига ижро хужжатини қайтариш билан тамомланади.

Ижро хужжатида кўрсатилган хужжатсиз қимматли қоғозлар ундирувчига топширилган тақдирда суд ижрочиси мазкур қимматли қоғозларга бўлган хукукларни хисобга олувчи шахс томонидан қарздорнинг хисобидан чиқарилиши ва уларни ундирувчининг хисобига ўтказилиши тўғрисида қарор чиқаради»;

39) **58-мода:**

**биринчи қисми «кузиш»** деган сўздан кейин **«ижро йигими»** деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** қўйидаги таҳriрda баён этилсин:

«Ижро йигими суммалари, шунингдек ижро харажатларининг ўрнини қоплаш учун мўлжалланган суммалар суд ижрочиларининг депозит хисобварагига ўтказилиб, сўнgra ижро харажатларининг ўрни ушбу сумма хисобидан копланади»;

40) **60-модданинг матни** қўйидаги таҳriрda баён этилсин:

«Қарздор юридик шахснинг мол-мulkни хатлаш ва реализация қилиш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

биринчи навбатда — ишлаб чиқаришда бевосита катнашмайдиган кўчар мол-мulkка (қимматли қоғозларга, қарздорнинг депозит ва бошқа хисобваракларидаги пул маблағларига, валюта қимматликлари, ёнгил автотранспорт, офислар дизайни ашёлари, тайёр маҳсулот (товарлар), қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларга, улардан тайёрланган буюмларга, шунингдек бундай буюмлар парчаларига ва бошқаларга) нисбатан;

иккинчи навбатда — товарларни ишлаб чиқаришда, ишларни бажаришда ва хизматлар кўрсатишида бевосита ғойдаланимайдиган мулкий хукукларга, шунингдек ишлаб чиқаришда бевосита катнашмайдиган ва бевосита катнашишига мўлжалланмаган бошқа моддий қимматликларга нисбатан;

учинчи навбатда — товарлар ишлаб чиқаришда, ишларни бажаришда ёки хизматлар кўрсатишида бевосита катнашмайдиган мулкий хукукларга, кўчмас мулк объектларига, шунингдек хом ашё ва материаллар, дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқаришда бевосита катнашишига мўлжалланган бошқа асосий воситаларга нисбатан.

Ушбу модда биринчи қисмининг коидалари қарздор жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолияти муносабати билан суд ёки бошқа орган томонидан берилган ижро хужжатидаги талаблар ижро этилган тақдирда, ундирувни белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган қарздор жисмоний шахснинг мол-мulkига қартишида хам кўлланилади»;

41) **61-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

42) **62-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** қўйидаги таҳriрda баён этилсин:

«Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатиш ишини юритишни очиши тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси олинганда, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органдан қарздорнинг ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисида хабарнома олинганда суд ижрочиси ижро иши юритишни тамомлайди, бундан мулк хукукини эътироф этиш тўғрисидаги, маънавий зиёни компенсация қилиш ҳакидаги, мол-мulkни ўзга шахснинг қонунисиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги, асоссиз ортирилган бойликни қайtarish тўғрисидаги, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини кўллаш ҳакидаги ижро иши юритишлар мустасно. Ижро иши юритишни тугатиш билан бир вактда суд ижрочиси ижро иши юритиш давомида қарздорнинг мол-мulkига ўзи кўйган хатловларни ва ушбу мол-мulkни тасарруf қилишга доир бошқа чекловларни олиб ташлади.

Ижро иши юритишни ташомланган ижро хужжатлари суд ижрочисининг ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси билан биргаликда ижро иши юритишни тамомланган кундан эътиборан уч иш

куни ичиди тутатувчига юборилади. Суд ижрочиси ижро хужжати тутатувчига юборилганлиги ҳакида ундирувчига маълум килади»;

43) **63-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«63-модда. Аукцион шаклидаги кимошди савдоларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларнинг асосий шартлари**

Мол-мулк ва мулкий ҳукукларнинг айрим турларини реализация қилиш бўйича аукцион шаклидаги кимошди савдолари биржалар томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

Тегишли биржа билан тузилган шартнома ва (ёки) кимошди савдосига кўйиладиган мол-мулкнинг ёки мулкий ҳукукларнинг дастлабки (бошлангич) баҳоси кўрсатилган буортма аукцион шаклидаги кимошди савдосини ўтказиш учун асос бўлади.

Буортмага қўйидагилар илова килинади:

ижро хужжатининг кўчирма нусхаси;

суд ижрочиси тузган мол-мулкни ёки мулкий ҳукуқни хатлаш далолатномасининг кўчирма нусхаси ёхуд суд ижрочисининг уларни хатлаш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси;

мол-мулкни тавсифловчи хужжатлар, шу жумладан баҳолаш тўғрисидаги хulosанинг, автомототранспорт воситасини ёки кўчмас мулкни кўздан кечириш далолатномасининг кўчирма нусхалари;

мол-мулкка эгалик ҳукукини ва мол-мулкка бўлган бошқа ашёвий ҳукуқни тасдиқловчи хужжатларнинг кўчирма нусхалари.

Кўчмас мулкни узок муддатли ижарага олиш ҳукукини сотишида суд ижрочиси ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган хужжатларга кўшимча равиша қўйидагиларни илова килади:

ижара шартномасининг кўчирма нусхаси;

ижара шартномасини рўйхатдан ўтказганилик тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси;

ижараага берувчининг ундирувни узок муддатли ижарага ҳукукига каратишга розилигини тасдиқловчи хужжат ёки агар ижарага ҳукуки ижарага олувчи томонидан аукцион шаклидаги кимошди савдоси натижасида олинган бўлса, узок муддатли ижарага ҳукукини ижарага берувчининг розилигисиз ўтказиш имконини берувчи хужжат.

Курилиши тугалланмаган обьектни сотишида суд ижрочиси ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган хужжатларга кўшимча равиша қўйидагиларни илова килади:

ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси;

тегиши давлат органининг курилиш учун руҳсатномасининг кўчирма нусхаси.

Ер участкасини ва ер участкасига бўлган мулкий ҳукукларни сотишида суд ижрочиси ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган хужжатларга кўшимча равиша ер участкасига бўлган ҳукуқни тасдиқловчи хужжатларнинг ва ер участкаси чизмасининг кўчирма нусхаларни илова килади.

Аукцион шаклидаги кимошди савдолари нархнинг ошиб бориши тамойили асосида ўтказилади.

Қўйидаги холларда аукцион шаклидаги кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилади, агар:

аукционнинг иккитадан кам ҳаридор келса;

аукционнинг иштирокчиларидан биронтаси мол-мулкни ёхуд мулкий ҳукуқни эълон қилинган дастлабки нарҳда сотиб олиши истагини билдириласа;

аукцион голиби аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани имзолашдан бош тортса ёки реализация қилинган мол-мулкнинг ёхуд мулкий ҳукукнинг кийматини белгиланган муддатда тўлиқ тўламаса»;

44) **64-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ундирув қўйидаги холларда қарздорнинг иш ҳақига ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларга каратилади:

даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги қарорларни ижро этишида;

энг кам иш ҳакининг икки бараваридан кўп бўлмаган микдордаги, шу жумладан йигма ижро иши юритишига бирлаштирилган ижро хужжатлари бўйича ушбу микдордаги пул суммасини ундиришида;

ундирилаётган суммаларни тўлиқ узиш учун қарздорнинг мол-мулки бўлмагандан ёки унинг мол-мулки етарли бўлмаганда.

Қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки ўзга шахслар ундирувчидан ёхуд суд ижрочисидан ижро хужжатини олган кундан эътиборан қарздор жисмоний шахснинг иш ҳақи ва бошқа даромадларидан пул маблағларини ижро хужжатидаги талабларга мувофиқ ушлаб колиши шарт.

Қарздорга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс ушлаб колинган пул маблағларини ундирувчига тўлов амалга оширилган кундан эътиборан уч кун ичиди тўлаши ёки ўтказиши шарт. Пул маблағларини тўлаш ва ўтказиши қарздор хисобидан амалга оширилади.

Қарздор билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда, у ўқишини битирганда (бошқа жойга ўтказилганда), пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойидан кеттганда, қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс бу ҳақда дархол суд ижрочисига хабар бериши ва амалга оширилган ундирувлар тўғрисида белги кўйилган ижро хужжатини унга қайтариши шарт.

Қарздор жисмоний шахс янги иш, ўқиши жойи, пенсия ва бошқа даромадлар олиш жойи тўғрисида дархол суд ижрочисига ва ундирувчига хабар бериши шарт.

Қарздорга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс ижро хужжатларнинг ўз вактида ва тўғри ижро этилишини, уларнинг хисобини ва сакланишини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилотлар ёки ўзга шахслар томонидан ижро хужжатларининг ижро этилиши коидаларига мувофиқ ҳолда таъминлайди.

Суд ижрочиси қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс томонидан ижро хужжати талаблари бажарилиши устидан назоратни амалга оширади, шу жумладан ижро хужжати бўйича пул маблағларининг тўғри ушлаб қолиниши ва ўз вактида ўтказилиши, уларнинг сакланишига ва хисоби олинишига доир белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ундирувчининг аризасига кўра ёки ўз ташабуси билан текшириш ўтказади. Бундай текшириш ўтказиша қарздор жисмоний шахсга иш ҳақи ёки бошқа унга тенглаштирилган тўловларни тўлаётган ташкилот ёки ўзга шахс тегишли бухгалтерия хужжатларини ва бошқа хужжатларни суд ижрочисига тақдим этиши шарт»;

45) **69-модда:**

қўйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«хизмат сафари, бошқа жойга ишга ўтказилганлиги, қабул қилинганлиги ёки юборилганлиги муносабати билан тўланадиган суммаларга»;

**ўн биринчи хатбошиси ўн иккинчи хатбоши** деб хисоблансин;

46) **71-модданинг иккинчи кисми** кўйидаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи кисмлар** билан алмаштирилсин:

«Суд ижрохиси ижро хужжатининг ўзи белгилаган муддатда ихтиёрий равишда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Карздор ижро хужжатининг талабларини суд ижрохиси томонидан белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган тақдирда, суд ижрохиси карздорга нисбатан маъмурӣ жазо кўллади, суд хужжатини бажаришдан бўйин товлаган тақдирда эса уни жиноий жавобгарлик тўғрисида ёзма шаклда огохлантиради. Қарздор шундан сўнг ҳам ижро хужжатини ижро этишдан бўйин товлаган тақдирда, суд ижрохиси қонунда белгиланган тартибда уни жиноий жавобгарлика тортиш чораларини кўради»;

47) **73-модда:**

**бешинчи кисмидаги иккинчи ва учинчи жумлалар** чикариб ташлансин;

кўйидаги мазмундаги **олтинчи ва еттинчи кисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар қарздор уйдан кўчирилган кундан эътиборан олти ой ичидаги мазкур мол-мулкни олиб кетмаса, суд ижрохиси карздорни ёзма шаклда огохлантирганидан сўнг мазкур мол-мулкни ушбу Қонунда белгиланган тартибда реализация қилишга топширади.

Қарздорнинг мол-мулкни реализация қилишдан тушган ва ижро йигими, суд ижрохиси томонидан қарздорга солинган жарималар ва ижро харажатларининг ўрни копланганидан кейин ортиб қолган пул маблағлари қарздорга кайтарилади. Қарздор томонидан талаф килиб олинмаган пул маблағлари Суд департamenti органининг депозит хисобваригида уч юйл мобайнида сакланади. Мазкур пул маблағлари ушбу муддат ўтганидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади»;

**олтинчи кисми саккизинчи кисм** деб хисоблансин;

48) кўйидаги мазмундаги **73<sup>1</sup>** ва **73<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«73<sup>1</sup>-модда. Иморатни бузуб ташлаш тўғрисидаги ижро хужжатини ижро этиш**

Карздорнинг иморатни мажбурий бузуб ташлаш холислар иштирокида ва ички ишлар органларининг ходимлари кўмагида суд ижрохиси томонидан амалга оширилади.

Суд ижрохиси иморатни мажбурий бузуб ташлаш куни ва вакти ҳакида қарздорни хабардор килади. Иморатни мажбурий бузуб ташлаш куни ва вакти ҳакида хабардор қилинган қарздорнинг келмаганилиги ижро хужжатини ижро этишга тўсқинлик қилмайди.

**73<sup>2</sup>-модда. Ер участкасини олиб қўйиш ва ўтказиш тўғрисидаги ижро хужжатини ижро этиш**

Карздордан ер участкасини мажбурий олиб қўйиш ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри органи мутахассиси албатта иштирок этган холда амалга оширилади.

Суд ижрохиси ер участкасини мажбурий олиб қўйиш куни ва вакти ҳакида қарздорни хабардор килади. Ер участкасини мажбурий олиб қўйиш куни ва вакти ҳакида хабардор қилинган қарздорнинг келмаганилиги ижро хужжатини ижро этишга тўсқинлик қилмайди.

Ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги ижро хужжатининг ижроси ер участкаси суд ижрохисининг далолатномаси асосида ундирувчига ўтказилган пайтдан эътиборан тамомланган хисобланади.

Агар ундирувчининг ер участкасига бўлган тегишли ҳукуки рўйхатга олинмаган бўлса, суд ижрохиси ўз қарори билан ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри органига ундирувчининг ижро хужжатида кўрсатилган ер участкасига бўлган ҳукукини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбуриятини юклайди. Бунда ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги ижро хужжатининг ижроси ундирувчининг ер участкасига бўлган ҳукуки давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тамомланган хисобланади»;

49) **74-модданинг учинчи кисмидаги «ушбу Қонуннинг 82-моддасида»** деган сўзлар «конунда» деган сўз билан алмаштирилсин;

50) **76-модданинг учинчи кисми** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро харакатлари тамомланганда бўнак бадали (ушбу Қонуннинг 77-моддасига мувофиқ харажатларининг қарздор хисобидан амалга оширилган кисми) ундирувчига тўлиқ кайtariladi, ушбу Қонун 40-моддасининг олтинчи кисмida назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

51) **77-модданинг иккинчи кисми** кўйидаги таҳriрda баён этилсин:

«Ушбу Қонун 40-моддасининг олтинчи кисмида назарда тутилган ҳолларда ижро хужжатини ижро этиш учун қилинган харажатлар ундирувчидан ундирилади. Кўрсатилган ҳолларда харажатларни ундириш суд ижрохисининг қарори асосида амалга оширилади»;

52) кўйидаги мазмундаги **77<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«77<sup>1</sup>-модда. Ижро йигими**

Суд ижрохиси томонидан ижро хужжатларини мажбурий ижро этиш бўйича харажатлар амалга оширилганлиги учун карздордан ижро йигими ундирилади.

Суд ижрохисининг ижро йигимини ундириш тўғрисидаги қарор мазкур қарор қайси ижро иши юритиш юзасидан чиқарилган бўлса, ўша ижро ишига кўйилади ва алоҳида ижро иши юритишни кўзгатмасдан ижро этилади.

Ижро йигимининг миқдори ва ундирилиши тартиби конун хужжатларидаги белгиланади»;

53) **78-модда биринчи кисмининг иккинчи жумласи** «каноатлантириш» деган сўздан кейин «ва қарздордан ундирилган пул суммасига мутаносиб равишда ижро йигимини коплаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

54) **80-модда** кўйидаги мазмундаги **еттинчи кисм** билан тўлдирилсин:

«Карздорга бир неча талаблар (ижро хужжатлари) бўйича солинган ижро йигимлари ушбу модданинг биринчи — олтинчи кисмларида белгиланган тегишли талабни каноатлантириш учун мўлжалланган кетма-кетликка мувофиқ ундирилади. Бунда қарздорга номулкий ҳусусиятдаги ижро хужжатлари бўйича солинган ижро йигимлари, шунингдек қонунда белгиланган муддатда реализация қилинмаган мол-мулк мулкий ҳусусиятдаги ижро хужжатлари бўйича ундирувчига ўтказилган ҳолларда биринчи навбатдаги талабларга тенглаштирилади»;

55) **81-моддадаги «суд** деган сўз «хўжалик суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

56) **82-модда** кўйидаги таҳriрda баён этилсин:

**«82-модда.****Ижро хужжатини ижро этмаганлик ва унинг ижросига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик**

Ижро хужжатини ижро этмаганлик, шунингдек унинг ижросига тўсқинлик қилганлик конунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади»;

**57) 83-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Ўрга маҳсус (юридик) ёки олий (юридик) маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фукароси суд ижрочиси бўлиши мумкин. Коида тариқасида, олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фукароси катта суд ижрочиси бўлиши мумкин.

Суд ижрочиси лавозимига тайинлаш учун кадрларни танлаб олиш танлов асосида амалга оширилади. Катта суд ижрочилари ва суд ижрочиларини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Суд департаменти директори билан келишилган холда Суд департаментининг худудий бошкармаси бошлиги томонидан амалга оширилади.

Суд ижрочиси ҳокимият вакили ҳисобланади ва хизмат вазифаларини бажараётганда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган намунадаги формали кийим-бош кияди.

Суд ижрочиларига конун хужжатларida белгилangan тартибида адлия органлари ходимларининг мансаб даражалари берилади.

Суд департаментининг директори лавозимига кўра Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, худудий бошкармаларнинг бошликлари тегишинча Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош суд ижрочисидир. Суд департаментининг суд карорларини ижро этиши бошкармаси бошлиги ва худудий бошкармаларнинг суд карорларини ижро этиши бўлимлари бошликлари лавозимига кўра тегишинча бош суд ижрочиларининг ўринбосарларидир.

Суд департаментининг суд карорларини ижро этиши бошкармаси ва худудий бошкармаларнинг суд карорларини ижро этиши бўлимлари ходимлари суд ижрочилари макомига эга бўлади»;

**58) қўйидаги мазмундаги 83<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилсин:****«83<sup>1</sup>-модда.****Бош суд ижрочиларининг ва улар ўринбосарларининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош суд ижрочилари, шунингдек уларнинг ўринбосарлари:

қўйи турувчи суд ижрочиларидан ижро иши юритиш материалларини, хужжатлар ва ижро хужжатининг ижро этилиши жараёни тўғрисидаги бошқа маълумотларни текшириш учун талаб қилиб олади;

ижро иши юритиш, шу жумладан у ёки бу ижро ҳаракатларини амалга ошириш бўйича ёзма кўрсатмалар беради;

суд ижрочиларининг ноконуний ва асосиз карорларини бекор қиласди;

суд ижрочиси ижро иши юритиш жараёнида конун хужжатлари бузилишига йўл қўйган тақдирда, уни ижро ҳаракатларини бундан бўён амалга оширишдан четлаштиради;

суд ижрочиларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорларига доир шикоятларни кўриб чиқади.

Конун хужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Бош суд ижрочиси, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош суд ижрочилари, шунингдек уларнинг ўринбосарлари бошқа ваколатларни хам амалга ошириши мумкин»;

**59) 84-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Суд ижрочиси ижро ҳаракатларини амалга ошириша:

давлат органларидан ва бошқа органлардан, ташкилотлардан хамда уларнинг мансабдор шахсларидан зарур хужжатлар ва маълумотлар олиш;

давлат органларига ва бошқа органларга, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек фукароларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ишлаётган қарздорларга нисбатан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг ижро этилишини хамда молиявий хужжатларнинг юритилишини ижро иши юритишга мувофиқ текширувдан ўтказиш;

ижро иши юритишда иштирок этаётган шахсларга муайян ижро ҳаракатларини амалга ошириш масалалари юзасидан топшириклар бериш;

қарздорлар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган, қарздорга қарашли бўлган мол-мулк борлигини тасдиқловчи хужжатли маълумотлар мавжуд бўлганда эса бошқа шахслар эгаллаб турган ёки уларга жойларга ва шу жумладан туар жойларга ва омборларга кириш, зарур бўлган холларда жойлар хамда омборларни мажбуран очиш ва холислар иштирокида кўздан кечириш, ўзга шахсларда қарздорга тегиши бўлган мол-мулк борлигини тасдиқловчи хужжатли маълумотлар мавжуд бўлмагандан эса бундай ҳаракатларни бошқа шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган жойлар ва омборларда суд ажрими асосида амалга ошириш;

конун хужжатларига мувофиқ мол-мулкни хатлаш, хатланган мол-мулкни олиб кўйиш, саклашга топшириш ва реализация қиласди;

қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги хисобваракларида, омонатларида турган ёки саклаш учун кўйилган пул маблаглари хамда ўзга қимматликларини хатлаш;

қарздор ва унинг дебиторларининг хисобваракларига ижро хужжатлари бўйича қарз суммаларни ундириш ҳакида инкассо топширикномаларини қўйиш;

олиб кўйилган мол-мулкни вакътинча саклаш учун давлат мулкидаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан, мулкдорнинг розилиги билан эса, хусусий мулкдаги жойлардан фойдаланиш, бундай мол-мулкни саклаш мажбуриятини тегиши шахслар зиммасига юклаш, ундириувчининг ёки қарздорнинг транспорт воситасидан мол-мулкни ташиш учун харажатларни қарздорнинг хисобига киритган холда фойдаланиш;

ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда асос бўлган ижро хужжатидаги талабларда ноаниклик бўлган тақдирда, ижро хужжатини берган суд ёки бошқа органга уни ижро этиши тартибини тушунтириб беришни сўраб мурожаат этиш;

ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларни чакириш;

ижро йигимларини, суд ижрочиси томонидан солинган жарималарни ва ижро ҳаражатларини ундириш;

карздор жисмоний шахсга, унинг мол-мулкига ёки олиб кўйилиши лозим бўлган болага нисбатан қидирив эълон қиласди;

ижро ҳаракатларини амалга оширишда юзага келган масалалар бўйича, шу жумладан ижро усули ва тартибини ўзгартириш масаласида судга ёки бошқа органга ариза билан мурожаат қиласди;

ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида, зарур холларда, ички ишлар органларининг ходимларига ёрдам сўраб мурожаат қиласди;

ижро хужжатлари талабларини узрсиз сабабларга кўра ихтиёрий равишда бажармаган, суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиши тўғрисидаги қонун хужжатларини бузган қарздорларга нисбатан маъмурй жазо қўллаш, шунингдек суд хужжатларини ижро этишдан бўйин товлаган ёки суд хужжатининг ижро этилишига тўсқинлик килган шахсларни қонунда белгиланган тартибида жиноий жавобгарлика тортиш чораларини кўриш;

ушбу Қонунда белгиланган тартибида мол-мулкни баҳолаш;

мол-мулкни баҳолаш учун мутахассисларни жалб этиш;

карздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишига вақтинча чеклаш белгилаш хукукига эга.

Суд ижрочиси ижро харакатларини амалга оширишда қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин»;

**60) 86-модда:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрира баён этилсин:

«Агар суд ижрочисининг ижро харакатларини амалга оширишда қабул қиладиган қарорлари (ижро иши юритишини кўзгатиш, ижро йигимини ундириш, жарима солиш ва бошқалар) ижро ишини юритишдаги тарафлар ва бошқа шахслар манфаатларига даҳлдор бўлса, суд ижрочиси тегиши қарор чиқаради, у ижро ишига қўшиб қўйилади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд ижрочисининг маъмурй жазо қўллаш тўғрисидаги қарори маъмурй хукукбузарлик ҳакида баённома тузилмаган ҳолда чиқарилади ва алоҳида ижро иши юритиши кўзгатилмасдан ижро этилади»;

**учинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисмидаги** «қарор чиқарилган қундан эътиборан ўн кунлик муддат ичидаги судга» деган сўзлар чиқарип ташлансин;

61) қуйидаги мазмундаги **86<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«86<sup>1</sup>-модда. Суд ижрочисининг қарорлари устидан шикоят берини ва протест келтириши**

Хўжалик суди томонидан берилган ижро хужжати бўйича суд ижрочисининг чиқарган қарори устидан ундирувчи ёки қарздор томонидан ижро хужжатини берган хўжалик судига ёки бўйсунув тартибида юкори турувчи органга, мансабдор шахсга, қарор чиқарилганлиги ҳакида хабар килинган қундан эътиборан ўн кунлик муддатда шикоят берилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмida назарда тузилмаган ҳолларда суд ижрочисининг қарори устидан қарор чиқарилганлиги ҳакида хабар килинган қундан эътиборан ўн кунлик муддатда суд ижрочиси жойлашган ердаги умумий юрисдикция судига ёки бўйсунув тартибида юкори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят берилади.

Суд ижрочисининг қарорига қонунда белгиланган тартибида прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин»;

62) қуйидаги мазмундаги **89<sup>1</sup>** ва **89<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«89<sup>1</sup>-модда. Суд департаментининг фаолиятини ташкил этиши**

Суд департаменти органларининг фаолиятини ташкил этиши, вазифалари ва функциялари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Суд департаменти органларида хизматнинг ўташ, Суд департаменти органлари ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарлика тартиби таҳтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси томонидан белгиланади.

Суд департаменти органлари ижро иши юритиши хужжатларини хисобга олиш ва саклашни қонун хужжатларидан белгиланган талабларга мувофиқ таъминлайди. Ижро иши юритишлардаги ижро хужжатларининг ва бошқа хужжатларнинг олиб қўйилишига факат суд қарори асосида ёки Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибида йўл қўйилади.

Ижро иши юритишларни олиб бориш, шу жумладан уларни шакллантириш, хисобга олиш ва саклаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Суд департаменти Суд департаменти органлари томонидан қўзгатилган ижро иши юритишлири тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базасини юритади.

**89<sup>2</sup>-модда. Ички хавфсизлик инспекцияси**

Суд департаменти тизимида Ички хавфсизлик инспекцияси ташкил этилади, у Суд департаменти органлари ходимлари томонидан гайриконуний харакатлар содир этилишининг олдини олиш бўйича иш олиб боради, хизмат текширувларини ўтказди, Суд департаменти органларини ҳалол ва қасбий тайёргарлика эга бўлган кадрлар билан тўлдириш учун номзодларни ўрганиди, Суд департаменти органлари ходимларини уларнинг фаолиятига ноконуний аралашувлардан, ходимларнинг ва улар оила аъзоларининг шахсий ҳаётни, соглиги ва мол-мулкини тажовузлардан химоя килиш чораларини кўради.

Ички хавфсизлик инспекцияси ўз фаолиятини қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширади»;

63) **90-модда:**

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиши, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан республика бюджети маблағлари» деган сўзлар «Суд департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун хужжатларидан тақиқланмаган бошқа маблағлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд департаменти органлари маҳсус автотранспорт воситалари, шу жумладан Суд департаментига мансублигини англатувчи маҳсус чирокли сигналларга, бўёкларнинг рангли график схемаларига эга бўлган автотранспорт воситалари, шунингдек бошқа маҳсус воситалар билан таъминланади»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансан;

**учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиши, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментида» деган сўзлар чиқарип ташлансин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул килинган «Банкротлик тўғрисида»ги 1054–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул килинган 474–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахбортономаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда) **50-моддасининг иккинчи қисми** кўйидаги мазмундаги **жумла билан тўлдирилсиз:**  
«Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд хужжатининг кўчирма нусхаси суд томонидан дархол карздорнинг турган жойидаги (яшаш жойидаги) суд ижрочисига юборилади».

**11-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон килинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2009 йил 14 январь,  
ЎРК-199-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ  
АВТОМОТОРТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ, УЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ БОШҚА ШАХСГА БЕРИШНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР  
ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 10-сон, 77-модда;  
2008 й., 43-сон, 434-модда)

Автомотранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни ҳамда уларни расмийлаштиришни янада тартибга солиш, автомотранспорт воситалари билан битишувларни содир этишда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқтариботни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига автомотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар ва битишувларни расмийлаштиришнинг белгиланган тартибини таъминлаш, белгиланган қоидаларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

Белгиланган тартиб бузилиши аниқланган тақдирда айбдор мансабдор шахслар жавобгарликка, зарур ҳолларда жиноий жавобгарликкача тортилсин, нотариуслар эса лицензиядан ҳам маҳрум қилинсин.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2. Белгилансинки, 2008 йил 1 декабрдан бошлаб:

нотариуслар томонидан автомотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ишончномаларини, бошқа шахсга бериш (олдисотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента), ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш, лизинг шартномаларини нотариал тасдиқлаш фақат «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва худудий кодга эга бўлган қатъий хисобот бериладиган гербли (маҳсус) бланкаларда амалга оширилади;

нотариал тасдиқланган бошқа шахсга бериш шартномалари рўйхатдан ўтказилиши керак, фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномалар ва ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш, лизинг шартномалари эса Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ДИҲХХ органларида хисобга қўйилиши керак

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 43-сон, 434-модда)

3. Белгилаб қўйилсинки, автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш хуқуқига олдин берилган ишончномалар мазкур қарорга мувофиқ улар амал қилишининг қолган муддатига қайта расмийлаштирилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги кўрсатиб ўтилган ишончномалар 2007 йил 1 январгача давлат божи ундирилмасдан қайта расмийлаштирилишини таъминласинлар.

Ишончномалар қайта расмийлаштириш учун тақдим этилмаган тақдирда 2007 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4. Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ДЙХХХ органлари айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортган ва уларни транспорт воситасини бошқаришдан вақтинча четлатган ҳолда автомобиль эгалари томонидан автомототранспорт воситаларини расмийлаштириш тартибига риоя этилиши устидан тегишли назоратни амалга оширасин.

(4-банднинг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 43-сон, 434-модда)

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

идоравий норматив хужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирасин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Б. Мустафоев ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Б. Матлюбов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 7 март,  
38-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарорига  
ИЛОВА

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни  
расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом**

(илованинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 43-сон, 434-модда)

**НИЗОМ**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1. Ушбу Низом автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ишончномаларини, бошқа шахсга бериш (олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента), ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш, лизинг шартномаларини (кейинги ўринларда «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» деб юритилади) расмийлаштириш тартибини белгилайди.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 43-сон, 434-модда)

2. Мазкур Низомнинг амал қилиши:

юридик шахслар томонидан мазкур юридик шахсларнинг ходимлари га автотранспорт воситаларидан фойдаланишга ишончномалар берилиши ҳоллари га;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида (кейинги ўринларда ДИХХХ деб аталади) рўйхатдан ўтказилмайдиган транспорт воситалари га татбиқ этилмайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3. Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқланиши керак. Автомототранспорт воситаларини:

ихтисослаштирилган савдо корхоналари (автомототранспортни ишлаб чиқарувчи корхоналар, уларнинг вакиллари ва воситачи (дистрибьюторлик) ташкилотлар);

Давлат мулки қўмитаси ва унинг худудий бўлинмалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг худудий бошқармалари суд ижро чилари туман (шаҳар) бўлимлари томонидан сотиш ҳоллари бундан мустасно.

«Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш хуқуқига ишончномалар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари консуллари томонидан ҳам тасдиқланади.

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 43-сон, 434-модда)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4. Ўзбекистон Республикаси худудига бошқа давлатлардан олиб келинган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузиш улар божхона органларида расмийлаштирилгандан ва ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин амалга оширилади.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 43-сон, 434-модда)

5. ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтмаган автомототранспорт воситаларининг бозорларда олди-сотдиси ва айирбошланиши, шунингдек автомототранспорт воситаларини биржалар орқали сотиш тақиқланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

18 ёшга тўлмаган шахсларга автотранспорт воситалари, 16 ёшга тўлмаган шахсларга мототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди, лотерея ва бошқа оммавий ўйинларнинг ютуқлари бўлган, қонунда белгиланган тартибда мерос қилиб олинган автомототранспорт воситалари бундан мустасно.

(5-банднинг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 43-сон, 434-модда)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

6. Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни нотариал тартибда тасдиқлаш мазкур Низомда белгиланган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Нотариат тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа норматив-хуқукий хужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

(6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 43-сон, 434-модда)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7. Нотариуслар томонидан автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш бошқа шахсга бериш тақиқланмаганлиги ва хатлаб қўйилмаганлиги текширилгандан кейин амалга оширилади, тасарруф этиш хуқуқисиз ишончномалар бундан мустасно.

Нотариуслар томонидан бошқа шахсга бериш шартномалари тасдиқлангунга қадар автомототранспорт воситалари автомототранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги ёки битим содир этилган (сотиб оловчининг танловига кўра) жойдаги ДИҲХХ органларида агрегатлар рақамлари рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги юзасидан кўздан кечирилиши керак. Агрегатлар рақамларининг рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги кўздан кечирган мансабдор шахснинг фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, кўздан кечирилган сана кўрсатилган ва мансабдор шахс имзоси қўйилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш хужжатидаги штамп билан тасдиқланади. Штамп 10 кун мобайнида амал қиласди.

Автомототранспорт воситаси кўздан кечирилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

(7-банднинг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 43-сон, 434-модда)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

8. Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган гербли (маҳсус) бланкаларда амалга оширилади. Бунда ишончнома бўйича ишончли шахсга, бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича сотиб оловчига ва ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага оловчига, текин фойдаланиш шартномаси бўйича ссуда оловчига, гаров шартномаси бўйича пул берувчига, лизинг шартномаси бўйича лизинг оловчига берилиши керак бўлган биринчи нусха гербли (маҳсус) бланкада расмийлаштирилади. Агар ишончнома биттадан ортиқ ишончли шахсга берилган тақдирда, у ишончли шахслар сони бўйича гербли (маҳсус) бланкада расмийлаштирилади. Қолган нусхаларда гербли (маҳсус) бланканинг серияси, тартиб рақами ва ҳудудий коди кўрсатилади.

Гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисбот бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Консуллик муассасалари ишончномаларнинг гербли (маҳсус) бланкалари билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъминланади.

(8-банднинг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 43-сон, 434-модда)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

9. Гербли (маҳсус) бланкалардаги ишончномалар ва битимлар нотариал тартибда тасдиқланганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида герб йифими ундирилади.

Герб йиғими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ихтиёрида қолади ва гербли бланкалар тайёрлашга ҳамда бошқа шахсга бериш тақиқланган ва хатлаб қўйилган автомототранспорт воситалари тўғрисидаги электрон маълумотлар банкини яратишга, шунингдек давлат нотариал идораларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли тартибда сарфланади.

Гербли (максус) бланкалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлиб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланади.

(9-банднинг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 43-сон, 434-модда)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

10. Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш шартномалари, шунингдек автотранспорт воситаларини ихтисослаштирилган савдо корхоналари ва кимошди савдолари орқали сотиш шартномаси (баённома) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳакида» 1997 йил 26 майдаги 256-сон қарорига мувофиқ бир вақтнинг ўзида автотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказган ва ҳисобдан чиқарган ҳолда сотиб олувчининг яшаш жойидаги (турган жойидаги) ДИҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Автотранспорт воситаларини 18 ёшга тўлмаган шахсларга, мототранспорт воситаларини 16 ёшга тўлмаган шахсларга истисно тариқасида рўйхатдан ўтказиша рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ушбу шахсларга расмийлаштирилади, гувоҳномага ва автомототранспорт воситаларини рўйхатга олиш карточкасига: «Транспорт воситаси эгаси 18 (16) ёшга тўлгунга қадар васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки уларнинг қонуний вакилларининг (ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларнинг) рухсатисиз автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузиш тақиқланади» ёзуви киритилади.

Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар (ихтисослаштирилган савдо корхоналари ва кимошди савдолари орқали сотиш бўйича бошқа шахсга бериш шартномалари, шартномалар (баённомалар) бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда автомототранспорт воситаси рўйхатга олинган жойидаги ДИҲХХ органларида ҳисобга қўйилиши керак»;

(10-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 43-сон, 434-модда)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

11. Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида ДИҲХХ органларида рўйхатга олиш (ҳисобга қўйиш) учун тақдим этилади.

ДИҲХХ органлари тегишли нотариал идоралардан уларга нисбатан автомототранспорт воситалари билан битимлар тасдиқланган автомототранспорт воситаларига тегишли тезкор маълумотларни олиш йўли билан автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар автомобиль эгалари (ижарага олувчилар ва ишончли шахслар) томонидан ДИҲХХ

органларида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилиши (ҳисобга қўйилиши) бўйича талабларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

Автомототранспорт воситаларини мазкур банд талабларини бузган ҳолда бошқариш қонун хужжатларига мувофиқ ҳайдовчилар транспорт воситасини бошқаришдан вақтинча четлатилган ҳолда уларни маъмурий жавобгарликка тортишга олиб келади.

(11-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 43-сон, 434-модда*)

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан гербли бланкалар бўйича ҳар ойлик ҳисобот юритилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги ийлнинг ҳар чорагида тасдиқланган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар бўйича таққослаш ўтказади.

(12-банднинг иккинчи хатбоши *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 43-сон, 434-модда*)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат нотариал идораларида автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш ва тақиқланганлиги ва хатлаб қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотлар банки (хужжатли) шакллантирилишини таъминлайди. Маълумотлар банкини шакллантирадиган давлат нотариал идоралари рўйхати тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан ДҶХХХ органлари билан биргаликда қўшимча равишда тегишли худуд бўйича бошқа шахсга бериш тақиқланган ва хатлаб қўйилган автомототранспорт воситалари тўғрисидаги электрон маълумотлар банки юритилади.

Автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш тақиқланиши ва тақиқ олиб ташланиши, шунингдек бошқа шахсга бериш тақиқланган ва хатлаб қўйилган автомототранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар банкини шакллантириш *тартиби* бошқа манфаатдор идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда тасдиқланади.

13. Мазкур Низомни бузишда айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда мазкур Низом талабларини тушунтириш ва автомототранспорт воситалари эгалари эътиборига етказиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

15. Мазкур Низом 2006 йил 1 июлдан бошлаб кучга киради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ  
ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАЛАРИ ҲАҚИДА**

«Давлат божи ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Илова қилинаётган давлат божи **ставкалари** тасдиқлансан.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда «Давлат божи ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўллаш бўйича йўриқномага тегишли ўзгартиришлар киритсан;

Давлат божининг бюджет даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушиши устидан тегишли назоратни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 авгуstdаги **359-сон**, «Давлат божи ставкалари ҳақида» 1993 йил 26 апрелдаги **192-сон** (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1993 й., 4-сон, 15-модда) қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 21 сентябрдаги **470-сон** қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 50-сон қарори 7-бандининг **иккинчи-олтинчи** хатбошлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. МУТАЛОВ**

Тошкент ш.,  
1994 йил 3 ноябрь,  
533-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
1994 йил 3 ноябрдаги  
533-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Давлат божи  
СТАВКАЛАРИ**

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

1. Судларга бериладиган даъво аризаларидан, алохида кўриладиган ишлар бўйича ариза (шикоят)лардан, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ишлар бўйича судларга бериладиган шикоятлардан, судларнинг қарорларига кассация ва назорат шикоятларидан, шунингдек, судларнинг ҳужжатлардан нусхалар берганлиги учун:

- а) даъво аризаларидан — даъво баҳоси

энг кам иш ҳақининг:

- 20 бараваригача бўлганда
- 20 дан 40 бараваригача бўлганда
- 40 дан 80 бараваригача бўлганда
- 80 бараваридан кўп бўлганда
- б) давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг жисмоний шахсларнинг ҳақ-хуқуқларини камситувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан қилинган шикоятлардан (суд қарори чиқарилаётган томонидан ундирилади)
- в) никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан тақрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан никоҳ бекор қилинаётганда молмулк бўлинган ҳолда
- г) бедарак йўқолғанлиги ва руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги оқибатида белгиланган тартибда қобилиятызиз деб топилган ёки камида уч йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан
- д) уй-жойларни ижарага олиш шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан, ворисликни қабул қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги, хатга олинган мулкни қайтариб бериш тўғрисидаги ва мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) бошқа даъво аризаларидан
- е) алоҳида кўриладиган ишлар бўйича ариза (шикоят)лардан
- ж) судларнинг қарорларига кассация ва назорат шикоятларидан

даъво баҳосининг 5 фоизи микдорида;

даъво баҳосининг 10 фоизи микдорида;

даъво баҳосининг 15 фоизи микдорида;

даъво баҳосининг 20 фоизи микдорида;

энг кам иш ҳақининг 5 баравари микдорида

энг кам иш ҳақининг 50 фоизи микдорида;

энг кам иш ҳақининг 120 фоизи микдорида;

бож 1-банднинг «а» **кичик бандига** мувофиқ даъво баҳоси бўйича белгиланади;

энг кам иш ҳақининг 2 фоизи микдорида;

энг кам иш ҳақининг 50 фоизи микдорида;

энг кам иш ҳақининг 10 фоизи микдорида;

даво аризаси ёки бошқа аризалар, шикоятлар берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи, мулкий низолар бўйича эса — талашилаётган суммадан ҳисоблаб чиқариладиган

- жиноий иш бўйича фуқаролик даъволаридан
- 3) судларнинг қарорлари, ҳукмлари, ажримлари, судларнинг бошқа қарорларининг дубликатлари ва нусхаларини, шунингдек, томонларнинг ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра судлар томонидан ишлардан бериладиган бошқа хужжатларнинг нусхаларини берганлик учун
- и) ҳакамлик суди қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек ҳакамлик суди қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан
2. Хўжалик судларига бериладиган даъво аризаларидан ва хўжалик судининг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризаларидан:
- а) мулкий тусдаги даъво аризаларидан, даъво баҳос?:
- 1 млн. сўмгача бўлганда
- 1 млн. сўмдан ортиқ 10 млн. сўмгача бўлганда
- 10 млн. сўмдан ортиқ бўлганда
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиширувчиларнинг мулкий тусдаги даъво аризаларидан
- б) мулкка оид бўлмаган тусдаги даъво аризаларидан, шу жумладан, корхоналар ва бирлашмаларнинг юкори турувчи органларининг актларини тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ҳақидаги аризаларидан, шунингдек, жамоа хўжаликларининг, хусусий корхоналар, қўшма корхоналар ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ташкилотлари халқаро бирлашмаларининг мулкка оид бўлмаган даъво аризаларидан
- в) банкротлик тўғрисида иш қўзғатиши ҳақидаги аризалардан
- ставкалар микдорида;
- даъво баҳосининг 10 фоизи микдорида;
- хужжатнинг ҳар бир бети учун энг кам иш ҳақининг 5 фоизи микдорида;
- энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари.
- даъво баҳосининг 3 фоизи микдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган микдорда;
- даъво баҳосининг 2 фоизи микдорида;
- даъво баҳосининг 1 фоизи микдорида;
- даъво баҳосининг 1 фоизи микдорида;
- энг кам иш ҳақининг 10 баравари микдорида;
- энг кам иш ҳақининг 20 баравари микдорида;

- г) хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш вақтида келиб чиқувчи низолар бўйича даъво аризаларидан
- д) хўжалик судларининг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризалардан
- е) хўжалик суди қарорлари, ажримлари ва бошқа қарорларининг дубликатларини ҳамда томонларнинг ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосларига биноан хўжалик судлари томонидан ишлардан бериладиган бошқа хужжатларнинг нусхаларини берганлик учун
- ж) ҳакамлик суди қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек ҳакамлик суди қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан
4. Нотариал идораларнинг ҳамда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг фуқаролар йигини раислари (оқсоқоллари) нотариал ишларни бажарганиклари учун, шунингдек нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини берганлик учун, мазкур органларнинг битишувлар, аризалар лойиҳаларини тузиб берганликлари, хужжатлар ва улардан кўчирмалар тайёрлаб берганликлари учун:
- а) уй-жойлар қуриш учун муддатсиз фойдаланиладиган ер майдонлари берилиши билан боғлиқ бўлган шартномаларни тасдиқлаганлик учун
- б) квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), шу жумладан хусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), дала ҳовлилар, гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларнинг олдисотди, алмаштириш, рента олиш, умрбод таъминлаш шарти билан бошқаларга бериш ва ҳадя қилиш шартномаларини:
- мулқдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) отоналарига, болаларига,
- энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида;
- биринчи инстанцияда кўриб чиқиш учун ариза берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи, мулкий тусдаги низолар бўйича эса— талашилаётган суммадан ҳисоблаб чиқарилган ставкалар миқдорида;
- ҳужжатнинг ҳар бир сахифаси учун энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида;
- энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари.
- энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида
- 1 кв. м. майдон учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида

- набираларига, бувиларига,  
буваларига, туғишиган aka-укалари  
ва опа-сингилларига  
тасдиқлаганлик учун
- бошқа жисмоний ва юридик шахсларга тасдиқлаганлик учун
  - хусусийлаштирилган квартиралар (квартиralарниң бир қисми), уйлар (уйларниң бир қисми) кимошди савдоси орқали сотилганда шартномаларни тасдиқлаганлик учун
  - 1 кв. м. майдон учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида
  - 1 кв. м. майдон учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида
- Изоҳ.** Уй-жойлар (уйларниң бир қисми), квартиралар (квартиralарниң бир қисми) ва дала ҳовлилар учун ставка турар жой майдонидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқлади. Гаражлар, бошқа бинолар, иншиотлар ва иморатлар учун ставка умумий майдондан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқлади.
- в) гаров, кафиллик шартномаларини ва микромолиялаштиришни ҳамда ипотека кредитини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа шартномаларни тасдиқлаганлик учун, ушбу банднинг «<sup>1</sup>» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно
  - шартнома суммасининг 0,1 фоизи миқдорида
  - г) банклар билан қарз олувчиларниң кредит бўйича қарздорликни қарздорнинг ликвидли мол-мулки ҳисобига қайтариш тўғрисидаги ёзма битимларини (шартномаларини) тасдиқлаганлик учун
  - энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида
  - д) баҳоланадиган бошқа шартномаларни тасдиқлаганлик учун ушбу банднинг «<sup>1</sup>» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно
  - шартнома суммасининг 1,0 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг камида 20 фоизи миқдорида
  - е) мулкни бўлиш шартномаларини, кафиллик шартномаларини (ушбу банднинг «<sup>2</sup>» кичик бандида кўрсатилган ҳоллардан ташқари) ва баҳоланмайдиган бошқа битишувларни тасдиқлаганлик учун ушбу банднинг «<sup>1</sup>» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно:
  - жисмоний шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида
  - томонлардан бири юридик шахс бўлган тақдирда — энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида

- ж) никох шартномасини тасдиқлаганлик, унга ўзгаришишлар киритганлик ёки унинг амал қилишини тутатганлик учун
- з) васиятномаларни тасдиқлаганлик учун
- и) меросга эгалик ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома берганлик учун:
- биринчи навбатдаги ворисларга
  - иккинчи навбатдаги ворисларга
  - қолган ворисларга
- энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида
- энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида
- мерос суммасининг 0,1 фоизи миқдорида
- мерос суммасининг 0,5 фоизи миқдорида
- мерос суммасининг 2 фоизи миқдорида
- Изоҳ.** Уй-жойлар (уйларнинг бир қисми), квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), шу жумладан хусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), дала ҳовлилар, гаражлар, бошқа бинолар, иниоотлар ва иморатларга мерос ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома бершида мерос тартибida ўтаётган мерос қилинаётган мол-мулк суммаси меросхўрлик тайинланган кунда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишили кадастр ва кўчмас мулк хизмати томонидан белгиланган баҳолаши маълумотлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.
- к) юридик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида автомототранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож қуийдаги схема бўйича ундирилади, ушбу банднинг «<sup>1</sup>» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно

Транспорт тури	Фойдаланиш муддати		
	3 йилгача бўлганда	3 йилдан ортиқ бўлганда	7 йилдан ортиқ бўлганда
1. Ҳар бир от кучи учун давлат божи ставкаси:			
a) юк ташувчи ва енгил автотранспорт, энг кам шу жумладан, автобуслар, тракторлар, ўзи юрар машиналар учун	энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 7 фоизи миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида
b) чет элда ишлаб чиқарилган автотранспорт учун	энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида
2. Битта мототранспорт, мотоколяска, мотоқайиқлар учун давлат божи ставкалари	энг кам ойлик иш ҳақининг 5	энг кам ойлик иш ҳақининг 3	энг кам ойлик иш ҳақининг 2

фоизи            фоизи            фоизи  
миқдорида    миқдорида    миқдорида

**Изоҳ.** Алмаштириши шартномасини расмийлаштиришида давлат бўжи шу божнинг кўп суммаси олинадиган фақат бир машинадан ундирилади.

*Куйидаги шартномаларни расмийлаштиришида:*

*эр-хотинлар, ота-оналар, болалар ва набиралар, түгиишган ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида автомототранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириши, ҳадя этиши, рента, ижара, бепул фойдаланиши, гаровга қўйши ва лизинг шартномалари расмийлаштирилаётганда божс белгиланган ставканинг 5 фоизи миқдорида ундирилади;*

*банк кредитлари ҳисобига сотиб олинадиган автомототранспорт воситаларининг олди-сотдиси учун божс белгиланган ставканинг 10 фоизи миқдорида ундирилади;*

*йўл-транспорт ҳодисаси натижасида шикастланган автомототранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириши ва ҳадя этиши шартномалари расмийлаштирилаётганда божс миқдори шу транспорт воситалари яроқлилигининг қолдиқ фоизига қараб ўзгартирилади ва унинг миқдори битишув қатнашичиларининг хоҳишига кўра ва давлат нотариусининг топширигига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасаларининг мутахассислари, бундай муассасалар бўлмаган вилоятларда эса — «Ўзавтомеххизмат» акциядорлик жамияти корхоналари томонидан белгиланади.*

к<sup>1</sup>) юридик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида Ватанимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмайдиган енгил автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни, олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш ва лизинг шартномаларини тасдиқлаганлик учун божс бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида ундирилади.

*Изоҳ. Алмаштириши шартномасини, шунингдек бир нечта енгил автотранспорт воситалари билан бөглиқ гаров шартномасини расмийлаштиришида божс шу божнинг кўп суммаси олинадиган фақат бир машинадан ундирилади.*

*Ушибу кичик бандда белгиланган ставка ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йил мобайнида битимлар сонидан қатъи назар, енгил автотранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириши, ҳадя этиши, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиши, гаровга қўйши ва лизинг шартномаларини тасдиқлаша қўлланилади.*

*Мазкур кичик банднинг қоидалари эр-хотинлар, ота-оналар, болалар ва набиралар, ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида автомототранспорт воситаларини олди-сотди, алмаштириши, ҳадя этиши, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиши, гаровга қўйши ва лизинг шартномаларини, шунингдек ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ва уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянларга фойдаланиши ва (ёки) тасарруф этиши ҳуқуқига ишончномаларни тасдиқлаганлик учун қўлланилмайди.*

л) қуйидагиларни тасдиқлаганлик учун, ушбу банднинг к<sup>1</sup>» кичик бандида белгиланган ҳоллар

бундан мустасно:

- ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ва уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опасингиллар, набиралар, жиянларга автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф килиш хуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганлик учун, ушбу банднинг «<sup>л<sup>1</sup></sup>» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно
  - автомототранспорт воситаларидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши хуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганлик учун, ушбу банднинг «<sup>л<sup>1</sup></sup>» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно
  - автомототранспорт воситаларини бошқа шахслар тасарруф этиши хуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганлик учун, ушбу банднинг «<sup>л<sup>1</sup></sup>» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно
  - м) бошқа ишончномаларни тасдиқлаганлик учун
  - н) мерос мулкни муҳофаза қилиш чораларини кўрганлик учун
  - о) ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга қилинган таржимасининг тўғрилигини тасдиқлаганлик учун
  - п) ижро хатлари ёзиг берганлик учун
- энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида
- энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида
- энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида
- энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида
  - энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида
  - ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида
- ундириладиган сумманинг 1 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда
- Изоҳ.** *Лизинг объектининг лизинг берувчи талаби бўйича ижро хатлари ёзиг бершида, лизинг шартномасида белгиланган тўланмаган тўловлар суммасидан лизинг шартномаси муддати тугашигача қолган даврга лизинг берувчи даромадини чегирган ҳолда давлат божси ундирилади.*
- р) ҳужжатларнинг нусхалари ва улардан кўчирмаларнинг тўғрилигини та<sup>?</sup>иқлаганлик учун:  
жисмоний шахслар учун  
юридик шахслар учун  
шу ишларни чет мамлакатда
- ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида
- ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида
- ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш

- бажарғанлық учун ҳақининг 5 фоизи миқдорида
- c) хужжатлардаги ёзувларнинг ҳақиқийлигини, шу жумладан таржимон имзосининг ҳақиқийлигини тасдиқлаганлық учун:
- жисмоний шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида
- юридик шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида
- t) нотариал идораларда мавжуд бўлган хужжатларнинг нусхаларини ва дубликатларини берганлық учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида
- y) банкларда ҳисоб рақамлари очища имзоларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаганлық учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида
- f) юридик ва жисмоний шахсларнинг аризалари бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилганлиги ҳамда бошқа нотариал ишлар бажарилганлиги учун, мазкур банднинг «а» — «у» кичик бандларида назарда тутилганлар бундан мустасно.
- энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида
- Изоҳ.** *Нотариал идоралар биносидан ташқарида бажариладиган нотариал ишлар учун давлат бојси 2 баравар миқдорида ундирилади (озодликдан маҳрум этиши жойларидағи ёки қамоқдаги шахсларнинг ишончномаларини нотариал тасдиқлашдан ташқари), шунингдек ушибу ишларни бажарии учун жойга бории билан боғлиқ амалда сарфланган харажатлар тўланади.*
5. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатдан ўтказганлик, фуқароларга фуқаролик ҳолати далолатномалари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида такрорий гувоҳномалар берганлик, фуқаролик ҳолати далолатномаларига ўзgartиршилар, тузатишлар ва қўшимчалар киритганлик, фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини тиклаганлик, фамилия, исм ва ота исмини ўзgartирганлик учун:
- a) никоҳни қайд этганлик учун энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида;
- b) никоҳнинг бекор қилинганлигини қайд этганлик учун:
- вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотинларнинг ўзаро розилиги бўйича эр-хотинларнинг биридан ёки иккаласидан энг кам иш ҳақининг 150 фоизи миқдорида;
- агар эр-хотин биринчи никоҳда бўлса, суд қарорига асосан энг кам иш ҳақининг 150 дан 300 фоизигача бўлган миқдорда (эр-хотиннинг биридан ёки уларнинг иккаласидан);
- эр-хотиндан бири такрорий никоҳда бўлса, суд қарорига асосан энг кам иш ҳақининг 300 дан 400 фоизигача бўлган миқдорда (эр-хотиннинг биридан ёки уларнинг иккаласидан);

- иккаласидан);
- в) 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқаролар томонидан фамилия, исм, ота исми ўзгартирилганлиги учун 18 ёшдан катта фуқаролар томонидан фамилия, исм, ота исми ўзгартирилганлиги учун
- г) туғилганлик ҳақида, никоҳни қайд этганлик, никоҳни бекор қилганлик тўғрисида, ўлганлик ҳақида ёзувларнинг ўзгартирилганлиги, уларга қўшимчалар киритилганлиги, тузатилганлиги ва қайта тикланганлиги муносабати билан гувоҳномалар берганлик учун
- д) фуқаролик ҳолати актлари қайд этилганлик ҳақида такорий гувоҳномалар берганлик учун
6. Паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат, чет элга кетиш ва чет элдан келиш хукуқини берадиган ҳужжатларни берганлик учун:
- а) Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини берганлик учун
- б) фуқаролиги бўлмаган шахсга, шу жумладан, «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг **Қонуни** кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасига келган ва бирон-бир давлат фуқаролигига мансублигини исботлай ололмаган шахсларга фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини берганлик ёки гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун
- в) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элга кетиш хукуқини берувчи ижозат ёзувини қўйиб берганлик учун
- г) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс миллий паспортига ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатига бир пайтнинг ўзида кетиш ва келиш визаси берганлик учун
- д) кетиш ва келиш хукуқини берувчи илгари берилган ҳужжатларга
- энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;
- энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;
- энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида;
- энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида;
- энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида;
- энг кам ойлик иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида;
- энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;
- энг кам ойлик иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;
- энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида;

бирон-бир ўзгаришиш киритганлик учун (амал қилиш муддатини узайтириш бундан мустасно)

- е) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқароларига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишга оид хужжатлар берганлик учун
- ж) чет эл фуқароларига, шу жумладан, МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шу жумладан, «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг **Қонуни** кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасига келган ва бирон-бир давлат фуқаролигига мансублигини исботлай ололмаган шахсларга яаш учун рухсатнома берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун
- з) чет эл фуқароларига, шу жумладан, МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шу жумладан, «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг **Қонуни** кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасига келган ва бирон-бир давлат фуқаролигига мансублигини исботлай ололмаган шахсларга яаш учун берилган йўқотиб қўйилган рухсатнома ўрнига янгисини берганлик учун
- и) йўқотиб қўйилган паспортлар ва уларнинг ўринини босувчи хужжатлар ёки Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишга оид хужжатлар ўрнига янгисини берганлик учун

#### 7. Бошқа ишларни амалга оширганлик учун:

- а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ёки фуқаролигидан чиқариш

энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида;

энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида;

энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

мазкур банднинг тегишли равишда «а», «б», «е» кичик бандларида кўрсатилган миқдорларда.

энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида;

- тўғрисидаги аризалардан
- б) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рўйхатдан ўтказганлик ва чиқарганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида;
- в) чет эл фуқароларини, шу жумладан, МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шасхларни доимий рўйхатдан ўтказганлик ва чиқарганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида;
- г) ов қилиш хукуқини берувчи рухсатномалар берганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида;
8. Адлия органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказганлик учун:
- хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар — энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари ва 500 АҚШ доллари миқдорида;
- суғурта ва аудиторлик ташкилотлари, биржалар, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан ташкил этиладиган акциядорлик компаниилари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари ва холдинг компаниялари) шаклидаги давлат бошқаруви органлари, бозорлар — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида

(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 октябрдаги 235-сонли қарори асосида 1-банд «и», 2-банд «ж» кичик бандлар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 44-45-сон, 443-модда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ НОТАРИАТ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 42-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; 2006 й., 39-сон, 385-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда)

### I БЎЛИМ. НОТАРИАТ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

#### 1-боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

##### 1-модда. Ўзбекистон Республикасида нотариат

Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатdir.

*Қаранг: мазкур Қонуннинг II бўлими 5-боби.*

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатларни ушбу Қонунга мувофиқ давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширади.

Давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар идораларининг реестрини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юритади.

Нотариуслар бўлмаган аҳоли пунктларида ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган нотариал ҳаракатларни фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) амалга оширади.

Бошқа давлатларнинг ҳудудида нотариал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг ушбу ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахслари амалга оширади.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставининг III бўлими.*

##### 2-модда. Ўзбекистон Республикасида нотариус

Ўзбекистон Республикасида нотариус лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус хузурида камида бир йиллик муддатли стажировкани ўтаб, малака имтиҳонини топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланади. Бу талаб ушбу Қонуннинг 1-моддаси **тўртинчи** ва **бешинчи қисмларида** кўрсатилган мансабдор шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Нотариуснинг олий юридик маълумотли стажёри ва ёрдамчиси бўлиши мумкин.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Тегишли давлат нотариал идорасига стажёр ва ёрдамчини ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан буён матнда адлия бошқармалари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

(2-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги 568-II-сонли Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 18-модда)

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар орасидан стажёрни, шунингдек ёрдамчини мустақил тарзда ишга қабул қилишга ҳақлидир.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77 — 87-моддалари.*

Юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган шахслар учун стажировка муддати тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармасининг қарори билан камайтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда стажировка муддати олти ойдан кам бўлмаслиги керак. Стажировкадан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

*Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳузурида стажировка ўтиш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат № 1638, 08.11.2006 й.).*

Нотариуслар давлат нотариал идорасида ишлашидан ёки хусусий амалиёт билан шуғулланишидан қатъи назар, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда teng ҳуқуқларга ва бир хил мажбуриятларга эгадир. Нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга.

### **3-модда. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия**

Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан малака комиссияларининг қарорлари асосида берилади. Лицензия бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгилаб қўйилади. Лицензия бериш рад этилганлиги устидан судга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармасининг қарори олинган кундан бошлаб бир ой ичida шикоят қилиш мумкин.

*Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериши тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат № 1637, 08.11.2006 й.).*

Лицензия олган, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган фуқаронинг малака имтиҳонини қайта топширганидан кейингина нотариус лавозимида ишлашига йўл қўйилади.

### **4-модда. Малака ва апелляция комиссиялари**

Стажировкадан ўтган ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш тўғрисида белгиланган тартибда ариза берган шахслар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари қошида ташкил этиладиган малака комиссиясига имтиҳон топширадилар.

Малака комиссиясининг қарори устидан шикоятлар ушбу комиссиянинг қарори манфаатдор шахснинг кўлига топширилган кундан бошлаб бир ой ичida Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги апелляция комиссиясига берилади.

Малака комиссиясининг имтиҳонидан ўта олмаган шахслар ушбу комиссия қарори чиққан кундан бошлаб камида бир йилдан сўнг қайта имтиҳон топширишга қўйилади.

Малака ва апелляция комиссиялари тўғрисидаги низомларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасдиқлайди.

#### **5-модда. Нотариуснинг мустақиллиги**

Нотариус ўз фаолиятида мустақил бўлиб, бу фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига амал қиласди.

#### **6-модда. Нотариал ҳаракатларнинг маҳфийлиги**

Нотариуснинг, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг, шунингдек амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ошкор қилиши тақиқланади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар (хужжатлар) бу ҳаракатлар кимнинг номидан ёки кимнинг топшириғи билан амалга оширилган бўлса, ўша шахсларнинг ўзигагина берилиши мумкин.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратуранинг, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда солиқ органига тақдим этилади. Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади.

*Қаранг: мазкур Қонуннинг 18-моддаси еттинчи хатбоиси.*

Амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг маҳфийлигини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 46-моддаси.*

#### **7-модда. Нотариус фаолиятидаги чеклашлар**

Нотариус:

илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари, тадбиркорлик ва бошқа фаолият билан шуғулланишга;

шартномалар тузишда воситачилик хизмати кўрсатишга ҳақли эмас.

#### **8-модда. Давлат нотариал идораси. Нотариусларнинг маҳсус унвонлари**

Давлат нотариал идоралари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан очилади ва тугатилади.

Давлат нотариал идораларида ишлайдиган нотариусларга қонун хужжатларига биноан маҳсус унвонлар — мансаб даражалари берилади.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 ноябрдаги 523-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси адлия идоралари ва давлат нотариати ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низом.*

#### **9-модда. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус**

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус юридик шахсdir. У ўз идорасига эга бўлиш, банкда ҳисоб-китоб вараги ва бошқа ҳисобвараклар очиш, мулкий ҳамда шахсий номулкий ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш, ходимлар билан меҳнат шартномалари тузиш ва уларни тўхтатиш, тушган даромадни

тасарруф этиш, судда ўз номидан қатнашиш ва қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар жамоат бирлашмалари тўғрисидаги **Қонунда** белгиланган тартибда тузиладиган нотариал палатага бирлашишлари мумкин.

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

Нотариус таътилга чиқиш ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларнинг барча турини олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Нотариусга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш, унинг давлат пенсия таъминоти ва жамғарib бориладиган пенсия таъминоти амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунлари.*

(9-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-8-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚҲТ, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда)

#### **10-модда. Нотариал иш юритиш ва ҳисобдорлик**

Нотариуслар нотариал ишларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасдиқлайдиган қоидаларга мувофиқ юритадилар.

Давлат нотариал идораларининг нотариуслари, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар белгиланган бухгалтерлик ва статистика ҳисоботларини юритадилар, молия ва солик органларига бюджетга тўланадиган соликларни ҳисоблаш ва уларни тўлаш билан боғлик маълумотларни ҳамда бошқа хужжатларни тақдим этадилар.

#### **11-модда. Нотариал ҳаракатлар амалга ошириладиган тил**

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади.

*Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида давлат тили бўлиб ўзбек тили ҳисобланади.*

Расмийлаштирилган хужжат матни фуқароларнинг талабига биноан нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи шахс томонидан рус тилида ёки имкон бўлса, бошқа мақбул тилда берилади.

#### **12-модда. Нотариуснинг муҳри, штамплари, иш қоғозлари**

Нотариус Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби акс эттирилган, нотариус исми-шарифининг бош ҳарфлари, фамилияси, лавозими ва жойлашган манзили ёки давлат нотариал идорасининг номи кўрсатилган шахсий муҳри, тасдиқловчи ёзувлар битилган штамплари, шахсий иш қоғозлари ёки давлат нотариал идорасининг иш қоғозларига эга бўлади.

#### **13-модда. Нотариусларнинг касбий мажбуриятларини бажариши устидан назорат**

Нотариусларнинг ўз касбий мажбуриятларини бажариши устидан назоратни Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари амалга оширади.

#### **2-боб. НОТАРИАЛ ИДОРАЛАР ТАРМОГИ, НОТАРИУС ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ВА ЛАВОЗИМДАН ОЗОД ЭТИШ**

#### **14-модда. Давлат нотариал идоралари тармоғи ва штатлари**

#### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикасида давлат нотариал идоралари тармоғи, уларнинг штатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

(14-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелдаги 482-II-сонли Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 5-сон, 67-модда)

Икки нафар ва ундан ортиқ нотариус ишлайдиган давлат нотариал идораларида нотариуслардан бири катта давлат нотариуси этиб тайинланади ва унинг зиммасига ушбу нотариал идоранинг маъмурий-ташкилий ишларини назорат қилиш вазифаси юклатилади.

**15-модда. Нотариус лавозимини таъсис этиши ва тугатиш тартиби.  
Нотариус ваколатларини бериш ва уларни бекор қилиш**

Нотариус лавозими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъсис этилади ва тугатилади.

Нотариал округдаги нотариуслар лавозимининг сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Нотариусга муайян худудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг топшириғига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки тегишли адлия бошқармаси томонидан лицензияси бўлган шахслар орасидан танлов асосида амалга оширилади. Танлов ўтказиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилайди.

Давлат нотариал идорасида ишлаётган нотариус билан меҳнат шартномасини бекор қилиш меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 97—113-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз хоҳиши билан зиммасидаги ваколатларни соқит қиласи ёки унинг ваколатлари қўйидаги ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг, адлия бошқармасининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори, шунингдек суднинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқукларидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори асосида бекор қилинади:

(15-модданинг бешинчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 175-II-сонли Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 23-модда)

қасдан жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган тақдирда — ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг;

қонунда белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланган ёки муомала лаёқатига эга эмас деб топилган тақдирда;

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 291 — 297-моддалари.*

қонун хужжатларини бузган, носоғлиги туфайли (тиббий хулоса бўлса) касбий мажбуриятларини бажаришининг имконияти бўлмаган тақдирда ва қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда лицензия берган органнинг илтимосномасига биноан.

Нотариуснинг ваколатлари бекор қилинган тақдирда, тегишли адлия органи унда сақланаётган хужжатларни бошқа нотариусга топшириш тўғрисида қарор чиқаради.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Лицензиянинг бекор қилиниши нотариуснинг ўз касбий мажбуриятларини бажаришдаги ҳаракатларини ноқонуний деб топишга сабаб

бўлмайди, унинг айрим ҳаракатларини белгиланган тартибда ноқонуний деб топиш ҳоллари бундан мустасно.

(15-модда Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелдаги 482-II-сонли Қонунга мувофиқ еттинчи қисм билан тўлдирилган — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 5-сон, 67-модда)

#### **16-модда. Нотариуснинг фаолият кўрсатиш худуди (нотариал округ)**

Нотариуснинг фаолият кўрсатиш худуди (нотариал округ) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бўлинишига мувофиқ белгиланади. Туманларга бўлинган шаҳарларда тегишли шаҳарнинг бутун худуди нотариал хизмат кўрсатиш худуди ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки тегишли адлия бошқармаси содир этилиш жойи қонун хужжатларида белгиланган нотариал ҳаракатларни бажариш юзасидан нотариус ўз вазифаларини амалга оширишга ҳақли бўлган худудни белгилаб беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармаси аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, нотариуснинг ваколатлари амал қиласиган худудни ўзгартириши мумкин. Кўрсатилган худуд доирасида нотариуснинг ўз иш жойи бўлиши шарт.

Ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун хоҳлаган нотариусга мурожаат қилишга ҳақлидир, ушбу Қонуннинг 37, 44, 51, 52, 59, 62, 63, 74, 82 ва 93-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Нотариуснинг нотариал ҳаракатни белгиланган фаолият худудидан ташқарида амалга ошириши бу ҳаракатни ҳақиқий эмас, деб топишга асос бўлмайди.

Нотариус мавжуд бўлмаган ҳудуддаги васият қилувчи оғир касал бўлган ҳолларда васиятномани тасдиқлаш учун нотариус ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудуддан ташқарига чиқишга ҳақлидир.

#### **3-боб. НОТАРИУСНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ**

##### **17-модда. Нотариуснинг ҳуқуқлари**

Нотариус қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига мурожаат қилган барча шахслар учун ушбу Қонунда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, нотариал ҳаракатни амалга ошириш жойи қонун хужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно;

битим ва аризаларнинг лойиҳаларини тузиш, хужжатларнинг нусхаларини ва улардан кўчирмаларни тайёрлаш, шунингдек нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилишига доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш;

жисмоний ва юридик шахслардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган хужжатларни талаб қилиб олиш.

##### **18-модда. Нотариуснинг мажбуриятлари**

Нотариус:

жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши;

томонлар тақдим этган битимлар лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириши, ушбу битимлар мазмuni томонларнинг асл

мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текшириши;

юридик жиҳатдан бехабарлик жисмоний ва юридик шахслар зарагиға фойдаланимаслиги учун амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида уларни огохлантириши;

қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиши;

нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонунчилик бузилганлигини аниқлаган тақдирда, зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ёки прокурорга бу ҳақда хабар қилиши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда мерос ёки ҳадя тартибида ўтаётган мол-мулқдан ундириладиган солиқни ҳисоблаб чиқиш учун фуқароларнинг мулкига айланаётган мол-мулкнинг қиймати тўғрисида солиқ органига маълумотнома бериши шарт.

### **19-модда. Нотариуснинг жавобгарлиги**

Давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус қонун ҳужжатларига зид хатти-ҳаракатлар содир этса, шунингдек ушбу Қонун 18-моддасининг **еттинчи хат боисида** назарда тутилган ахборотни солиқ органларига тақдим этмаса, белгиланган тартибида жавобгар бўлади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус амалга оширилган нотариал ҳаракат ҳақидаги маълумотларни қасдан ошкор қилган бўлса ёки қонун ҳужжатларига зид бўлган нотариал ҳаракатларни амалга оширган бўлса, бунинг оқибатида етказилган зиённи суд қарорига биноан қоплаши шарт.

### **20-модда. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус фаолиятини суғурта қилиш**

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз фаолиятини суғурта қилиш тўғрисида шартнома тузиши шарт. Нотариус суғурта шартномасини тузмасдан ўз мажбуриятларини бажаришга ҳақли эмас.

Суғурта суммаси белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробаридан кам бўлмаслиги керак.

### **4-боб. НОТАРИУСЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ**

#### **21-модда. Нотариал ҳаракатлар ва нотариуслар томонидан кўрсатилган бошқа хизматлар учун ҳақ тўлаш**

Давлат нотариал идорасида ишловчи нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик ҳамда ҳужжатлардан нусха (дубликат) берганлик учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича давлат божи ундиради.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари.*

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ушбу модданинг **биринчи қисмида** назарда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида нотариал шаклда бўлиши мажбурий қилиб қўйилган ҳаракатларни бажарганлик учун худди шу ҳаракатларни давлат нотариал идораларида бажарганлик учун олиниши назарда тутилган давлат божи миқдорларига мувофиқ тарифлар бўйича ҳақ ундиради.

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ **кодексида** жисмоний ва юридик шахслар учун назарда тутилган имтиёзлар давлат нотариал идораларида

ишловчи нотариуслар ҳам, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳам нотариал ҳаракатларни бажаргандарида, хужжатлар лойиҳаларини тузганларида, хужжатларнинг нусхаларини берганларида ва бошқа техник ишларни бажаргандарида мазкур шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

(21-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 28 декабрдаги ЎРҚ-138-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 52-сон, 533-модда)

Нотариус нотариал ҳаракатни бажариш учун ўз иш жойидан ташқарига чиққанида манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар унинг амалдаги транспорт харажатларини қопладилар.

Нотариусга мурожаат қилган жисмоний ва (ёки) юридик шахслар билан нотариус ўртасидаги келишувга мувофиқ нотариуслар томонидан хуқуқий ва техник тусдаги қўшимча хизматлар кўрсатилганлиги учун ҳақ ундирилиши мумкин.

## **22-модда. Нотариал фаолиятни маблағ билан таъминлаш**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат нотариал идоралари қонун хужжатларида белгиланган тартибда маблағ билан таъминланади.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 январдаги 4-сон «Нотариат фаолиятини маблағ билан таъминлашини тақомиллаштиришига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва «Давлат нотариал идоралари фаолиятини молиялаштириши тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат № 1214, 01.02.2003 й.).*

(22-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелдаги 482-II-сонли Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 5-сон, 67-модда)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик ҳамда хуқуқий ва техник тусдаги хизматлар кўрсатганлик учун олган пул маблағлари, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа молиявий тушумлари унинг фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбаи ҳисобланади. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус томонидан олинган пул маблағлари давлат бюджетига солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан ва қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ажратмалар ўтказиб бўлингандан кейин нотариуснинг мулкига ўтади.

(22-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелдаги 482-II-сонли Қонуни таҳририда — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 5-сон, 67-модда)

Депозит ҳисобварақларда турган пул маблағлари хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг даромади ҳисобланмайди.

## **П БЎЛИМ. НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИ**

### **5-боб. НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР**

#### **23-модда. Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар амалга оширадиган нотариал ҳаракатлар**

Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар қўйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

1) битимларни тасдиқлайди;

2) васиятномаларни тасдиқлайди;

3) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;

- 4) мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қилади;
- 5) меросга бўлган ҳуқук тўғрисида гувоҳнома беради;
- 6) мерос мол-мулкнинг кўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
- 7) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;
- 8) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилингандигини шаҳодатлайди;
- 9) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
- 10) кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;
- 11) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 12) фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 13) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
- 14) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
- 15) жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади;
- 16) пул суммалари ва қимматли қофозларни депозитга қабул қилиб олади;
- 17) ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;
- 18) пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмагандигини тасдиқлайди;
- 19) ижро хатларини ёзади;
- 20) векселларнинг протестларини амалга оширади;
- 21) денгиз протестларини амалга оширади;
- 22) нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради.

Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### **24-модда. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар**

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ушбу Қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга оширади, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқук тўғрисида гувоҳнома бериш ва мерос мол-мулкни кўриқлаш чора-тадбирларини кўриш бундан мустасно.

#### **25-модда. Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар**

Аҳоли пунктида нотариус мавжуд бўлмаган тақдирда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) куйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

- 1) васиятномаларни тасдиқлайди;
- 2) ишончномаларни тасдиқлайди, автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;
- 3) мерос мол-мулкнинг кўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
- 4) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди, маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхалари бундан мустасно;

5) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йигинларининг раислари (оқсоқоллари) қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**26-модда. Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномалар**

Қуйидагилар нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилади:

касалхоналарда, госпиталларда, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаётган фуқароларнинг ушбу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош шифокорлари, уларнинг тиббиёт бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи шифокорлари, шунингдек госпиталларнинг бошликлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ва бош шифокорлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи остида сузуб юрган кемаларда сафарда бўлган фуқароларнинг шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

кидирув экспедицияларида ёки шунга ўхшаш бошқа экспедициялarda бўлган фуқароларнинг шу экспедициялар бошликлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар жойлашган, нотариуслар бўлмаган пунктларда эса, шу қисмларда ишловчи ҳарбий хизматчи бўлмаган шахсларнинг, улар оила аъзоларининг ҳамда ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари ва ишончномалари, автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

озодликдан маҳрум этиш жойларидағи ёки қамоқдаги шахсларнинг тегишли муассасалар бошликлари томонидан тасдиқланган васиятномалари ва ишончномалари, автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно.

*(26-моддаси биринчи қисмининг бешинчи ва олтинчи ҳатбошилари Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 27 сентябрдаги ЎРҚ-56-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚҲТ, 2006 й., 39-сон, 385-модда)*

Васиятномалар ва ишончномаларни ушбу моддада айтиб ўтилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилаб қўядиган тартибда амалга оширилади.

**27-модда. Мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномаларни давлат нотариал идорасига бериш**

Ушбу Қонуннинг **26-моддасида** санаб ўтилган мансабдор шахслар ўзлари тасдиқлаган васиятномаларнинг биттадан нусхасини васият қилувчи доимий яшайдиган жойдаги давлат нотариал идорасига сақлаш учун кечиктирмай юборишлари шарт.

Агар васият қилувчининг Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлмаса ёки унинг яшаш жойи номаълум бўлса, васиятнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилайдиган давлат нотариал идорасига юборилади.

Давлат нотариуси сақлаш учун келиб тушган васиятномани текшириб кўриши ва унинг қонунга номувофиқлиги аниқланган тақдирда, бу хусусда

васият қилувчига ва васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахсга маълум қилиши шарт.

### **28-модда. Консуллар томонидан амалга ошириладиган нотариал харакатлар**

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари куйидаги нотариал харакатларни амалга оширади:

- 1) битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва ҳоказоларни) тасдиқлайди, Ўзбекистон Республикасидаги уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно;
- 2) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 3) фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 4) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
- 5) хужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
- 6) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
- 7) меросга бўлган хуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради;
- 8) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк хукуки хақида гувоҳномалар беради;
- 9) хужжатларнинг нусхалари ва хужжатлардан олинган қўчирмалар тўғрилигини шаҳодатлайди;
- 10) хужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
- 11) хужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилингандигини шаҳодатлайди;
- 12) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;
- 13) саклаш учун хужжатларни қабул қилиб олади;
- 14) ижро хатларини ёзади;
- 15) дengiz protestlарини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал харакатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

*Қаранг: Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставининг III бўлими X боби.*

### **29-модда. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби**

Нотариусларнинг, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш хуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахсларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби ушбу Қонун ва бошқа қонун хужжатлари билан белгилаб қўйилади.

## **6-боб. НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИ**

### **30-модда. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жойи**

Нотариал ҳаракатлар нотариал идора ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бинода амалга оширилади.

Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра давлат нотариал идорасига, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус хузурига бора олмайдиган айrim ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда амалга оширилиши мумкин.

Қонун хужжатларида нотариал ҳаракатлар нотариал идораларнинг ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг биноларидан ташқарида амалга ошириладиган бошқа ҳоллар ҳам назарда тутилиши мумкин.

### **31-модда. Нотариал ҳаракатни амалга ошириш ва тўхтатиб туриш муддатлари**

Нотариал ҳаракатлар ҳақ тўланганидан сўнг зарур бўлган барча хужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш ёки хужжатларни экспертизага юбориш зарур бўлганида кечикирилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, башарти қонунга биноан манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатларни амалга оширишга эътиroz борйўқлигини сўраш зарур бўлганда, кечикирилиши мумкин. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечикириш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг талабига кўра унга нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечикириш ҳақидаги қарор берилади.

Манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган хуқуқ ёки факт устида даъволашиб учун судга мурожаат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўпин билан ўн кун муддатга кечикирилиши мумкин. Агар бу муддат ичida ариза тушганлиги ҳақида суддан маълумот олинмаса, нотариал ҳаракат амалга оширилиши лозим.

Бир манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган хуқуқ ёки факт устида даъволашаётган бошқа манфаатдор шахсдан ариза тушганлиги тўғрисида суддан маълумот олинган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга ошириш мазкур иш судда ҳал бўлгунига қадар тўхтатиб турилади.

Қонун хужжатларида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни кечикириш ва тўхтатиб туришнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.

### **32-модда. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган кишининг шахсини аниқлаш**

Нотариуслар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахслар нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган кишиларнинг шахсини аниқлайди.

Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган кишининг шахси унинг шахсига нисбатан ҳар қандай шубҳаларни истисно этадиган паспорти ёки бошқа хужжатларига асосан аниқланиши керак.

### **33-модда. Битимларда иштирок этаётган фуқароларнинг муомала лаёқатини ва юридик шахсларнинг хуқуқ лаёқатини текшириш**

Битимлар тасдиқлаб берилаётганида уларда иштирок этаётган фуқароларнинг муомала лаёқати белгиланган тартибда аниқланади ва юридик шахсларнинг хуқуқ лаёқати текширилади. Битим вакил томонидан тузилган тақдирда унинг ваколати ҳам текширилади.

### **34-модда. Нотариал тасдиқланадиган битимлар, шунингдек аризалар ва бошқа хужжатларни имзолаш тартиби**

Нотариал тасдиқланадиган битимлар, шунингдек аризалар ва бошқа хужжатлар нотариус иштирокида имзоланади.

Агар фуқаро жисмоний нуқсони, касаллиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битим, ариза ёки бошқа хужжатни ўз қўли билан имзолай олмаса, битим, ариза ёки бошқа хужжатни унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигига бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг хужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ёзиб қўйилиши лозим.

Башарти нотариал идоранинг йиғмажилларида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг ваколатлари текширилганлиги ҳақида маълумотлар, имзоларининг шахсан мурожаат қилинган вақтда олинган намунаси бўлса ва уларнинг имзолари ҳақиқийлигига шубҳа туғилмайдиган бўлса, нотариус бу мансабдор шахсларнинг ўзлари келишини талаб қилмаслиги мумкин.

### **35-модда. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун тақдим этиладиган хужжатларга қўйиладиган талаблар**

Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун қириб ўчирилган ёки қўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган хужжатларни, шунингдек қаламда ёзилган хужжатларни қабул қилмайди.

Нотариал тасдиқланадиган битимларнинг матни аниқ ва равshan ёзилган бўлиши керак, хужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар ҳеч бўлмаганда бир марта сўз билан, юридик шахсларнинг номлари эса — улар органларининг манзилларини кўрсатган ҳолда қисқартиришларсиз ёзилиши лозим. Фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми тўлиқ ёзилиб, яшаш жойи кўрсатилган бўлиши керак.

Бир варакдан ортиқ бўлган хужжат ип ўтказиб тикилган, вараклари ракамланган ва муҳр босиб тасдиқланган бўлиши керак.

### **36-модда. Тасдиқловчи ёзувларни ёзиш ва гувоҳномалар бериш**

Битимларни тасдиқлашда, хужжатлар нусхаларининг ва хужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини, хужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини, хужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга қилинган таржимаси тўғрилигини тасдиқлашда, хужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлашда тегишли хужжатларга тасдиқловчи ёзувлар ёзилади.

Меросга бўлган хуқуқ, мулк хуқуқи тасдиқланганда, фуқаронинг тирик эканлиги ва муайян жойда эканлиги фактлари, фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлиги тасдиқланганда, сақлаш учун хужжатлар қабул қилиб олинганида тегишли гувоҳномалар берилади.

### **37-модда. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш хуқуқини чеклашлар**

Нотариуслар ўз номига ва ўз номидан, хотини (эри) номига ҳамда унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг қариндош-уруглари (ота-онаси, болалари, набиралари, туғишган ака-ука ва опа-сингиллари), улар билан васийлик ва хомийлик тифайли боғланган шахслар номига ҳамда уларнинг номидан, шунингдек мазкур давлат нотариал идорасининг ходимлари ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг кўлида ишловчи шахслар номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

### **38-модда. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш**

Нотариус қўйидаги ҳолларда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этади, агар:

- бундай ҳаракатни амалга ошириш қонунга зид бўлса;
- бу ҳаракат бошқа нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса;
- муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган бўлса;
- юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;
- битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;

нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш ҳақида нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахснинг илтимосига биноан рад этиш сабабини ёзма равища баён этиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

**39-модда. Нотариал ҳаракат устидан, нотариал ҳаракатни кечиктириш ёки уни амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш**

Амалга оширилган нотариал ҳаракатни, нотариал ҳаракатни кечиктириш ёки нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарорни нотўғри деб хисоблаган манфаатдор шахс бу хусусда давлат нотариал идораси ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус турган жойдаги судга шикоят қилишга ҳақлиdir.

**40-модда. Нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш**

Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар реестрда рўйхатга олинади. Ҳар бир нотариал ҳаракат алоҳида тартиб рақами билан рўйхатга олинади.

Нотариуслар ушбу Қонун 6-моддасининг [иккинчи](#) ва [учинчи қисмларида](#) кўрсатилган жисмоний ёки юридик шахсларнинг ёзма аризасига биноан нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрларидан кўчирмалар беради.

**41-модда. Нотариал ҳаракатларни, нотариал гувоҳномаларни, тасдиқловчи ёзувларни рўйхатга олиш реестрларининг шакллари**

Нотариал ҳаракатларни, нотариал гувоҳномаларни, битимлар ва тасдиқланувчи ҳужжатлардаги тасдиқловчи ёзувларни рўйхатга олиш реестрларининг шакллари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

**42-модда. Нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини бериш**

Нотариус томонидан тасдиқланган ёки берилган, нусхалари нотариал идоранинг йиғмажилдларида сакланаётган ҳужжатлар йўқолган тақдирда номидан ёхуд топшириғига биноан нотариал ҳаракатлар бажарилган жисмоний ва юридик шахсларнинг ёки улар қонуний вакилларининг ёзма аризасига кўра йўқолган ҳужжатларнинг дубликатлари берилади.

Дубликатларни бериш ушбу Қонуннинг [6](#) ва [40-моддалари](#) талабларига риоя этган ҳолда бажарилади.

**7-боб. БИТИМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ**

**43-модда. Нотариал тартибда тасдиқланадиган битимлар**

Нотариуслар қонун ҳужжатларига биноан нотариал шаклда тасдиқланиши мажбурий қилиб қўйилган битимларни тасдиқлайди. Томонларнинг хоҳишига кўра нотариус бошқа битимларни ҳам тасдиқлаши мумкин.

*Каранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 110-моддаси.*

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

**44-модда. Рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш**

Рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар бошқа шахсга ўтказилаётган ёки гаровга қўйилаётган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилган тақдирдагина тасдиқланиши мумкин. Бунда мол-мулкнинг бошқа шахсга ўтказувчига ёки гаровга қўювчига тегишлилиги ҳамда бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги текширилади. Тақиқ мавжуд бўлган ҳолларда кўрсатилган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим фақат кредитор билан олувчи шахс қарзни олувчининг хисобига ўтказишга рози бўлган тақдирда тасдиқланиши мумкин.

Уй-жойни (уй-жойнинг бир қисмини), квартира, дала ҳовли, боғ ҳовли, гаражни, шунингдек бошқа бино, иншоот ёки иморатни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар шу мол-мулк жойлашган ҳудудда тасдиқланади.

*Ўзбекистон Республикасида гаров билан боғлиқ муносабатлар «Гаров тўғрисида»ги Конун билан тартибга солинади.*

*(44-модда Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелдаги 482-Н-сонли Конуни таҳририда— Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 5-сон, 67-модда)*

#### **45-модда. Васиятномаларни тасдиқлаш**

Нотариуслар муомалага лаёқатли фуқароларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган ва уларнинг ўзлари нотариусга шахсан тақдим этган васиятномаларини тасдиқлайди. Васиятномаларни вакиллар орқали тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Васиятномани тасдиқлаб беришда васият қилувчидан унинг васият қилинаётган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш талаб қилинмайди.

#### **46-модда. Васиятномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби**

Нотариуслар, васиятномани бекор қилиш тўғрисида ариза олинган тақдирда, шунингдек васиятномани бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи янги васиятнома олинган тақдирда васиятноманинг нотариусда сакланаётган нусхасига ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрига бу хусусда белги қўяди. Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризага қўйилган имзо нотариал шаҳодатланиши лозим.

#### **47-модда. Ишончномаларни тасдиқлаш**

Нотариуслар бир ёки бир неча шахс номидан бир ёки бир неча шахс номига ёзилган ишончномаларни тасдиқлайди.

Ўз ваколатини бошқа шахсга ишониб топшириш тартибида берилган ишончнома шундай ишониб топшириш ҳуқуқи кўрсатиб қўйилган асосий ишончнома тақдим этилганидан кейин ёки асосий ишончнома бўйича вакил ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун вазият тақозоси билан шундай иш тутишга мажбур бўлганлиги ҳақида далиллар тақдим этганидан кейин нотариал тасдиқланиши керак. Ўз ваколатини бошқа шахсга ишониб топшириш тартибида берилган ишончнома асосий ишончнома бўйича берилганидан кўпроқ ҳуқуқни қамраб олмаслиги керак. Ўз ваколатини бошқа шахсга ишониб топшириш тартибида берилган ишончноманинг амал қилиш муддати бу ишончномани беришга асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

*Кўшимча маълумот учун қаранг: Автоматизироштади тасарруф этиши ва уларни бошқарни ҳуқуқини берувчи ишончномаларни расмийлаштириши бўйича кўрсатма (рўйхат № 929, 31.05.2000 й.).*

#### **48-модда. Битим мазмуни баён этилган ҳужжат нусхаларининг сони**

Нотариал тартибда тасдиқланадиган битим мазмуни баён этилган хужжат нусхаларининг сони нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахслар томонидан белгиланади, лекин у битимда қатнашувчи томонлар микдоридан ошиб кетмаслиги керак. Бироқ васиятномалар ва мол-мулкни гаровга қўйиш, туар жойни ва бошқа кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар нотариусга камида икки нусхада тақдим этилади, улардан биттаси нотариал идоранинг йиғмажилларида қолади.

**8-боб. МЕРОС МОЛ-МУЛКНИНГ ҚЎРИҚЛАНИШИГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҚЎРИШ, МЕРОСГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМАЛАР БЕРИШ**

**49-модда. Меросхўрларни мерос очилганлиги ҳақида хабардор қилиш**

Нотариус мерос очилганлиги ҳақидаги хабарни олгач, бу ҳақда туар жойи ва иш жойи ўзига маълум бўлган меросхўрларни хабардор қилиши шарт.

Нотариус бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ошкора маълум қилиш ёки хабар бериш йўли билан ҳам меросхўрларни чақириши мумкин.

**50-модда. Меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги аризаларни қабул қилиш**

Мерос очилган жойдаги нотариус қонун хужжатларига мувофиқ меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги аризаларни қабул қиласди. Меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги аризалар ёзма равища берилиши керак.

**51-модда. Мерос қолдирувчининг кредиторларидан даъволарни қабул қилиш**

Мерос очилган жойдаги нотариус қонун хужжатларига мувофиқ мерос қолдирувчининг кредиторларидан даъволарни қабул қиласди. Даъволар ёзма равища баён этилиши шарт.

**52-модда. Мерос мол-мулкни қўриқлаш**

Мерос очилган жойдаги нотариус, башарти меросхўрларнинг, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларнинг, кредиторлар ёки давлатнинг манфаатлари учун зарур бўлса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарига кўра ёки ўз ташаббуси билан мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради.

**53-модда. Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар қўриш тўғрисида топшириқ бериш**

Агар мерос қолдирувчининг мол-мулки ёки унинг бир қисми мерос очилган жойдан ташқарида бўлса, мерос очилган жойдаги нотариус бу ҳақда мерос мол-мулк жойлашган ердаги нотариусга ёки нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғинининг раисига (оқсоқолига) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар қўриш тўғрисида топшириқ юборади.

Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўрган нотариус ёки фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) мерос очилган жойдаги нотариал идорага қўрилган чора-тадбирлар ҳақида хабар қиласди ва мерос мол-мулк рўйхатининг нусхасини юборади.

**54-модда. Мерос мол-мулкни рўйхатга олиш ва уни сақлаш учун топшириш**

Мерос мол-мулкнинг қўриқланиши учун нотариуслар бу мол-мулкни рўйхатга олади ва мол-мулкни сақлаш учун меросхўрларга ёки бошқа шахсларга топширади.

Мерос таркибида бошқариши талаб этадиган мол-мулк бўлса, шунингдек мерос қолдирувчининг кредиторлари меросхўрлар меросни қабул қилиб олгунга қадар даъво қўзгатган ҳолларда нотариус мерос бошқарувчисини тайинлайди. Давлат нотариал идораси бўлмаган жойларда фуқароларнинг тегишли ўзини ўзи бошқариш органи юқорида кўрсатилган ҳолларда мерос мол-мулк устидан мерос бошқарувчисини тайинлайди.

Мерос бошқарувчилари ва мерос мол-мулк сақлаш учун топширилган бошқа шахслар мерос мол-мулкни талон-торож қилганлик, бошқа шахсга берганлик ёки яширганлик учун ва меросхўрларга зарар етказганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади.

#### **55-модда. Мерос мол-мулкни сақлаганлик учун тақдирлаш**

Мерос бошқарувчилари ва мерос мол-мулк сақлаш учун топширилган бошқа шахслар, агар меросхўр бўлмасалар, мерос мол-мулкни сақлаганлик учун меросхўрлардан ҳақ олишга ҳақлидир. Кўрсатиб ўтилган шахсларнинг мерос мол-мулкни сақлаш ва бошқариш учун қилган зарур харажатлари ҳам қопланади, бунда мол-мулкдан фойдаланиш ҳисобига амалда олинган фойда чегириб ташланади.

#### **56-модда. Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирларни тўхтатиш**

Мерос мол-мулкни қўриқлаш меросхўрлар томонидан мерос қабул қилиб олингунга қадар, агар мерос улар томонидан қабул қилиб олинмаган бўлса, қонунда белгилаб қўйилган меросни қабул қилиб олиш муддати ўтгунга қадар давом этади.

Мерос очилган жойдаги нотариус мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар тўхтатилиши ҳақида меросхўрларни, агар мол-мулк ворислик ҳуқуқи бўйича давлатга ўтса, тегишли давлат органини олдиндан хабардор қилиши шарт.

#### **57-модда. Мерос мол-мулк ҳисобидан харажатларни тўлаш**

Нотариус меросхўрлар томонидан мерос қабул қилиб олингунига қадар, агар мерос қабул қилиб олинмаган бўлса, давлатга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилгунига қадар мерос мол-мулк ҳисобидан:

мерос қолдирувчи касал бўлган вақт мобайнида унга қараб туриш, шунингдек вафот этган тақдирда уни дафн этиш ва қабрини обод қилиш;

мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган фуқароларни таъминлаш;

иш ҳақи бўйича даъволарни ва уларга тенглаштирилган даъволарни қаноатлантириш;

мерос мол-мулкни қўриқлаш ва уни бошқариш, шунингдек меросхўрларни чакириш ҳақидаги хабарни эълон қилиш билан боғлик харажатларни тўлаш тўғрисида фармойиш беради.

Қонунларда мерос мол-мулк ҳисобидан харажатларни қоплашнинг бошқа ҳоллари ҳам белгиланиши мумкин.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1155-моддаси.*

#### **58-модда. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш жойи ва муддатлари**

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрларнинг ёзма аризаларига кўра меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради.

Гувоҳномалар қонун хужжатларида белгиланган муддатларда берилади.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1146-моддаси.*

## **59-модда. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш тартиби**

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома меросни қабул қилиб олган меросхўрларга қонун ҳужжатларига мувофиқ берилади.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1146-моддаси.*

Меросни қабул қилиб олиш муддатини ўтказиб юборган меросхўрлар меросни қабул қилиб олган бошқа барча меросхўрларнинг розилиги билан меросни қабул қилиб олган меросхўрлар қаторига киритилиши мумкин. Бу розилик меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилгунига қадар ёзма равища билдирилиши керак.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома барча меросхўрларга биргаликда ёки уларнинг хоҳишига боғлиқ равища ҳар бирига алоҳида берилиши мумкин.

Нотариуслар вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз меросхўрларнинг мулкий манфаатларини муҳофаза қилиш учун уларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилганини ҳақида меросхўрлар яшаётган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар қилади.

Мол-мulk ворислик ҳуқуки бўйича давлатга ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтган тақдирда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома тегишли давлат органига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига берилади.

## **60-модда. Конун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришнинг шартлари**

Нотариус қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чоғида тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жой ва вақтни, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб ариза топширган шахсларнинг мерос қолдирувчи билан қонун бўйича ворисликка чақириш учун асос бўладиган муносабатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини, мерос мол-мulkнинг таркиби ва жойини текшириб кўради.

Агар конун бўйича меросхўрларнинг бири ёки бир нечаси ворисликка чақиришга асос бўладиган муносабатлар мавжудлигини исботлайдиган ҳужжатларни тақдим этиш имкониятига эга бўлмаса, улар меросни қабул қилиб олган ва тегишли исботларни тақдим этган бошқа барча меросхўрларнинг ёзма розилиги билан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага киритилиши мумкин.

## **61-модда. Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш шартлари**

Нотариус васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чоғида тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, васиятноманинг бор-йўқлигини, мерос очилган вақт ва жойни, мерос мол-мulkнинг таркиби ва жойини текширади.

Нотариус меросдан шак-шубҳасиз улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини ҳам аниқлайди.

*Мерос билан боғлиқ муносабатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг V бўлими билан ҳам тартибга солинади.*

## **9-боб. ЭР-ХОТИННИНГ УМУМИЙ МОЛ-МУЛКИДАГИ УЛУШГА БЎЛГАН МУЛК ҲУҚУКИ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМАЛАР БЕРИШ.**

## **МОЛ-МУЛКНИ БОШҚА ШАХСГА ЎТКАЗИШНИ ТАҚИҚЛАБ ҚЎЙИШ ВА ТАҚИҚНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

**62-модда.** Эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуки тўғрисида гувоҳномалар бериш

Нотариус эр-хотиннинг ёзма аризасига мувофиқ улардан бирига ёки ҳар иккисига никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуки тўғрисида гувоҳнома беради.

Уй-жойга (уй-жойнинг бир қисмига), квартирага, дала ҳовлига, боғ ҳовлига, гаражга, шунингдек бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларга бўлган мулк ҳуқуки тўғрисида гувоҳнома шу мол-мулклар жойлашган ердаги нотариус томонидан берилади.

**63-модда.** Мархум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) аризасига кўра умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуки тўғрисида гувоҳнома бериш

Эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуки тўғрисидаги гувоҳнома мархум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) ёзма аризасига кўра мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилиб, меросни қабул қилиб олган меросхўрлар бу хусусда хабардор қилинади.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуки тўғрисидаги гувоҳнома мархум эрдан (хотиндан) кейин хотинга (эрга) никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкнинг ярмиси учун берилиши мумкин.

Меросни қабул қилиб олган меросхўрларнинг ёзма аризасига кўра ва мархум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) розилиги билан мулк ҳуқуки тўғрисидаги гувоҳномада вафот этган эрнинг (хотиннинг) ҳам умумий мол-мулкдаги улуси белгиланиши мумкин.

**64-модда.** Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиши  
ва тақиқни бекор қилиши

Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиши ва тақиқни бекор қилиши қонунларда белгиланган шартларда ва тартибда амалга оширилади.

*Каранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 249 ва 254-моддалари ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 290 ва 295-моддалари.*

**10-боб. ҲУЖЖАТЛАР НУСХАЛАРИНИНГ ВА ҲУЖЖАТЛАРДАН  
ОЛИНГАН КЎЧИРМАЛАРНИНГ ТЎҒРИЛИГИНИ, ИМЗОНИНГ  
ҲАҚИҚИЙЛИГИНИ ВА ТАРЖИМАНИНГ ТЎҒРИЛИГИНИ  
ШАҲОДАТЛАШ**

**65-модда.** Ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган  
кўчирмаларни тўғрилигини шаҳодатлаш

Нотариуслар жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларни тўғрилигини ушбу ҳужжатлар қонунга зид бўлмаган, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳамда уларнинг нусхалари ва улардан олинган кўчирмаларни тўғрилигини шаҳодатлаш қонун билан тақиқланмаган ҳолдагина шаҳодатлайди.

Кўчирма олинаётган ҳужжатда ўзаро боғлиқ бўлмаган бир нечта алоҳида масалаларга оид қарорлар бўлган тақдирдагина кўчирманинг тўғрилиги шаҳодатланиши мумкин. Кўчирма ҳужжатнинг муайян масалага доир қисмининг тўла матнини акс эттириши керак.

Фуқаронинг ҳужжатдаги имзоси ҳақиқийлиги унинг иш, ўқиши ёки яшаш жойидаги нотариус ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг мансабдор

шахси томонидан шаҳодатланган ҳолларда нотариус фуқаро берган ҳужжатнинг нусхаси тўғрилигини шаҳодатлайди.

#### **66-модда. Ҳужжат нусхасидан кўчирилган нусханинг тўғрилигини шаҳодатлаш**

Ҳужжат нусхасидан кўчирилган нусханинг тўғрилигини нотариуслар, башарти аввалги нусханинг тўғрилиги нотариал тартибда шаҳодатланган бўлса ёки ҳужжатнинг нусхаси унинг асл нусхаси тайёрланган корхона, муассаса, ташкилот томонидан берилган бўлса, шаҳодатлайди. Кейинги ҳолатда ҳужжатнинг нусхаси мазкур юридик шахснинг иш қоғозида баён этилган, муҳр босиб тасдиқланган ва унда шу ҳужжатнинг асли мазкур корхона, муассаса, ташкилотда эканлиги ёзиб қўйилган бўлиши керак.

#### **67-модда. Ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш**

Нотариус мазмуни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Нотариус имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлар экан, ҳужжатда баён этилган фактларни эмас, балки фақат имзонинг муайян шахс томонидан қўйилганлигини тасдиқлади.

#### **68-модда. Таржиманинг тўғрилигини шаҳодатлаш**

Нотариус, башарти у тегишли тилларни билса, бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди.

Агар нотариус тегишли тилларни билмаса, таржима таржимон томонидан қилиниши мумкин, нотариус унинг имзоси ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

### **11-боб. ФАКТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ**

#### **69-модда. Фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш**

Нотариус фуқаронинг тирик эканлиги фактини унинг шахсий илтимосига кўра ва унинг иштироқида тасдиқлади.

Вояга етмаган шахснинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш унинг қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек уни ўз ҳомийлигига олган муассасалар ва ташкилотларнинг илтимосига кўра амалга оширилади.

#### **70-модда. Фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш**

Нотариус фуқаронинг илтимосига кўра унинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлади.

Вояга етмаган шахснинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш унинг қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек уни ўз ҳомийлигига олган муассасалар ва ташкилотларнинг илтимосига кўра амалга оширилади.

#### **71-модда. Фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш**

Нотариус фуқаро тақдим этган фотосуратдаги шахс шу фуқаронинг айнан ўзи эканлигини тасдиқлади.

#### **72-модда. Ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлаш**

Нотариус ўзига ҳужжат тақдим этилган вақтни тасдиқлади.

### **12-боб. ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ АРИЗАЛАРИНИ ТОПШИРИШ. ПУЛ СУММАЛАРИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ДЕПОЗИТГА ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

#### **73-модда. Аризаларни топшириш**

Нотариус жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини олиб бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади. Аризалар топширилганлигини

маълум қилиш шарти билан почта орқали юборилади ёки бевосита тегишли шахсларга имзо чектириб топширилади. Аризалар телефон, компьютер тармоқлари ва бошқа техник воситалардан фойдаланиб ҳам узатилиши мумкин. Аризаларни узатиш учун техник воситалардан фойдаланишга кетган харажатларни нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраган шахс тўлади.

Ариза берган шахснинг илтимосига кўра унга аризанинг топширилганлиги ҳақида гувоҳнома берилади.

#### **74-модда. Пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиш**

Нотариус қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда кредиторга топшириш учун қарздордан депозитга пул суммалари ва қимматли қоғозларни қабул қиласди.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 249-моддаси.*

Нотариус пул суммалари ва қимматли қоғозлар келиб тушганлиги ҳақида кредиторга хабар қиласди ҳамда унинг талаби бўйича унга тегишли пул суммалари ва қимматли қоғозларни топширади.

Пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга мажбурият бажариладиган жойдаги нотариус қабул қиласди.

#### **75-модда. Пул суммалари ва қимматли қоғозларнинг уларни депозитга топширган шахсга қайтарилиши**

Пул суммалари ва қимматли қоғозларнинг уларни депозитга топширган шахсга қайтарилишига тўлов кимнинг фойдасига амалга оширилган бўлса, ўша шахснинг ёзма розилиги билан ёки суд қарорига биноан йўл қўйилади.

#### **13-боб. ИЖРО ХАТЛАРИ ЁЗИШ**

##### **76-модда. Қарздордан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш**

Қарздордан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш учун нотариус қарздорликни белгиловчи ҳужжатларга ижро хатларини ёзади.

##### **77-модда. Қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати**

Ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги 26-сонли қарори билан тасдиқланган «Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириши сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар Рўйхати».*

#### **78-модда. Ижро хатларини ёзиш шартлари**

Ижро хатлари қўйидаги ҳолларда ёзилади:

тақдим этилган ҳужжатлар қарздорнинг ундириб олувчидан қарздор эканлиги ёки бошқа мажбуриятини шубҳасиз тасдиқласа;

даъво қилиш ҳуқуки вужудга келган кундан бошлаб ўтган вақт уч ийлдан ортиқ бўлмаса.

Агар ижро хати бериш ҳақидаги талаб учун қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлса, ижро хати шу муддат ичидан берилади.

#### **79-модда. Ижро хатининг мазмуни**

Ижро хатида қўйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

ижро хатини ёзаётган нотариус исм-шарифининг бош ҳарфлари, фамилияси, лавозими;

ундириб олувчининг номи ва манзили;

қарздорнинг номи ва манзили;  
ундириб олиш амалга ошириладиган муддат;  
ундириб олиниши керак бўлган суммалар ёки талаб қилиб олиниши  
керак бўлган нарсалар, шу жумладан тўланиши керак бўлган пеня, фоизлар;  
ундириб олувчи тўлаган ёки қарздордан ундирилиши керак бўлган  
давлат божи ёки тариф суммалари;  
ижро хати ёзилган сана (йил, ой, кун);  
ижро хатининг реестрда қайд этилган тартиб рақами;  
ижро хатини ёзган нотариуснинг имзоси;  
нотариуснинг муҳри.

#### **80-модда. Ижро хатини тақдим этиши муддатлари ва ижро хати бўйича ундириб олиш тартиби**

Ижро хати, агар қонун хужжатларида бошқа муддат белгиланган  
бўлмаса, у ёзилган кундан бошлаб уч йил муддат ичидаги мажбурий ижро учун  
тақдим этилиши мумкин.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суд хужжатлари ва бошқа органлар  
хужжатларини ижро этиши тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддаси.*

Ижро хатини тақдим этишининг ўтказиб юборилган муддатини,  
шунингдек ижро хати бўйича ундиришни тиклаш қонун хужжатларига мувофиқ  
амалга оширилади.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суд хужжатлари ва бошқа органлар  
хужжатларини ижро этиши тўғрисида»ги Қонунининг 29-моддаси.*

#### **14-боб. ВЕКСЕЛНИ ПРОТЕСТ ҚИЛИШ. ЧЕКНИ ТЎЛОВГА ТАҚДИМ ЭТИШ ВА ЧЕКНИНГ ТЎЛАНМАГАНЛИГИНИ ТАСДИҚЛАШ**

##### **81-модда. Векселни протест қилиш**

Нотариус пули тўланмаган, акцепт қилинмаган ва акцепт санаси  
кўрсатилмаган векселни қонун хужжатларига мувофиқ протест қиласади.

##### **82-модда. Чекни тўловгага тақдим этиши ва чекнинг тўланмаганлигини тасдиқлаш**

Тўловчининг тураг жойидаги нотариус тўловгага тақдим этилган чекни  
қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда қабул қилиб олади.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 807 — 816-  
моддаси.*

Чек тўланмаган тақдирда нотариус чекнинг тўланмаганлигини унга  
ёзиб қўйиш йўли билан тасдиқлади ва буни реестрда қайд этади. Чекка ёзиш  
билан бирга чек берувчига унинг чекини банк тўламаганлиги ва бу хусусда  
чекка ёзиб қўйилганлиги ҳақида билдириш хати юборилади.

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 814-моддаси.*

Чек тўланмаган тақдирда нотариус чек сақловчининг илтимосига кўра  
ижро хатини ёзади.

#### **15-боб. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТАРИБ БЕРИШ**

##### **83-модда. Ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олиш**

Нотариус ҳужжатларни сақлаш учун рўйхат бўйича қабул қилиб олади.  
Рўйхатнинг бир нусхаси нотариусда қолади, бошқа нусхаси ҳужжатларни  
сақлаш учун топширган шахсга берилади.

Агар ҳужжатлар лозим тарзда ўраб жойлаштирилган бўлса, шахснинг  
илтимосига кўра нотариус уларни рўйхатсиз ҳам қабул қилиб олиши мумкин.  
Ҳужжатлар ўрамига нотариуснинг муҳри қўйилади ҳамда у нотариус ва  
ҳужжатларни топширган шахс томонидан имзоланади. Бундай ҳолларда  
нотариус ҳужжатлар ўрамининг бут сақланиши учун жавоб беради.

Хужжатларни сақлаш учун топширган шахсга гувоҳнома берилади.

**84-модда. Сақлаш учун қабул қилинган ҳужжатларни қайтариш**

Сақлаш учун қабул қилинган ҳужжатлар уларни сақлаш учун топширган шахсга ёки унинг қонуний вакилига гувоҳнома ва рўйхатни тақдим этганидан кейин ёхуд суднинг қарори бўйича қайтариб берилади.

**16-боб. ДЕНГИЗ ПРОТЕСТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

**85-модда. Денгиз протестлари ҳақидаги ариза**

Нотариус кема эгасининг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун далил-исботларни таъминлаш мақсадида кема капитанининг кема сузуб бораётганда ёки у тўхтаб турган жойда содир бўлган ҳамда кема эгасининг олдига мулкий талаблар қўйиш учун асос бўлиши мумкин бўлган ҳодиса тўғрисидаги аризасини қабул қиласди.

Денгиз протести ҳақидаги аризада юз берган ҳодиса тафсилотлари ва капитаннинг ўзига ишониб топширилган мулкнинг бут сақланишини таъминлаш юзасидан кўрган чора-тадбирлари баён этилган бўлиши керак.

Денгиз протести тўғрисидаги аризада баён этилган ҳолатларнинг тасдиғи сифатида кема капитани ариза билан бир вақтда ёки кема портга кирган кундан бошлаб, агар ҳодиса портда юз берган бўлса, у юз берганидан сўнг етти кундан кечиктирмай нотариусга кўздан кечириш учун кема дафтарини ва кема дафтаридан олиниб капитан томонидан тасдиқланган кўчирмани тақдим этиши шарт.

**86-модда. Денгиз протестлари ҳақида ариза бериш муддатлари**

Денгиз протести ҳақидаги ариза кема портга кирган вақтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичida берилади. Агар денгиз протести ҳақида ариза бериш заруратини келтириб чиқарган ҳодиса портда юз берган бўлса, протест ҳодиса юз берган вақтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичida берилиши керак.

Протестни белгиланган муддатда беришнинг имкони бўлмаган тақдирда, бунинг сабаблари денгиз протести ҳақидаги аризада кўрсатилиши керак.

**87-модда. Денгиз протести ҳақида далолатнома тузиш**

Нотариус капитаннинг аризаси, кема дафтаридаги маълумотлар, шунингдек капитаннинг ўзи ҳамда кема қўмондонлиги таркибидан камида икки гувоҳни ва кема командаси таркибидан икки гувоҳни сўрқ қилиш асосида денгиз протести ҳақида далолатнома тузади ва уни ўз имзоси ҳамда гербли муҳр билан тасдиқлади. Денгиз протести ҳақидаги далолатноманинг бир нусхаси капитанга ёки вакил қилинган шахсга берилади.

**17-боб. ЧЕТ ЭЛ ХУҚУКИ НОРМАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.**

**ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР**

**88-модда. Нотариус томонидан чет эл хуқуки нормаларининг қўлланилиши**

Нотариус Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, халқаро шартномаларга мувофиқ чет эл хуқуки нормаларини қўллади.

Нотариус халқаро шартномалар талабларига мувофиқ тузилган ҳужжатларни қабул қилиб олади, шунингдек, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларирига зид келмаса, уларга бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклда тасдиқловчи устхатлар ёзади.

**89-модда. Мерос мол-мулкни қўриқлаш ва меросга бўлган хуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш**

Чет эл фуқароси вафотидан кейин унинг Ўзбекистон Республикаси худудида қолган мол-мулкини қўриқлаш ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси вафот этганидан кейин чет эл фуқаросига тегишли бўлган мол-мулкни қўриқлаш, шунингдек бундай мол-мулк хусусида меросга бўлган хуқуқ ҳақида гувоҳномалар бериш билан боғлиқ ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**90-модда. Чет элда амал қилишга мўлжалланган ишончномалар**

Нотариус томонидан тасдиқланган, чет элда амал қилишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончномалар уларни берган шахс томонидан бекор қилингунига қадар ўз кучида қолади.

**91-модда. Нотариуснинг чет элда тузилган хужжатларни қабул қилиши**

Чет элда бошқа давлатлар ваколатли органларининг мансабдор шахслари иштирокида тузилган ёки улардан келаётган хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги органи расмийлаштирган тақдирдагина нотариус томонидан қабул қилинади.

*Қаранг: Консул томонидан хужжатларни қонунийлаштириши тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат № 313, 12.03.97 й.)*

Бундай хужжатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда расмийлаштирилмаган ҳолида нотариус томонидан қабул қилинади.

**92-модда. Нотариуснинг бошқа давлатлар адлия органлари билан ўзаро муносабатлари**

Нотариуснинг бошқа давлатлар адлия органлари билан ўзаро муносабатлари тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади.

**93-модда. Халқаро шартнома**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида нотариал ҳаракатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгилangan бўлса, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси нотариусга Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилмаган нотариал ҳаракатни амалга ошириш ваколатини берса, нотариус бу нотариал ҳаракатни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилаган тартибда амалга оширади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1996 йил 26 декабрь,  
343-I-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ  
«ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТҮҒРИСИДА»  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ  
ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш түғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги **карорини** бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қўйидагилар тасдиқлансан:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Хусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), уйлар (уйларнинг бир қисми)ни бошқаларга бериш ва мерос қилиб қолдиришда мулкчилик ҳуқуки ўтиши ҳақидаги шартномаларни расмийлаштириш түғрисидаги **Низом** 1-иловага мувофиқ;

*(1-банднинг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 октябрь 474-сонли қарори таҳририда)*

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги уй-жой фондини хусусийлаштириш тартиби түғрисидаги **Низом** 2-иловага мувофиқ.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 октябрь 474-сонли қарори асосида ўз кучини йўқотган)*

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш түғрисида **Низомга** ҳамда давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш, сақлаш ва ундан фойдаланиш тартиби түғрисидаги **Қоидаларига** ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг баъзи қарорларини **3-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Капитал қурилиш, транспорт ва алоқа ҳамда Юридик бўлимларига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1994 йил 4 апрель,  
180-сон

Вазирлар Махкамасининг  
1994 йил 4 апрелдаги 180-сон қарорига  
1-ИЛОВА

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**«Хусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), уйлар (уйларнинг бир қисми)ни бошқаларга бериш ва мерос қилиб қолдиришда мулкчилик хуқуқининг ўтиши ҳақидаги шартномаларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

1. Хусусийлаштирилган уй-жойларга пулли, имтиёзли ёки бепул асосда мулк қилиб берилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), уйлар (уйларнинг бир қисми) киради.

2. Хусусийлаштирилган квартира (квартиранинг бир қисми), уй (уйнинг бир қисми) мулкдори жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқларини ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини бузмаган ҳолда ушбу уй-жойга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хуқуқига эгадир.

Хусусийлаштирилган уй-жойнинг мулкдори мазкур уй-жойни ўз хоҳишига кўра ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсларга ёки қўчмас мулк билан операцияларни амалга оширишга вакил қилинган органга бериш ва васият қилиб қолдириш, шунингдек, уни кўчмас мулк савдоси бўйича кимошди савдосига қўйиш хуқуқига эгадир.

Квартирани (квартиранинг бир қисмини), уйни (уйнинг бир қисмини) жисмоний ёки юридик шахсларга беришда мулкдор бошқаларга бериш шартномасини тасдиқлатиш учун нотариал идорага, кимошди савдоси орқали сотиша эса – кўчмас мулк савдосини амалга оширишга вакил қилинган органга мурожаат қиласди.

3. Бошқаларга берилаётган хусусийлаштирилган уй-жойнинг қиймати томонларнинг келишувига кўра, бирок бошқаларга бериш пайтида уй-жойнинг техник хатлов кадастр бюроси хизмати томонидан баҳоланган қийматидан паст бўлмаган миқдорда белгиланади. Мерос тартибида ўтадиган уй-жойнинг қиймати меросхўрлик тайинланган кунда техник хатлов кадастр бюроси хизмати томонидан белгиланган баҳолаш маълумотлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

4. Хусусийлаштирилган квартирани (квартиранинг бир қисмини), уйни (уйнинг бир қисмини) сотиб олиш, алмаштириш хуқуқига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва бошқа давлатларнинг фуқаролари, шу жумладан, МДҲ катнашчилари бўлган давлатларнинг фуқаролари, ва доимий яшовчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда берилган яшаш учун рухсатномаси бўлган фуқаролар эга бўладилар.

5. Юридик ёки жисмоний шахслар томонидан мулкдордан сотиб олинган уй-жойдан фақат уй-жой сифатида фойдаланилиши мумкин.

6. Хусусийлаштирилган уй-жойни бошқаларга бериш хоҳишини билдирган мулкдор қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

паспорт ёки унинг ўрнини босувчи хужжат;

хусусийлаштирилган уй-жойга мулкчилик хуқуқини берувчи давлат далолатномаси ёхуд жойлардаги давлат ҳокимияти органи, бирлашма, корхона, ташкилот маъмуриятининг қарори ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 1989 йил 21 июндаги 203-сон қарорига мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланган уй-жойнинг олди-сотди шартномаси;

квартирага (квартиранинг бир қисмига), уйга (уйнинг бир қисмига) хатлов хужжатлар йиғма жилди;

оиланинг биргалиқда яшовчи барча вояга етган аъзоларининг, шунингдек, квартиralар (квартиralарниң бир қисми)ни ёки уй (уйнинг бир қисми)ни хусусийлаштиришга розилик берган шахсларниң нотариал тартибда тасдиқланган розилиги;

илова қилинаётган шаклдаги маълумотнома ёки уй дафтари;

бошқаларга бериш пайтида техник хатлов кадастр бюроси хизматлари томонидан бериладиган уй-жойнинг техник ҳолати ва қиймати тўғрисидаги белгиланган намунаидаги хатлов маълумотномаси.

7. Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларида яшовчи фуқаролар Тошкент шаҳридаги хусусийлаштирилган квартиralарни (квартиralарниң бир қисмини), уйларни (уйларниң бир қисмини) сотиб олаётганларида паспорт ёки унинг ўрнини босувчи хужжат билан бирга маҳсус комиссиянинг Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказишга рухсат бериш тўғрисидаги қарорини тақдим этадилар.

Бошқа давлатларниң фуқаролари, шу жумладан, МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқаролари, ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, квартиralарни (квартиralарниң бир қисмини), уйларни (уйларниң бир қисмини) сотиб олаётганларида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда берилган яшаш учун рухсатномани тақдим этадилар, улар томонидан Тошкент шаҳридаги хусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарниң бир қисми), уйлар (уйларниң бир қисми) сотиб олинган тақдирда эса Маҳсус комиссиянинг Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказишга рухсат бериш тўғрисидаги қарорини ҳам тақдим этадилар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 27 февралдаги 92-сон қарорининг 4-бандида кўрсатиб ўтилган шахслар бундан мустасно.

8. Олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя қилиш шартномаларини нотариал тасдиқлашда ва хусусийлаштирилган уй-жойга меросхўрлик ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ставкалар бўйича давлат божи ундирилади.

9. Олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битишувлари амалга оширилгандан сўнг, шунингдек, мулкчилик ҳуқуқи меросхўрлик тартибida ўтгандан сўнг, бошқаларга бериш ёки мерос қилиб қолдириш вақтидан қатъи назар, квартира (квартиранинг бир қисми), уй (уйнинг бир қисми) хусусийлаштирилган уй-жой мақомини йўқотади.

10. Нотариал тартибда расмийлаштирилган, техник хатлов бюросида рўйхатдан ўтказилган олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш шартномаси, шунингдек, қонун билан белгиланган тартибда берилган меросхўрлик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома илгари хусусийлаштирилган сотиб олинган уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳуқуқни белгиловчи хужжат бўлиб ҳисобланади.»

### ИЛОВА

#### МАЪЛУМОТНОМА

Фуқаро \_\_\_\_\_

манзилида жойлашган квартира, уй (уйнинг бир қисми)

асосида унинг хусусий мулки эканлиги тўғрисида берилди.				
Бу ерда қуидагилар пропискадан ўтган:				
T/p	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Қариндошлиқ даражаси	Пропискадан ўтган вақти
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				

## Ишлаб чиқариш-уй-жой инспекцияси бошлиғи

### Ишлаб чиқариш-уй-жой инспекцияси бош муҳандиси

(иљова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 октябрь 474-сонли қарори таҳририда)

Вазирлар Маҳкамасининг  
1994 йил 4 апрелдаги 180-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг уй-жой фондини хусусийлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг уй-жой фондини хусусийлаштиришнинг асосларини, тартибини ва шартларини белгилайди.

Мудофаа вазирлигининг уй-жой фонди квартиralарини хусусийлаштириш «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конунига ва тегишли норматив хужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Мудофаа вазирлигининг уй-жой фондида яшаётган ишчилар, хизматчилар ва бошқа шахслар хусусийлаштириш субъектлари ҳисобланадилар.

3. Ёпик ҳарбий шаҳарчалардаги квартиralар ва уйлар, ётоқхоналардаги квартиralар, яаша учун яроқсиз деб топилган ёки хизмат квартиralари (хоналари) ҳисобланган, икки ёки ундан кўп ижарачилар яшайдиган квартиralар (эгаллаб турган квартиralарни хусусийлаштириш бўйича уларнинг розилиги бўлмаган тақдирда), бошқа давлатларнинг Куролли Кучларида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар томонидан банд этиб турилган бўш квартиralар ҳамда банд этиб қўйилган квартиralар хусусийлаштирилмайди.

4. Квартиralарни хусусийлаштиришга доир хужжатларни расмийлаштириш шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги тегишли органлар томонидан уй-жой фонди эгаси билан тузилган шартнома шартлари бўйича ёки Мудофаа вазирлигининг квартиralардан фойдаланиш органлари томонидан амалга оширилади.

5. Квартиralарни хусусийлаштирган ҳарбий хизматчилар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган

хусусийлаштирилган квартиralарни, уйларни (уйларнинг бир қисмини) сотиб олиш-сотиш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги **Низомга** мувофиқ сотиш, алмаштириш ва ҳадя этиш билан боғлиқ барча харакатларни амалга ошириш хуқуқига эгадирлар.

6. Ҳарбий хизматчилар янги хизмат жойига жўнаб кетишаётганда ўз хоҳишига кўра хусусийлаштирган уй-жойи бўйича Мудофаа вазирлигининг квартиralардан фойдаланиш органлари билан ёки уларнинг тавсиясига биноан навбатдаги ҳарбий хизматчи билан қолдиқ баланс қиймати бўйича сотиб олиш-сотиш шартномасини расмийлаштиришлари мумкин, бунда улар уй-жойни топширганлиги тўғрисида белгиланган намунадаги маълумотнома оладилар.

Вазирлар Махкамасининг  
1994 йил 4 апрелдаги 180-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш, сақлаш ва ундан фойдаланиш қоидаларига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

**РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришни давом эттириш тўғрисида» 1993 йил 1 мартағи 114-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги **Низомга** кўйидаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин:

муқаддиманинг **иккинчи хатбошидаги** ва бошқа барча бандлардаги «шахсий мулк» сўzlари «мулк» сўзи билан алмаштирилсин;

2-банднинг **иккинчи хатбошидаги** «тарихий» сўзидан олдин «архитектура» сўзи қўшилсин, «совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарининг уй-жой фондидан ташқари» сўzlари чиқариб ташлансин;

**3-банд** кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган (пропискада бўлган) фуқаролиги бўлмаган шахслар хусусийлаштириш субъектлари ҳисобланадилар.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг ўзга юридик шахслари ўз ходимларини, пенсионерларини уй-жой билан таъминлаш учун мулкдордан уй-жой сотиб олишлари мумкин».

**8-банд** кўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар квартира, уй (уйнинг бир қисми) учун бадални тўлиқ тўлаган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ аризани ҳокимиятнинг маҳаллий органида рўйхатдан ўтказган, бироқ мулкка эгалик қилиш хуқуқини берувчи давлат далолатномасини олмасдан вафот этган тақдирда меросхўрлар ушбу квартирани, уйни (уйнинг бир қисмини) мерос қилиб олишга ҳақлидирлар»;

**9, 10** ва **19**-бандлар чиқариб ташлансин;

**23-банд** кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришнинг қандай бораётганини назорат қилиш мазкур уй-жой фондининг эгаси ёки улар томонидан вакил қилинган органлар томонидан амалга оширилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришни давом эттириш

тўғрисида» 1993 йил 1 мартағи 114-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш, сақлаш ва ундан фойдаланиш **Қоидаларига** қуидаги ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилсин:

**20-банд** қуидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар квартира, уй (уйнинг бир қисми) учун бадални тўлиқ тўлаган ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ аризани ҳокимиятнинг маҳаллий органида рўйхатдан ўтказган, бироқ мулкка эгалик қилиш хуқуқини берувчи давлат далолатномасини олмасдан вафот этган тақдирда меросхўрлар ушбу квартирани, уйни (уйнинг бир қисмини) мерос қилиб олишга ҳақлидирлар»;

**22-банд** қуидагича таҳрирда баён қилинсин:

«Хусусийлаштирилган квартиранинг, уйнинг (уйнинг бир қисмининг) эгаси қуидаги хуқуқларга эгадир:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг, давлатнинг хуқуқларини, қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини бузмаган ҳолда ушбу уй-жойга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш, кўчмас мулк солиқлари, суғурта бадалларини тўлаш бўйича имтиёзлардан фойдаланиш;

эгаллаб турган уй-жой майдонидан қатъи назар, бошқа квартирани, уйни (уйнинг бир қисмини) сотиб олиш;

уй-жой майдонидан қатъи назар, «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ оила аъзоларини ва бошқа шахсларни квартирага, уйга (уйнинг бир қисмига) прописка қилиш;

прописка ва турар жойи бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз, квартирани, уйни бошқа ҳар қандай квартирага, шу жумладан, кооператив уй-жойга алмаштириш;

ширкатлар ташкил этиш, уй-жойлардан ва биргалиқда фойдаланиладиган жойлардан фойдаланишини ташкил этишни, давлат уй-жойлардан фойдаланиш ва тузатиш-қуриш ташкилотларини, кооперативларни, хусусий ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларни ҳам қўшганда, мустақил равишда белгилаш, уй-жойга хизмат кўрсатиш ва уларни тузатиш бўйича шартномалар тузиш;

уй-жойларни ва улар атрофидаги худудларни сақлаш бўйича бажариладиган ишлар сифатини баҳолашда бевосита ёхуд ширкат таркибида қатнашиш, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки зарур даражада бажармаганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек, алоҳида шахсларга нисбатан жарима санкцияларини қўллаш бўйича материаллар тақдим этиш;

хусусийлаштирилган уй-жойлардан фуқароларни кўчирмасдан асосли тузатишни амалга ошириш мумкин бўлмаган вакт учун мулкдорлардан ёки уй-жойлардан фойдаланишга вакил қилинган органлардан уй-жойни ижарага олиш»;

**23-банд** чиқариб ташлансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг ўз кучини йўқотган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида» 1992 йил 13 августдаги 378-сон қарори;

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришни давом эттириш тўғрисида» 1993 йил 1 мартдаги 114-сон қарорининг **10-банди**.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 10-сон, 61-модда)

Уй-жойлар ва уй-жой бўлмаган биноларни бошқаларга бериш ва мерос қилиш тартибида мулкчилик ҳуқуқининг ўтиши масалаларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилсун.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1999 йил 23 октябрь,  
474-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил  
23 октябрдаги 474-сон қарорига  
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгаришиш ва қўшимчалар

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1994 йил 4 апрелдаги 180-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 4-сон, 20-модда)нинг:

1-банди **иккинчи хат** боши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Хусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), уйлар (уйларнинг бир қисми)ни бошқаларга бериш ва мерос қилиб қолдиришда мулкчилик ҳуқуқи ўтиши ҳақидаги шартномаларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ»;

2-банд ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин;

1-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Хусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), уйлар (уйларнинг бир қисми)ни бошқаларга бериш ва мерос қилиб қолдиришда**

## **мулкчилик ҳуқуқининг ўтиши ҳақидаги шартномаларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом**

1. Хусусийлаштирилган уй-жойларга пулли, имтиёзли ёки бепул асосда мулк қилиб берилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), уйлар (уйларнинг бир қисми) киради.

2. Хусусийлаштирилган квартира (квартиранинг бир қисми), уй (уйнинг бир қисми) мулкдори жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини бузмаган ҳолда ушбу уй-жойга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эгадир.

Хусусийлаштирилган уй-жойнинг мулкдори мазкур уй-жойни ўз хоҳишига кўра ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсларга ёки кўчмас мулк билан операцияларни амалга оширишга вакил қилинган органга бериш ва васият қилиб қолдириш, шунингдек, уни кўчмас мулк савдоси бўйича кимошди савдосига қўйиш ҳуқуқига эгадир.

Квартирани (квартиранинг бир қисмини), уйни (уйнинг бир қисмини) жисмоний ёки юридик шахсларга беришда мулкдор бошқаларга бериш шартномасини тасдиқлатиш учун нотариал идорага, кимошди савдоси орқали сотишка эса – кўчмас мулк савдосини амалга оширишга вакил қилинган органга мурожаат қиласди.

3. Бошқаларга берилаётган хусусийлаштирилган уй-жойнинг қиймати томонларнинг келишувига кўра, бироқ бошқаларга бериш пайтида уй-жойнинг техник хатлов кадастр бюроси хизмати томонидан баҳоланган қийматидан паст бўлмаган микдорда белгиланади. Мерос тартибида ўтадиган уй-жойнинг қиймати меросхўрлик тайинланган кунда техник хатлов кадастр бюроси хизмати томонидан белгиланган баҳолаш маълумотлари хисобга олинган ҳолда белгиланади.

4. Хусусийлаштирилган квартирани (квартиранинг бир қисмини), уйни (уйнинг бир қисмини) сотиб олиш, алмаштириш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва бошқа давлатларнинг фуқаролари, шу жумладан, МДҲ қатнашчилари бўлган давлатларнинг фуқаролари, ва доимий яшовчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибида берилган яшаш учун рухсатномаси бўлган фуқаролар эга бўладилар.

5. Юридик ёки жисмоний шахслар томонидан мулкдордан сотиб олинган уй-жойдан факат уй-жой сифатида фойдаланилиши мумкин.

6. Хусусийлаштирилган уй-жойни бошқаларга бериш хоҳишини билдирган мулкдор қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

паспорт ёки унинг ўрнини босувчи хужжат;

хусусийлаштирилган уй-жойга мулкчилик ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси ёхуд жойлардаги давлат ҳокимияти органи, бирлашма, корхона, ташкилот маъмуриятининг қарори ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг 1989 йил 21 июндаги 203-сон қарорига мувофиқ нотариал тартибида тасдиқланган уй-жойнинг олди-сотди шартномаси;

квартирага (квартиранинг бир қисмига), уйга (уйнинг бир қисмига) хатлов хужжатлар йиғма жилди;

оиланинг биргаликда яшовчи барча вояга етган аъзоларининг, шунингдек, квартиralар (квартиralарнинг бир қисми)ни ёки уй (уйнинг бир қисми)ни хусусийлаштиришга розилик берган шахсларнинг нотариал тартибида тасдиқланган розилиги;

илова қилинаётган шаклдаги маълумотнома ёки уй дафтари;

бошқаларга бериш пайтида техник хатлов кадастр бюроси хизматлари томонидан бериладиган уй-жойнинг техник ҳолати ва қиймати тўғрисидаги белгиланган намунаидаги хатлов маълумотномаси.

7. Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларида яшовчи фуқаролар Тошкент шаҳридаги хусусийлаштирилган квартиralарни (квартиralарнинг бир қисмини), уйларни (уйларнинг бир қисмини) сотиб олаётганларида паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат билан бирга маҳсус комиссиянинг Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказишга рухсат бериш тўғрисидаги қарорини тақдим этадилар.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари, шу жумладан, МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқаролари, ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, квартиralарни (квартиralарнинг бир қисмини), уйларни (уйларнинг бир қисмини) сотиб олаётганларида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда берилган яшаш учун рухсатномани тақдим этадилар, улар томонидан Тошкент шаҳридаги хусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), уйлар (уйларнинг бир қисми) сотиб олинган тақдирда эса Маҳсус комиссиянинг Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказишга рухсат бериш тўғрисидаги қарорини ҳам тақдим этадилар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 27 февралдаги 92-сон қарорининг 4-бандида кўрсатиб ўтилган шахслар бундан мустасно.

8. Олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя қилиш шартномаларини нотариал тасдиқлашда ва хусусийлаштирилган уй-жойга меросхўрлик ҳукуки тўғрисида гувоҳнома беришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ставкалар бўйича давлат божи ундирилади.

9. Олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш битишувлари амалга оширилгандан сўнг, шунингдек, мулкчилик ҳукуки меросхўрлик тартибida ўтгандан сўнг, бошқаларга бериш ёки мерос қилиб қолдириш вақтидан қатъи назар, квартира (квартиранинг бир қисми), уй (уйнинг бир қисми) хусусийлаштирилган уй-жой мақомини йўқотади.

10. Нотариал тартибда расмийлаштирилган, техник хатлов бюросида рўйхатдан ўтказилган олди-сотди, айирбошлаш ва ҳадя қилиш шартномаси, шунингдек, қонун билан белгиланган тартибда берилган меросхўрлик ҳукуки тўғрисидаги гувоҳнома илгари хусусийлаштирилган сотиб олинган уй-жойга эгалик қилиш ҳукуқини берувчи ҳукуқни белгиловчи ҳужжат бўлиб хисобланади.»

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 йил, 11-сон, 49-модда) қарори билан тасдиқланган Давлат божи **ставкаларининг** 4-бандидаги:

«б» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«б) квартиralарни (квартиralарнинг бир қисмини), шу жумладан, хусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), уйлар, дала ҳовлилар, гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларнинг олди-сотди, айирбошлаш, рента олиш, умрбод таъминлаш шарти билан бошқаларга бериш ва ҳадя қилиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун:

— мулкдорнинг эри ёки хотинига, ота-оналарига, болаларига, набираларига, бувиларига, буваларига, туғишган ака-укалари ва опасингилларига — шартнома суммасининг 1 фоизи миқдорида, бироқ битишув

тузилаётган пайтда тегишли равишда техник хатлов кадастр бюроси ёки кўчмас мулк давлат кадастри хизматлари томонидан белгиланган хатлов баҳосининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

— бошқа жисмоний ва юридик шахсларга — шартнома суммасининг 10 фоизи миқдорида, бироқ битишув тузилаётган пайтда тегишли равишда техник хатлов кадастр бюроси ёки кўчмас мулк давлат кадастри хизматлари томонидан белгиланган хатлов баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

— хусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), уйлар (уйларнинг бир қисми) кимошди савдоси орқали сотилганда — сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдорида»;

«в» кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

«л» кичик банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«л) мерос ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома берилганлиги учун:

— биринчи навбатдаги меросхўрларга — мерос суммасининг 0,3 фоизи миқдорида;

— иккинчи навбатдаги меросхўрларга — мерос суммасининг 1 фоизи миқдорида;

— қолган меросхўрларга — мерос суммасининг 2 фоизи миқдорида.

Изоҳ: Уй-жойлар (уйларнинг бир қисми), квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), шу жумладан хусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), дала ҳовлилар, гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларга мерос ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома беришда мерос тартибида ўтаётган мерос қилинаётган мол-мулк суммаси меросхўрлик тайинланган кунда тегишли равишда техник хатлов кадастр бюроси ёки кўчмас мулк давлат кадастри хизматлари томонидан белгиланган баҳолаш маълумотлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

### ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАР ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛИНИШНИ ҲАМДА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН ТОШКЕНТ ШАҲРИГА КЕЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Хорижий фуқаролар, шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан уй-жой сотиб олиниши, шунингдек фуқароларнинг доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келиши жараёнларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Белгилаб қўйилсинки:

уй-жойни олувчи томон хорижий фуқаролар, шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобланганда Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган уй-жойни сотиб олиш, айирбошлиш ёки гаровга қўйиш битишувларини нотариал тасдиқлаш ва кейинчалик уларни техник рўйхатдан ўтказиш бюроси органларида давлат рўйхатидан ўтказиш амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган хужжатлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда берилган яшаш учун рухсатнома тақдим этилган тақдирда амалга оширилади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

уй-жойнинг эгаси ҳисобланган, яшаш жойида бўлмаган хорижий фуқаролар, шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан коммунал хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш харажатлари учун узоқ вакт (12 ойдан ортиқ) ҳақ тўланмаган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига кўра коммунал хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш харажатларига ҳақ тўлаш юзасидан қарзларни ундириш масаласини ҳал қилиш учун уй-жой белгиланган тартибда хатлаб қўйилади;

*(1-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 февралдаги 74-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2001 й., 3-4-сон, 13-модда)*

уй-жойни ҳадя қилувчининг яқин қариндоши бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш учун рухсатномага эга бўлмаган хорижий

фуқароларга, шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уй-жойни ҳадя қилиш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун уй-жойнинг техник рўйхатдан ўтказиш бюроси органлари томонидан аниқланган рўйхатдан ўтказиш қийматининг 100 фоизи миқдорида йигим ундирилади.

2. Белгилансинки:

хорижий фуқароларни, шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқароларини, фуқаролиги бўлмаган шахсларни ва республиканинг бошқа минтақаларидан келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтказиш Рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича маҳсус комиссиянинг асосланган хulosаси асосида амалга оширилади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақалари аҳолиси уй-жой сотиб олаётган томон ҳисобланган тақдирда уй-жойни сотиб олиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш ёки гаровга қўйиш битишувларини нотариал тасдиқлаш ва кейинчалик уларни «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси органларида давлат рўйхатидан ўтказиш фақат Маҳсус комиссиянинг Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтишга рухсат бериш тўғрисидаги қарори тақдим этилган тақдирда амалга оширилади;

*(2-банднинг учинчи хатбоисиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 декабрдаги 586-сонли қарори таҳририда — ЎР КХТ, 2004 й., 50-сон, 500-модда)*

ҳадя қилиш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун йигимлар ҳамда хорижий фуқароларни, шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқароларини, фуқаролиги бўлмаган шахсларни, шунингдек бошқа минтақалардан келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий рўйхатдан ўтказганлик учун тўлов сифатида тушаётган маблағлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ихтиёрида колади ҳамда уй-жой-коммунал хўжалигини, инфратузилманинг бошқа объектларини, коммуникацияларни мустаҳкамлашга ва жамоат тартибини саклашга сарфланади.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ҳафта муддатда:

мавжуд инфратузилмани ва жамоат тартибини саклашни таъминлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда доимий яшаш учун келиш жараёнларини тартибга солиш учун Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича маҳсус комиссия ташкил этсин;

хорижий фуқароларни, шу жумладан МДҲ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтказганлик учун тўлов ставкаларини тасдиқласин.

4. Мазкур қарорнинг амал қилиши:

хорижий фуқаролар — дипломатик корпус ходимларига;

хорижий фуқаролар — Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган халқаро ташкилотлар, хорижий фирмалар, компаниялар ва банкларнинг доимий ваколатхоналари ходимларига;

илгари Тошкент шаҳрида яшаган ўқишини тутатиб қайтган, узоқ муддатли хизмат сафарида бўлган, шунингдек озодлиқдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган шахсларга татбиқ этилмайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бир ҳафта муддатда идоравий меъёрий хужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирасинлар.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргалиқда бир ой муддатда Тошкент шаҳри мақоми тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов ва Тошкент шаҳри ҳокими К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1999 йил 27 февраль,  
92-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ, УЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ БОШҚА ШАХСЛАРГА БЕРИШНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 110-модда; 2003 й., 1-2-сон, 8-модда)

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсларга беришни ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш, шунингдек жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш ва республиканинг иқтисодий манфаатларини химоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

(1-2-бандлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 майдаги 83-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган— ЎР ҚҲТ, 2006 й., 19-сон, 164-модда)

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Марказий банк ва тижорат банкларининг тегишли бўлинмалари билан биргалиқда автомототранспорт воситаларини бошқа шахсларга бериш битимларини ўз вақтида ва сифатли расмийлаштириш мақсадида бир ой муддатда:

автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш хизматлари, нотариал идоралар, банклар бўлимлари ва автомототранспорт бозорлари худудларининг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш хизматларини жойлаштириш ва улар ишини ташкил этиш учун автомототранспорт бозорлари худудида зарур жойлар ажратиши чораларини кўрсинаш;

автомототранспорт бозорлари худудида иш кўраётган ўзларига қарашли бўлинмаларнинг иши ва ўзаро ҳамкорлигининг ягона тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда амалдаги автомототранспорт воситалариға нисбатан битимлар ва ишончномаларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги фуқаролик қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган шахсларга автомототранспорт воситалари ижара шартномаларини, шунингдек автомототранспорт воситалариға нисбатан ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш хуқуқини берувчи ишончномаларни нотариал расмийлаштиришни вақтинча тақиқласин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 4-банди «п» кичик бандининг тўртинчи хатбошидаги «энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худойбергенов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**  
Тошкент ш.,  
2001 йил 28 август,  
354-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ  
АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ОЛДИ-СОТДИ  
ШАРТНОМАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ  
ТҮҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 8-модда;  
2006 й., 19-сон, 164-модда)*

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан автомототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномалари расмийлаштирилишини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

*(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 майдаги 83-сон қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган—Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 19-сон, 164-модда)*

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

*(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 майдаги 83-сон қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган—Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 19-сон, 164-модда)*

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги **НИЗОМ** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **ИЛОВАГА** мувофиқ қарорларига ўзгартеришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.А. Азизов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 13 январь,  
12-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 13 январдаги  
12-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартеришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомотранспорт воситаларини харид қилиш-сотиш, алмаштириш ва ҳадя этиш битимларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида» 1991 йил 16 сентябрдаги 233-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 9-сон, 30-модда, 1994 й., 9-сон, 46-модда, 1997 й., 4-сон, 14-модда):

а) тўртингчи хатбошидаги «Давлат автомобиль назорати» ва «ДАН бошқармасининг» сўzlари «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» ва «ЙҲҲ бош бошқармасининг» сўzlари билан алмаштирилсин;

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

(1-бандининг «б» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 майдаги 83-сон қарорига мувофиқ ўз кучини ўйқотган—Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 19-сон, 164-модда)

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 сентябрдаги 489-сон қарори билан тасдиқланган Давлат автомотранспорт воситаларини жисмоний ва давлат тасарруфида бўлмаган юридик шахсларга сотиш тартибида:

- а) 5-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- б) 11-банднинг биринчи хатбошидан «танловлар ва биржа савдолари» сўzlари чиқариб ташлансин;

в) 14-банд кўйидаги таҳтирга баён қилинсин:

«14. Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси томонидан берилган далолатнома кимошди савдоси орқали сотилган автомотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Кимошди савдоларида сотилган давлат автомотранспорт воситаларининг олди-сотди битишуви нотариал расмийлаштирилмайди»;

г) 19-банддан «танлов ва биржа савдолари» сўzlари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомотранспорт воситаларини харид қилиш-сотиш, алмаштириш ва ҳадя этиш битимларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида» 1991 йил 16 сентябрдаги 233-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 1994 йил 29 сентябрдаги 491-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 9-сон, 46-модда, 1997 й., 4-сон, 14-модда):

а) тўртингчи хатбошида «Давлат автомобиль назорати» ва «ДАН бошқармасининг» сўzlари «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати» ва «ЙҲҲ бош бошқармасининг» сўzlари билан алмаштирилсин;

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

(3-бандининг «б» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 майдаги 83-сон қарорига мувофиқ ўз кучини ўйқотган—Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 19-сон, 164-модда)

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 майдаги 83-сон қарорига мувофиқ ўз кучини ўйқотган—Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 19-сон, 164-модда)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ  
НОТАРИУСЛАРНИНГ ИЖРО ХАТЛАРИГА АСОСАН ҚАРЗНИ  
УНДИРИШ СҮЗСИЗ АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР  
РЎЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 2-сон, 19-модда;  
2004 й., 17-сон, 197-модда; 2007 й., 9–10-сон, 85-модда)*

«Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг **77-**  
**моддасига** мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қилади:

1. Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар **рўйхати** иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўз идоравий норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирунлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А.А. Полвон-зода зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

2002 йил 18 январь,

26-сон

Вазирлар Маҳкамасининг

2002 йил 18 январдаги 26-сон қарорига

ИЛОВА

**Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга  
oshiriladig'an hujjatlar  
RUYXATI**

**I. НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАНГАН БИТИМЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗНИ  
УНДИРИШ**

1. Пул олиш, мулкни қайтариш ёки бериш билан боғлиқ нотариал тасдиқланган битимлар.

Ижро хати олиш учун қуидагилар тақдим этилади:

а) нотариал тасдиқланган битимнинг асл нусхаси;

б) кредитор томонидан қарздорга нотариус орқали тўлов муддати ўтказиб юборилганлиги (мулкни қайтариш ёки бериш) тўғрисида юборилган ёзма билдиришнома.

## **II. ҲИСОБ-КИТОБ ВА КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН АСОСЛАР БҮЙИЧА ҚАРЗНИ ҮНДИРИШ**

2. Кредит муассасалари томонидан берилган кредитлар бўйича қарздорлар ва уларнинг кафиллари тўлов муддатини ўтказиб юборганлигига оид хужжатлар.

Ижро хати олиш учун қўйидагилар тақдим этилади:

- а) унинг асосида қарз үндириладиган кредит шартномасининг асл нусхаси;
- б) үндириб олевчи томонидан тасдиқланган қарздорнинг шахсий ҳисобварағи (карточкаси)дан қарз миқдори кўрсатилган кўчирма;
- в) кредит муассасалари олдидағи қарзни икки томонлама тасдиқловчи солиштириш далолатномаси.

3. Корхоналар ва ташкилотлар томонидан ўз ходимларига якка тартибда уй-жой қуриш ва тураг жой (квартира)ларни мукаммал таъмирлаш, шунингдек уй-рўзгор буюмлари харид қилиш учун берилган қарз (ссуда)лар бўйича қарздорликни белгиловчи хужжатлар.

Ижро хати олиш учун қўйидагилар тақдим этилади:

- а) қарздор мажбуриятининг асл нусхаси;
- б) қарздорнинг шахсий ҳисобварағидан үндириб олевчи томонидан тасдиқланган ҳамда муддати ўтказиб юборилган қарз миқдори ва уни қоплаш муддатлари кўрсатилган кўчирма.

4. Квартиralар, уй-жойлар (уй-жойнинг бир қисми)ни ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олган, шу жумладан квартиralарнинг ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан хусусийлаштирган фуқароларнинг тўланмаган суммани қоплаш учун тўловлар бўйича қарздорлигини белгиловчи хужжатлар.

Ижро хати олиш учун қўйидагилар тақдим этилади:

- а) қарздор мажбуриятининг асл нусхаси;
- б) үндириб олевчи томонидан тасдиқланган қарздорнинг шахсий ҳисобварағидан муддати ўтказиб юборилган қарз миқдори ва уни қоплаш муддатлари кўрсатилган кўчирма.

## **III. КРЕДИТГА СОТИБ ОЛИНГАН ТОВАРЛАР УЧУН ҚАРЗНИ ҮНДИРИШ**

5. Товарларни кредитга сотиб олиш чоғида (бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан) харидорлар томонидан савдо ташкилотларига берилган кафиллик-мажбуриятномалар.

Қарзни ва навбатдаги бадалларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеняни үндириш юзасидан ижро хати олиш учун қўйидагилар тақдим этилади:

- а) үндириб олевчи томонидан қарз миқдори ва уни қоплаш муддатлари қайд этилган қарздор кафиллик-мажбуриятномасининг асл нусхаси;
- б) үндириб олевчи томонидан тасдиқланган қарздорнинг шахсий ҳисобварағидан муддати ўтказиб юборилган қарз миқдори ва уни қоплаш муддатлари кўрсатилган кўчирма.

## **IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ТАЛАБНОМАЛАРИ БҮЙИЧА ҚАРЗНИ ҮНДИРИШ**

6. Фуқароларнинг электр энергиясидан фойдаланганлик учун электр энергияси етказиб берувчилар олдидағи қарздорлигини белгиловчи хужжатлар.

Ижро хати олиш учун қўйидагилар тақдим этилади:

- а) ҳисобварақнинг үндириб олевчи томонидан тасдиқланган нусхаси;

- б) қарздорнинг ёзма огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати бор қарзни тўлаш тўғрисида қарздорга берилган ёзма огоҳлантириш нусхаси;  
в) ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномасининг нусхаси.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**В. ТУРАР ЖОЙ ВА ЯШАШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНМАГАН ЖОЙЛАР  
ЭГАЛАРИ (ИЖАРАЧИЛАР, АРЕНДАГА ОЛУВЧИЛАР)ДАН АРЕНДА,  
ИЖАРА ШАРТНОМАЛАРИ БЎЙИЧА, УМУМИЙ ХАРАЖАТЛАР,  
КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР УЧУН ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗНИ  
УНДИРИШ**

(бўлим номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 мартағи 43-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 9-10-сон, 85-модда)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7. Тўлов миқдори юзасидан суд низолари мавжуд бўлмаган ҳолларда турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ижарачиси, арендага олувчисининг ижара, аренда шартномалари (умумий харажатлар ва арендага, ижарага берувчининг норматив даромади) бўйича ва коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорлигини белгиловчи ҳужжатлар.

(7-банднинг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 мартағи 43-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 9-10-сон, 85-модда)

Ижро хати олиш учун қўйидагилар тақдим этилади:

- а) қарзниң ҳосил бўлишини тасдиқловчи шартноманинг ундириб олувчи томонидан тасдиқланган нусхаси;
- б) ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномасининг шартнома қатнашчилари томонидан имзоланган нусхаси;
- в) ундириб олувчи томонидан қарз қопланмаганлиги тўғрисидаги белги қўйилган ижарачига йўлланган ҳисобварақ нусхаси;
- г) қарздорнинг ёзма огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати бор қарзни тўлаш тўғрисида қарздорга берилган ёзма огоҳлантиришнинг нусхаси;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

8. Квартира эгаси бўлган фуқаролар, уй-жой-курилиш, уй-жой ва дала ҳовли-курилиш кооперативлари аъзоларининг уй-жойни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлашга, уйни (дала ҳовлини) саклаш харажатларига тузилган шартнома-контрактга мувофиқ тақдим этиладиган умумий харажатлар ва коммунал хизматлар бўйича муддати икки ойдан ортиқ ўтказиб юборилган тўловларни қоплашга оид қарзларини белгиловчи ҳужжатлар.

(8-банднинг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 мартағи 43-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 9-10-сон, 85-модда)

Ижро хати олиш учун қўйидагилар тақдим этилади:

- а) қарз қопланмаганлиги тўғрисида белги қўйилган қарздорга йўлланган ҳисобварақнинг ундириб олувчи томонидан тасдиқланган нусхаси;
- б) қарздорнинг ёзма огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати бор қарзни тўлаш тўғрисида қарздорга берилган ёзма огоҳлантириш нусхаси;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

в) бошқариш ва турар жойни таъмирлаш тўғрисидаги контракт-шартнома.

(8-банднинг «в» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 мартағи 43-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 9-10-сон, 85-модда)

9. Фуқароларнинг баҳолаш ва хатлов ишлари учун хатлов-техник ишларини амалга оширувчи органлар олдидаги қарздорлигини белгиловчи хужжатлар.

Ижро хати олиш учун қўйидагилар тақдим этилади:

а) тўланмаган ҳисобварақнинг ундириб олувчи томонидан тасдиқланган нусхаси;

б) баҳолаш ва хатлов ишлари ўтказилган обьектнинг манзили, ишларнинг номи ва ҳажми, ишларнинг қиймати (такса) ва қарзнинг умумий қиймати кўрсатилган ҳисоб-китоб нусхаси;

в) қарздорнинг ёзма огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати бор қарзни тўлаш тўғрисида қарздорга берилган ёзма огоҳлантириш нусхаси.

**VI. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ (ТЕЛЕФОН,  
ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИ, РАДИО  
ЭШИТТИРИШ ШОХОБЧАЛАРИ ВА БОШҚАЛАР)ДАН  
ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН АБОНЕНТ ТЎЛОВИ БЎЙИЧА ҚАРЗНИ  
УНДИРИШ**

10. Фуқароларнинг телекоммуникация тармоқларидан фойдалanganlik учун абонент тўлови, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация хизматлари кўрсатилганлиги учун ва абонент тўловини ўз вақтида тўламаганлик учун пеня тўлаш бўйича қарздорлигини белгиловчи хужжатлар.

Ижро хати олиш учун қарз тўланмаганлиги ҳақида белги қўйилган ҳамда қарз суммаси ва уни тўлаш муддатлари тўғрисида қарздорга юборилган билдиришноманинг ундириб олувчи томонидан тасдиқланган қарздорнинг билдиришномани олганлиги ҳақидаги тилхати бор нусхаси тақдим этилади.

**VII. БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРДА БЎЛГАНЛИКЛАРИ УЧУН  
ОТА-ОНАЛАРДАН ҚАРЗНИ УНДИРИШ**

11. Болалар мактабгача таълим муассасалари ва ихтисослаштирилган мактабларда бўлганларни учун ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг тўлов муддати (икки ҳафтадан ортиқ) ўтказиб юборилган қарздорлигини белгиловчи хужжатлар.

Ижро хати олиш учун қарздорнинг ёзма огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати бор ёзма огоҳлантириш топширилгандан кейин икки ҳафта муддат ичida қарз тўланмаганлиги тўғрисида белги қўйилган ундириб олувчи томонидан тасдиқланган ота-она ёки улар ўрнини босувчи шахс номига очилган шахсий ҳисобварақ (болалар тарбияси учун ота-оналар билан ҳисоб-китоблар ведомости)дан кўчирма тақдим этилади.

**VIII. КУТУБХОНАЛАРНИНГ ТАЛАБНОМАЛАРИ БЎЙИЧА  
ҚАЙТАРИЛМАГАН КИТОБЛАР, БОШҚА БОСМА АСАРЛАР ВА  
КУТУБХОНАЛАР ЗАХИРАСИДАН ОЛИНГАН ЎЗГА МАТЕРИАЛЛАР  
УЧУН ҚАРЗНИ УНДИРИШ**

12. Кутубхоналарнинг фуқаролар, корхоналар ва ташкилотлардан улар томонидан қайтарилмаган китоблар, бошқа босма асарлар ва кутубхоналар захирасидан олинган бошқа материаллар қийматини ўн баравар миқдорда ундириш тўғрисидаги талабномалари.

Ижро хати олиш учун қўйидагилар тақдим этилади:

а) кутубхонадан китоблар, бошқа босма асарлар ва ўзга материаллар берилганлигини тасдиқловчи, муддатида қайтарилмаганлиги қайд этилган хужжат;

б) китоблар, босма асарлар ёки материалларни қайтариш ёки улар ўрнини айнан шундай ёхуд тенг қийматли китоблар, босма асарлар ёки материаллар билан тўлдириш тўғрисида, шунингдек қайтармаган ёки алмаштиришнинг имкони бўлмаган ҳолларда уларнинг қиймати ўн баравар миқдорда ундириб олиниши тўғрисидаги ёзма огоҳлантиришларнинг нусхалари;

в) китоблар, бошқа босма асар ва ўзга материаллар қайтарилмаган ёки уларни алмаштиришнинг имкони бўлмаган ҳолларда қарзнинг ундириб олиниши тўғрисидаги ёзма огоҳлантириш топширилганлиги ҳакида почта билдиришномаси нусхаси;

г) китоблар, бошқа босма асар, ўзга материалларнинг баҳоси тўғрисида кутубхона хатлов китобидан кўчирма ёки қайтарилмаган китоб ёхуд бошқа босма асар библиография нуқтаи назаридан нодир деб ҳисобланган ҳолларда букинистик дўконнинг маълумотномаси.

## **IX. ПРОКАТ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ФУҚАРОЛАРГА БЕРИЛГАН МУЛКДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК, УЛАРНИ ИШДАН ЧИҚАРГАНЛИК ЁКИ ҚАЙТАРМАГАНЛИК УЧУН ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗНИ ФУҚАРОЛАРДАН УНДИРИШ**

13. Фуқароларнинг уларга корхоналар ва ташкилотлар томонидан берилган маданий-маиший, уй-рўзгор буюмлари, мусиқа асбоблари, спорт анжомлари ва шахсий фойдаланишга мўлжалланган бошқа мулкдан фойдаланганлик (прокат) учун тўловлар бўйича қарздорлигини белгиловчи хужжатлар.

Ижро хати олиш учун қўйидагилар тақдим этилади:

а) ижарага бериш шартномасининг нусхаси, ижарага берилган буюм баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан кам бўлган ҳолларда эса—ундириладиган сумма кўрсатилган квитанциянинг нусхаси;

б) қарздорнинг огоҳлантириш олинганлиги ҳакидаги тилхати бор қарзни тўлаш тўғрисида қарздорни ёзма огоҳлантиришнинг нусхаси.

## **X. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБНОМАЛАРИ БЎЙИЧА ҚАРЗНИ УНДИРИШ**

14. Тўлов миқдори юзасидан суд низоси мавжуд бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахслар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳисобварак-битимга асосан кўрсатиладиган тиббий хизматлар бўйича харажатларни қоплаш борасидаги қарздорлигини белгиловчи хужжатлар.

Ижро хатини олиш учун қўйидагилар тақдим этилади:

а) қарздорнинг мазкур ҳисобваракнинг биринчи нусхасини олганлиги тўғрисидаги тилхати бор қарз ҳосил бўладиган ҳисобварак-битимнинг нусхаси;

б) даволаш муассасасининг ундириши керак бўлган қарз суммаси тўғрисидаги маълумотномаси.

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

## **XI. ЛИЗИНГГА ОЛУВЧИДАН ҚАРЗНИ УНДИРИШ ВА ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИШ**

15. Лизингга олувчининг қарзини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ижро хатларини олиш учун қўйидагилар тақдим этилади:

а) қарзни ундириш ва/ёки лизинг объектини талаб қилиб олишни амалга оширишга асос бўладиган лизинг шартномасининг асл нусхаси;

- б) лизингга олувчининг лизингга берувчи олдидаги қарзини тасдиқлайдиган икки томонлама таққослаш далолатномаси;
- в) лизингга олувчининг огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати билан бирга қарзни қайтариш тўғрисида огоҳлантириш хатининг нусхаси.

*(XI бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқамасининг 2004 йил 26 апрелдаги 199-сон қарори билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳуҗжатлари тўплами, 2004 й., 17-сон, 197-модда)*